Электрон таълим ресурслари ўқувчиларга ахборотни ўқиш, маърузаларни эшитиш, амалий ва лаборатория машғулотларига мўлжалланган вазифаларни бажариш, ўз билимларини текшириш ва зарур ҳолларда уларни тўлдириш, ўз-ўзини назорат қилиш каби билим шаклларини тавсия этиши мумкин.

Электрон таълим ресурслари ўз ичига тренажёрлар, амалий ва лаборатория машғулотлари учун вазифалар, тест топшириқлари, бир вақтнинг ўзида билим бериш ва уларни ўзлаштириш жараёнини назорат қилувчи дастурий таъминотларни қамраб олади. Бошқача айтганда у ўқув предметларининг асосий ахборотли қисмини баён этувчи, олинган билимларни мустаҳкамлашга мўлжалланган машқлар, ўқувчиларнинг билимларини баҳолаш имкониятини берадиган тест технологияларидан ташкил топади.

Ўқув жараёнига мўлжалланган электрон таълим ресурслари қуйидаги имкониятларга эга бўлиши керак:

- Тескари алоқани таъминлаш;
- Керак ахборотларни тез топишга ёрдам бериш;
- Гиперматнли тушунтиришларга кўп марта муружаат қилишда вақт ҳисобини эътиборга олиш;
- Экранга маълумотларни чиқаришда компьютернинг мультимедиали имкониятларидан фойдаланиш;
- Предметнинг ҳар бир бўлими бўйича ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражаларига мос ҳолда билимларини баҳолай олиш;
- Предметнинг ўқув ахборот базаларини янгилаш имкониятини яратиш.

Таълим тизимида ўқув жараёнига ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилса таълим-тарбия жараёни жадаллаштирилади. Таълим-тарбия жараёнини жадаллаштиришнинг асосий омиллари қаторига қуйидагиларни келтириш мумкин:

- мақсадга йўналтирилганлик;
- ўқувчиларнинг мотивациясини кучайтириш;

- таълим мазмунининг ахборотли ҳажмини кенгайтириш;
- ўқувчиларнинг ўқув-билиш фаолиятини фаоллаштириш;
- ўқувчиларнинг ўқув-амалий даражасини мустаҳкамлаш ва бошқалар.

Электрон таълим ресурсларини ўқув жараёнида мустақил таълим машғулотларини самарали ташкил қилишда аҳамияти жуда катта ҳисобланади. Электрон таълим ресурсларидаги компьютернинг дастурий воситалари асосида яратилган ўқув-услубий материаллар ва электрон дарсликлардан фойдаланишдан асосий мақсад замонавий ахборот – таълим услубини шакллантириш, замонавий ахборот-педагогик, ахборот ва компьютер технологияларини қўллаш орқали таълим жараёнининг самарадорлиги, сифати ва унимдорлигини ошириш, узлуксиз таълим тизимида замонавий ўқув манбалари электрон ўқув дарсликларини кенг қўллаш, уларнинг маълум маънода кутубхоналарини ташкил этиш, таълимнинг масофадан ўқитиш усулларини амалда жорий этиш ва умумжаҳон электрон ўқув тизимига киришдан иборат.

Компьютер ва телекоммуникация технологиялари орқали масофали ўқитиш жараёнини ташкил қилишда электрон таълим ресурслари, электрон дарсликлар ва виртуал стендларнинг яратилишига алоҳида эътибор бериш керак. Электрон таълим ресурслари ва унда жойлашган мультимедиали электрон дарсликлар асосида ўқув жараёнини ташкил қилиш, анъанавий ўқитишга нисбатан ўзининг бир қанча афзаллик томонлари борлигини кўрсатади. Уларга қуйдагиларни келтириш мумкин:

- Ўқитувчига ўқув материалларини таълим олувчиларга етказиб беришда бирмунча енгиллаштирилиши;
- Дарс жараёнида берилаётган ўқув материалларнинг такрорий ҳолда намойиш қилиш имкониятининг мавжудлиги;
- Таълим олувчилар ўзлаштириш даражасининг юқори бўлишига эришиш;
- Мультимедиали электрон дарсликлар таркибида кўргазмали виртуал стендлар ташкил қилиш имконияти;
- Амалий ва лаборатория машғулотларини видео, аудио ва анимацияли воситалар орқали қизиқарли ташкил қилиш имконияти;
- Тавсия қилинган ўқув материалларидан оммавий тарзда фойдаланиш, яъни тармоқ технологиялари ёрдамида бир ёки бир нечта аудиторияда ва гуруҳларда фойдаланиш имкониятининг мавжудлиги;
- Ўқув материаллари маълумотлар базасини тезкор равишда ўзгартириб, янги ахборот захираларини киритиш имкониятининг мавжудлиги;
- Амалий ва лаборатория машғулотлари мобайнида маъруза материалларига ўтиш имкониятининг яратилиши;
- Масофадан ўқитиш учун асосий воситалардан бири сифатида фойдаланиш имконияти;
- Таълим олувчиларнинг индивидуал билимларини баҳолаш, назорат қилиш ва бошқалар.

Бундай имкониятларга эга бўлган ўқув материалларини масофали ўқитишга тадбиқ этиш, бир вақтнинг ўзида таълим олувчиларга ўқув материалларини кўриш, ўқиш, эшитиш, мулоҳаза қилиш ва қайта-қайта такрорлаб ўз билимларини ошириш имкониятларини яратади. Ахборот

технологияларини ўқув жараёнига қўлланилиши, айниқса мультимедиали воситалардан фойдаланиш ўқув жараёнининг дидактив кўринишда тасвирлаш учун жуда катта имкониятлар яратди.

Электрон таълим ресурсларидаги мустақил таълим машғулоти учун яратилган электрон ўқув-услубий материаллар автоматлаштирилган дастурий воситалар ёрдамида фаолият олиб боради. Автоматлаштирилган ўқув-услубий материаллар таълим оловчиларга керакли мавзулар бўйича маълумотларни тавсия этади ва билимларни назорат қилади. Билимларнинг назорати натижасига қараб таълим оловчиларга турли савиядаги топшириқлар тавсия қилинади. Автоматлаштирилган ўқув-услубий таълим воситалари ёрдамида таълим оловчилар ўқитувчининг ёрдамисиз ҳам ўз билимларини ошириб такомиллаштириб бориши мумкин

Ўқув жараёнида электрон таълим ресурсларидан фойдаланишнинг афзалликлари қуйидагилардан иборат:

- таълим жараёнида берилаётган материалларни чуқурроқ ва мукамалроқ ўзлаштириш;
- таълим олишнинг янги шакллари жорий қилиш;
- дарс жараёнида билим олиш вақтининг қисқариши натижасида вақтни тежаш имконияти;
- олинган билимлар киши хотирасида узоқ муддат сақланиб қолиниши ва уни амалиётда қўллаш мумкинлиги.
- ўқувчиларда маълум малакаларни шакллантириш вақти қисқалиги;
- машғулотларда бажариладиган топшириқлар сонининг ошиши;
- компьютер томонидан фаол бошқаришни талаб қилиниши натижасида ўқувчи таълим субъектига айланиши;
- ўқувчилар кузатиши, мушоҳада қилиши қийин бўлган жараёнларни моделлаштириш ва бевосита намойиш қилиш имкониятининг ҳосил бўлиши ва бошқалар.

Ўқув жараёнини компьютерлаштириш, масофали ўқитишнинг асосий воситаларидан бири бўлган ўқув-услубий таъминотни яратиш ва уларни такомиллаштириш муаммоларини ҳал қилиш бўйича барча иқтисодий ривожланган мамлакатлар каби республикамизда ҳам турли йўналишдаги илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Шу жумладан, Академик лицей ўқувчи-талабалари учун Информатика ва ахборот технологиялари фанидан www.el-talim.uz электрон таълим ресурси яратилган ва ундаги ахборот ресурслардан дарс жараёнида ва дарсдан ташқари вақтларда ўқувчи-талабалар фойдаланиб келишмоқда.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки электрон таълим ресурсларини таҳлил қилиш орқали биз ўқув жараёнига интернет муҳити томонидан тақдим этилган имкониятлардан фойдаланишимиз зарур, деган хулосага келишимиз мумкин. Бу барча ўқувчи-талабаларни ўқув жараёнига фаол жалб қилиш, ўқиш мотивациясини ва шунга мос равишда таълим сифатини оширишга имкон беради.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННЫХ ИСТОЧНИКОВ:

1. Абдуқодиров А.А., Пардаев А.Х. Масофали ўқитиш назарияси ва амалиёти. // Монография. – Тошкент: Фан. 2009. – 148 б.
2. Абдуқодиров А.А., Тоштемиров Д.Э. Таълим муассасаларида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш методикаси. // Монография. Гулистон: Университет, 2019. – 232 б.
3. Тоштемиров Д.Э. Таълим порталининг таркибий тузилиши ва услубий таъминоти // Касб-хунар таълими, 2010. – № 2. –Б. 10 – 11.
4. Тоштемиров Д.Э. Касб-хунар коллежларида “Информатика”ни ўқитиш учун таълим портали яратиш ва ундан фойдаланиш методикаси. // Пед.фан.номз.дисс...автореф. – Тошкент, 2012. – 24 б.
5. Toshtemirov D.E., Niyozov M.B., Yuldashev U.A., Irsaliev F.Sh. Resource support of distance course information educational environment // Journal of Critical Reviews ISSN- 2394-5125 Vol 7, Issue 5, 2020, pp. 399-400
6. Ниёзов М.Б., Юлдашев У.А., Юсупов А.Х. веб технологияларни таълим жараёнига қўллаш // “Инновацион ва замонавий ахборот технологияларини таълим, фан ва бошқарув соҳаларида қўллаш истиқболлари” мавзусидаги халқаро илмий – амалий онлайн конференцияси материаллари. – Самарқанд, СамДУ нашри, 14-15 май 2020 й. 345-347 б.
7. Тоштемиров Д.Э. Ниёзов М.Б. Таълим жараёнида веб технологияларнинг ўрни // Илмий хабарнома. Серия: Педагогик тадқиқотлар. 2(46).2020. - Б. 114-120.
8. Ниёзов М.Б., Маматов А.М. Ўқув жараёнида электрон таълим муҳитини такомиллаштириш // “Ўқув жараёнида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишнинг долзарб муаммолари” мавзусидаги Республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. Гулистон -2019 17-18 май. 116-117 б

Равшанов Б. Х., Яхшиев А.
Магистры
Бухоро Давлат университети
(Бухоро, Ўзбекистон)

ЖИСМОНИЙ МАДАНИЯТ ТАЪЛИМИ ЙЎНАЛИШИ ТАЛАБАЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАҲОРАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Аннотация. Мақолада жисмоний маданият таълими йўналишида таълим олаётган талабаларнинг касбий маҳоратини такомиллаштириш йўллари, талаба ёшларни касб-хунарга йўналтириш, алоҳида уларни амалий махсус жисмоний тайёргарликлари билан қуроллантириш ва жисмоний тарбия жараёнида ихтисослаштирилган машғулотлар муҳим аҳамиятга эга эканлиги тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: Жисмоний тарбия, спорт ва миллий халқ ўйинлари, касб маҳорати, машқ, жисмоний машқнинг давомийлиги, кўриш, эшитиш ва идрок этиш туйғулари, тақрорлаш, вариативлик.

Мамлакатимиз келажаги бўлган ёш авлодни тарбиялаш жараёнида жисмоний тарбия, спорт ва миллий халқ ўйинларининг беқиёслигини инобатга олиб, ёш авлодни жисмонан баркамол, маънан етук инсон қилиб тарбиялаш ҳозирги кунда жисмоний тарбия ва спорт мутахассислари билан биргаликда барча педагогик жамоасининг долзарб вазифаларидан бири ёш соҳа мутахассисларининг билим маҳорати, малакаларини замон талаблари даражасига кўтариш, талабаларнинг етук мутахассис бўлиб шаклланишида назарий билим ва амалий кўникмаларни беришдан иборат.

Мамлакатимизда жисмонан ва маънан соғлом, ҳеч кимдан кам бўлмаган авлодни тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, юксак маънавиятли, ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказиш Ватанимиз келажагини таъминлаш ва барча эзгу мақсадларимазни рўёбга чиқаришнинг муҳим омилidir. Бу олижанаб мақсад йўлида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, болалар спортини ривожлантириш, таълим тизимини такомиллаштириш каби йўналишлардаги изчил ислохатлар ўзининг юксак самараларини бермоқда. Мамлакатимизнинг мустақиллиги ва истиқболи буюк келажагимиз истиқболларини таъминлашни тақазо этади. Бунда аҳоли саломатлигини химоя қилиш, уларнинг жисмонан ва маънавий баркамоллигини доимо таъминлаб бориш жамиятимизнинг энг долзарб вазифаларидан биридир. Шу асосда оила, мактаб ва айниқса маҳалла, меҳнат жамоаларида соғлиқни сақлаш билан боғлиқ бўлган барча тиббий ва жисмоний маданият тадбирларидан мақсадли фойдаланиш устивор туришини ҳаётнинг ўзи исботлапти.

Ўзбекистони Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг шахсан ташаббуси билан спорт соҳасида катта амалий ишлар қилинмоқда. Республикаимизнинг ҳамма вилоятларида мактаб, касб-хунар коллежлари, олийгоҳлари ва бошқа муассасалар учун янги жаҳон андозаларига мос замонавий ўқув биноларининг мажмуалари қурилиб фойдаланишга топширилмоқда. Уларнинг таркибида стадионлар, ёпиқ ва очиқ сув хавзалари,

заллар, спорт турлари бўйича спорт ёзги майдонларининг қурилиши қувончли воқеадир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан янги таҳрирдаги “Таълим тўғрисидаги қонун” қабул қилинди.

Бу эзгу ишларнинг бари ҳар тамонлама баркамол шахсни улғайтиришга ситқидилдан хизмат қилмоқда. Мамлакатимизда жисмонан ва маънан соғлом ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодни тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўсиб келаётган талаба ёшларнинг жисмоний тайёргарлигини тобора ошириш, иқтидорли ёшларни спорт турларига жалб этиш ва уларнинг маҳоратларини ошириш йўли билан етук мутахассислар тайёрлаш яхши йўлга қўйилмоқда. Бу соҳада Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги, қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, “Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармасини фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги, “Оммавий спорт тарбиботини янада ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари муҳим аҳамиятга эгадир. Бу қарор ва қонунлар замирида асосан талаба ёшларни жисмоний баркамоллигини ошириш, меҳнат ва мудофа ишларига лаёқатли қилиб тарбиялаш, энг муҳим соғлом турмуш тарзи кўникмаларини шакллантиришда жисмоний тарбия ва спортдан мақсадли фойдаланиш мужассамлаштирилган. Ёшларни умумий ва махсус жисмоний тайёргарликларини тарбиялашда, иқтидорли ёшларни спорт маҳоратларини оширишда жисмоний тарбия ўқитувчилари ҳамда спорт турлари мураббийларининг амалий ижодий фаолиятлари анча устувор туради. Уларнинг ибратли хизматларидан бири шундаки, талаба ёшларни касб-ҳунарга йўналтириш, алоҳида уларнинг амалий махсус жисмоний тайёргарликлари билан қуроллантиришда маълум даражада хизмат қилади. Бўлажак мутахассисларни жисмоний тарбия ва спорт орқали ишлаб чиқариш унумдорлигини ошириш, меҳнат қобилиятларини мукамаллаштириш, узоқ умр кўриш, соғлом турмуш тарзини сингдириш ва назарий ҳамда амалий малакалар билан доимий уйғунлаштириб боради. Мустақилликни қўлга киритган қисқа вақт ичида Республикаимизда жисмоний тарбия ва спорт машғулотларини ташкил қилиш ва усуллари, шакллари ва мазмуни тубдан ўзгариб бормоқда.

Бу ўзгаришлар замирида жисмоний маданият таълими йўналиши талабаларининг касбий маҳоратини такомиллаштириш, амалий кўникмалар эгаллашда ёшлар билан олиб бориладиган таълим тарбия жараёнларини сифатини ошириш ва тарбиявий таъсирини яхшилаш мақсадига қаратилганлигидир..

Жисмоний машқлар билан шуғулланишга ундовчи ҳаракатлар хилма-хилдир. Онглилик ва фаоллилик тамойили жисмоний тарбия машғулотларининг мақсадини тушуниш жисмоний баркамолликнинг истиқболини англаш ва унга етишни мақсад қилиб белгилаш билан ифодаланади.

Жисмоний тарбия жараёнида бериладиган вазифалар маълум жисмоний машқлар тарзида бажарилади. Ўқитувчи бажариш учун машқ бериш билан бирга, шуғулланувчиларга нимани бажариш ва қандай бажариш

кераклигини эмас, балки шу машқни бажариш тавсия этилишини шу қоидага риоя қилиш керак эканлигини, келажакда ҳаётда қўллай билишни ҳам тушунтириши зарур.

Мақсад ва вазифаларни қанчалик тушуниб олиш шуғулланувчиларнинг ёш имкониятларига ва тайёргарлик даражасига боғлиқ. Жисмоний тарбиянинг дастлабки босқичларда оддий тушунчалар таркиб топади, кейинчалик эса шуғулланувчилар ишнинг моҳиятини тобора чуқурроқ билиб борадилар.

Жисмоний машқлар ақл-идрок билан назорат қилинувчи ихтиёрий ҳаракатлардир. Шуғулланувчиларнинг ҳаракатлари бажарилишини ўқитувчи ва мураббийлар назорат қиладилар, баҳолайдилар ва хатоларни тузатиб борадилар. Шунга қарамай шуғулланувчиларнинг ўз ҳаракатларини ўзлари баҳолаши ва назорат қилиш қобилиятини ривожлантириш муҳим ҳисобланади. Бунда ҳаракатларни олдиндан ҳис қилиш ва синаб кўриш усуллари кўп қўлланилади.

Тарбияланувчиларнинг кўриш, эшитиш ва идрок этиш туйғуларига таъсир этадиган асосий омиллардан яна бири, педагогнинг машқларни амалда бажариб кўрсатиши бўлиб ҳисобланади. Жисмоний тарбия жараёнида амалда бажариб кўрсатиш муҳим роль ўйнайди, чунки шуғулланувчининг фаолияти асосан амалий характерда бўлади ва сезги органларини ҳар томонлама ривожлантиришдек ўзининг махсус вазифаларидан бирига эгадир. Жисмоний тарбия жараёнида бевосита кўрсатмалилик жисмоний машқларни намойиш қилиб кўрсатиш, шунингдек, бу машқларни шахсий тажрибада "ҳис этиш" дан иборатдир. Бевосита кўрсатмалиликка жисмоний машқлар ва ҳаракатларни амалда бажариб намойиш қилишни киритиш мумкин. Билвосита кўрсатмаликка эса биринчидан, расм, схема, макетлардан, кинограмма, видеофильмлар ва бошқа кўрсатмали қуроллардан, шунингдек, ҳаракатларнинг айрим томонларини кўрсатувчи ва уларнинг бевосита идрок этишни осонлаштирувчи ҳар хил махсус техник воситалардан фойдаланиш, иккинчидан, образли сўз киради.

Жисмоний ҳаракатларни ўрганишда биринчи навбатда машқ ҳақида тўлиқ тушунчага эга бўлиш ва уни амалда бажариш, ҳис этиш лозим. Шунинг учун машқ ҳақида тушунчага эга бўлишда кўплаб кўргазмали воситалардан фойдаланиш мумкин. Ҳаракатларни амалда бажаришда эса мураббий тавсияси ва ёрдами билан бажариш керак, ҳамда хатоларни ўз вақтида тўғрилаб бориш зарур.

Жисмоний тарбияда ўқувчиларда ўрганилаётган жисмоний машқлар техникаси ва малака ва кўникмалари шакллангандан сўнг ундан мураккаброқ бўлган жисмоний машқлар туркумига ўтилади. Осон машқлар ўқувчилар фаоллигини сусайтиради. Шунинг учун уларни жисмоний даражасига мувофиқ ҳолда жисмоний машқлар бериш ва уларни такомиллаштириб бориш керак. Ўқувчилар организми бир хил шаклдаги жисмоний машқларга мосланиб қолади. Машқлар миқдори, ҳажми, суратини орттириб бориш болалар организмининг жисмоний ривожланиб боришини таъминлайди. Акс ҳолда бир хил шаклдаги жисмоний машқларга ўқувчилар организми мослашиб қолади ва бу билан уларнинг организми жисмонан ривожланмайди.

Бажара билиш ва индивидуаллаштириш тамойили тарбияланувчиларнинг хусусиятларини ҳамда уларга берилаётган

топшириқнинг қанчалик қийин ёки енгиллигини ҳам ҳисобга олишни ифода этади. Жисмоний тарбияда таълим ва тарбия жараёнини шуғулланувчиларнинг имкониятларини, ёш ва жинс хусусиятларини, тайёргарлик даражасини, шунингдек жисмоний ва маънавий қобилиятларидаги индивидуал фарқларни ҳам ҳисобга олган ҳолда ташкил қилиш лозимлигини билдиради.

Жисмоний машқларни бажара олиш, бир томондан, шуғулланувчиларни имкониятларига боғлиқ бўлса, иккинчи томондан, уларнинг ўзлари учун хос бўлган хусусиятларга бирор машқни бажариш пайтида содир бўладиган объектив қийинчиликларга боғлиқ бўлади. Уқитувчи бажара олиш меъёрини белгилар экан, аввало илмий маълумот ва умумлашган амалий тажрибалар асосида шуғулланувчиларнинг бирор бир контингенти учун белгиланадиган дастурларга ва норматив талабларга асосланади. Шуғулланувчилар имкониятлари жисмоний тайёргарлик мезонлари орқали синаш, тиббий назорат ва педагогик кузатишлар билан аниқланади.

Жисмоний тарбия жараёнида бажара олишнинг ҳал қилувчи шартларидан бири жисмоний машқнинг давомийлигидир. Турли ҳаракат шакллари ўртасидаги ўзаро табиий алоқалардан ҳамда структура жиҳатдан давомийликка эришилади. Машғулотларни шундай ташкил этиш керакки, ўрганиладиган ҳаракат вазифалари келгуси машғулот вазифаларини осон ўзлаштиришни таъминласин. Бу қонуният маълумдан номаълумга ёки ўзлаштирилгандан ўзлаштирилмаган вазифага ўтиш деб аталади. Бир топшириқдан иккинчисига, осонидан қийинроғига ўтишда муҳим аҳамиятга эга бўлган шартлардан бири изчилликдир.

Жисмоний тарбия ва спорт машғулотларининг шунингдек, жисмоний юклама билан дам олишни алмаштириб туришни мунтазам амалга ошириш зарур. Мунтазам равишда машқ қилишнинг самараси беқиёс катта бўлади. Жисмоний тарбия жараёнининг мунтазамлилиги асосан юклама билан дам олишнинг энг қулай навбатлашувига қай даражада боғлиқ экани хусусиятидир. Узлуксизлик-жисмоний тарбия инсон ҳаётининг барча даврларидан узлуксиз давом этадиган жараёндир.

Жисмоний тарбия жараёни учун такрорлаш билан бир қаторда, вариативлик, яъни машқларнинг ва уларнинг бажарилиш шартларининг тез-тез ўзгартириб туриш, юкламаларни аста-секин ошириб бориш ҳамда уларни қўлланишнинг ранг-баранг услубларини тадбиқ этиш, умуман машғулотларнинг шакл ва мазмунини ўзгартириб туриш ҳам муҳимдир.

Илмий тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатадики, ишлаш ва дам олиш пайтида кишининг ишчанлик қобилияти ўзгариб туради.

Ишлаб турган вақтда, агар юклама анча ортқ бўлса, ишлаш қобилияти пасаяди-киши тез чарчай бошлайди. Бу ҳол олдинми-кечроқми ишни тўхтатишга ва организмга хордиқ беришга мажбур этади, бу хордиқ вақтида аввалги юклама бахс этган куч билан қайта тикланиш жараёни бошланади, қайта тикланиш жараёнлари иш вақтида содир бўлади. Мазкур фаза дам олиш давом эттирилган тақдирда иш қобилиятининг ишга киришиш олдидаги даражасигача қайтиши билан алмашади.

Жисмоний тарбия жараёнида ихтисослаштирилган машғулотлар муҳим аҳамиятга эга бўлади. Дастлаб зарурий ҳаракатлар, хусусан қўл ҳаракатлари

малака ва кўникмалар шакллантирилади, кейинчалик оёқ ва гавда ҳаракатлари бўлган асосий малакалар такомиллаштирилади. Бу билан танланган спорт тури бўйича ихтисослашиш юзага келади. Жисмоний тарбия жараёнида ҳаракат малака ва кўникмаларини ижобий кўчишидан максимал фойдаланиб, салбий кўчишини эса имконият борича бартараф этиш зарур.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, ушбу тамойилларни ва кўрсатмаларни амалга оширишда асосий вазифа мураббийларо зиммасига тўғри келар экан. Шунинг учун доимий равишда жисмоний маданият таълими йўналиши талабаларининг касбий маҳоратини такомиллаштириш асосий вазифаларидан бири бўлиб ҳисобланади.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННЫХ ИСТОЧНИКОВ:

1. Х. Гаффаров. Масофадан ўқитиш замонавий олий таълимни янги босқичга кўтаришга хизмат қилади. Ўзбекистан. НамМТИ. Илмий техника журнали. Том 5-Махсус сон (3), 2020 й. 196 бет.
2. Б. Равшанов., А. Яхшиев. Жисмоний тарбия таълими йўналишида бўлажак ўқитувчиларини касбий-педагогика тайёргарлиги ва касбий маҳоратини такомиллаштириш. “Профессионал таълим тизимида ислоҳатлар: Малака ошириш таълим турида инновацион ғоялар”. Халқаро илмий-амалий конференция. 96-бет. Ўзбекистон. Тошкент.2020 йил.
3. Ф.Х. Гаффаров., И. Матжанов. Преимущества дуальной системы обучения для производства и образовательных организаций. “Профессионал таълим тизимида ислоҳатлар: Малака ошириш таълим турида инновацион ғоялар”. Халқаро илмий-амалий конференция. 99-бет. Ўзбекистон. Тошкент. 2020 йил.

Саноева Мафтуна Султон кизи
преподаватель начальных классов,
Жамолова Лайло Илхомовна
преподаватель начальных классов школы №38
Шафирканского района Бухарской области
(Шафиркан, Узбекистан)

УМСТВЕННОЕ РАЗВИТИЕ ДЕТЕЙ ШКОЛЬНОГО ВОЗРАСТА.

Резюме. В статье приведена информация об умственном развитии детей школьного возраста.

Ключевые слова: учитель, ученик, письменная речь, устная речь, образование, учебная деятельность.

MENTAL DEVELOPMENT OF SCHOOL-AGE CHILDREN

Annotation. The article provides information about the mental development of school-age children.

Keywords: teacher, student, written speech, oral speech, education, educational activity.

Maktabga kelish arafasida bolaning soz boyligi oz fikrini bayon eta oladigan darajada ortadi. Boshlang'ich sinf yoshidagi bolalar nutqi asosan ot, fe'l, sifat, son va bog'lovchilardan iborat boladi. Bu yoshdagi bolalar oz nutqlarida qaysi so'zlarni ishlatgani afzal-u, qaysilarini ishlatish mumkin emasligini farqlay oladilar. 6-7 yoshli bola oz jumlarini murakkab grammatik tizimda tuza oladi. Bola butun bolalik davrida nutqni jadal ravishda egallab borib, nutqni o'zlashtirishi malum bir faoliyatga aylana boradi. 7-9 yoshli bolalarning o'ziga xos yana bir xususiyati bola nutqida oz fikrini bayon etibgina qolmay, balki oz suhbatdoshining diqqatini oziga jalb qilish uchun ham gapiradilar. Birinchi sinfga kelgan bola predmetlarning rangi, shakli va kattaligini, ularni makonda joylashishini bilish bilan birga ularni taqqoslay oladi. Maktabda muvaffaqiyatli oqigani uchun bolada sensor rivojlanganlik darajasini yuqori bolishi juda muhim. Maktab yoshiga kelib, normal rivojlanayotgan bola rasm va suratlar real hayotni aks ettirayotganligini yaxshi tushunadilar. Shuning uchun ham surat va rasmlarda nimalar aks etganini real hayotga taqqoslagan holda bilishga harakat qiladilar. Bolalar rasmlarda atrof-hayotdagi narsalarni kichiklashtirib tasvirlanganligini anglay biladilar. 10 yoshdagi o'quvchilar idroki, uning xatti-harakati, oqish va mehnat faoliyati bilan bevosita bog'liqdir. O'quvchi o'zining ehtiyoji, mayli, qiziqishi va intilishi turmush sharoitiga mos, shuningdek o'qituvchi tavsiya etgan narsalarni idrok qiladi. Bu davrda yozma nutq ham shakllana boshlaydi. Yozma nutq jumlarini tog'ri tuzish va so'zlarni tog'ri yozishga ma'lum talablar qoyilganligi bilan xarakterlanadi. Bola so'zlarni qanday eshitgan bolsa, shundayligicha yozilmasligini bilishi, ularni to'g'ri talaffuz etishga va yozishga o'rganishi zarur. Yozma nutqni egallashi asosida bolalarda turli matnlar haqidagi malumotlar yuzaga keladi. Bu davrda yozma nutq endigina shakllana boshlaganligi bois, bolada hali ozi yozgan fikrlarni, so'z va harflarni nazorat etish malakasi hali rivojlanmagan bo'ladi. Lekin unga ijod qilish imkoniyati beriladi. Ushbu mustaqil

ijodiy ish maktab yoshidagi o'quvchilarga berilgan mavzuni anglash, uning mazmunini aniqlash, fikrini bayon etish uchun malumot to'plash, muhim jihatlarni ajratib olish, uni ma'lum ketma-ketlikda bayon etish, reja tuzish malakasini yuzaga keltiradi. Jummalarni to'g'ri tuzish, aynan shu mazmunga mos so'zlarni o'qish va ularni to'g'ri yozish, tinish belgilarini to'g'ri qo'yish, oz holatlarini topa olish va to'grilash aqliy rivojlanishning ko'rsatkichlaridan hisoblanadi. O'qish faoliyati kichik maktab yoshidagi o'quvchining aql-idroki, sezgirligi, kuzatuvchanligi, eslab qolish va esga tushirish imkoniyatlarining rivojlanishi uchun muhim shart-sharoitlar yaratadi, hisoblash malakalarini shakllantiradi. Ta'lim jarayonida ularning bilimlar ko'lamini kengayadi, qiziqishlari ortadi, ijodiy izlanish qobiliyati rivojlanadi, ularda tafakkurning faolligi, mustaqilligi ortadi, aqliy imkoniyatini ishga solish vujudga keladi. Mazkur yoshda bolalar o'z idroklarining aniqligi, ravonligi, o'tkirligi bilan boshqa yosh davrdagi insonlardan keskin farq qiladi. Ular har bir narsaga berilib, o'ta sinchkovlik bilan qarashlari sababli idrokning muhim xususiyatlarini o'zlashtirish imkoniyatiga ega bo'ladilar. Tasvirlar bolalarda estetik va badiiy didni rivojlantiradi. Chunki bola shu rasmlar orqali olam go'zalligini, uning turfa ranglardan iborat ekanligini anglaydi, ajratadi va oz munosabatini bildira oladi. Tafakkurning rivojlanishini kichik maktab yoshidagi bola psixikasining sog'lomligida, uning bilish faolligida ko'rish mumkin. Bolaning qiziquvchanligi, asosan, atrof-olamni bilish, organishga qaratilgan boladi. Bola o'ynab turib, olam sir-sinoatlari, sabab-hodisalari va bog'liqlaridan xabardor bo'lishga intiladi. Masalan, bola o'zi mustaqil ravishda qanday predmetlar suvda cho'kish, qaysilari esa suzishini tadqiq qila oladi. Bola aqliy munosabatlarda faol bo'lsa, u shunchalik ko'p savol beradi va bu savollar, asosan, xilma-xil bo'ladi. Bolani qor, yomg'ir qanday yog'ishi, quyosh kechasi qayerda bolishi, mashina qanday qilib yurishi, yerdan osmongacha bo'lgan masafoni bilishi juda qiziqtiradi. Bu ularning «Nima uchun?», «Qanday qilib?», «Nima orqali?» kabi savollariga javob olishga qaratilgan boladi. Bu yoshdagi bolalar asosan o'zlari korib turgan narsa haqida chuqurroq fikr yurita oladilar. Bu yoshdagi bolalar tafakkurining asosiy turi obrazli tafakkurdir. 10 yoshli bola mantiqiy fikrlay oladi, lekin, bu yosh asosan ko'rganlariga tayanib ta'lim olishga sezitiv bolgan davr hisoblanadi. So'zsiz bugungi jamiyatimizda bolalarning aqliy rivojlanishi yangi bilimlarni tuzilish tipiga ham bog'liq bolib, ular malum darajada shakllangan kishilar tomonidan tuziladi. Chunki, aqliy rivojlanish ijtimoiy omillar bilan belgilanadi. Individ ijtimoiy munosabatlar bilan ozgaradi. Bolaning maktabda muntazam ravishda o'qishga borishi uning atrof-hayotdagi narsa-hodisalarga nisbatan fikrini va munosabatlarini o'zgarishiga olib keladi. Kichik maktab yoshdagi o'quvchilarning tafakkuri mantiqiy fikrlash, mulohaza yuritish, hukm va xulosa chiqarish, taqqoslash tahlil qilishni turli usullarini qo'llashdek o'ziga xos xususiyatlari bilan maktabgacha yoshdagi bolalar va o'smirlardan farq qiladi.

Boshlang'ich sinfda o'quvchilar o'qituvchi tomonidan qoyiladigan yangi shartlarni qabul qiladilar va ularning qoidalariga to'la amal qilishga harakat qiladilar. Bola uchun o'qituvchi uning psixologik holatini belgilab beruvchi asosiy figura hisoblanib, bu holat uning nafaqat sinfdagi, balki, umuman tengdoshlari bilan boladigan munosabatiga, bu munosabat esa o'z-o'zidan oilasidagi munosabatlariga ham ta'sir krsatadi. Shuningdek, bu munosabatlar uning oquv faoliyati muvaffaqiyatini ham belgilab beradi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Goziyev E.G “Umumiy psixologiya” 1 – 2 tom. Toshkent 2003 y.
2. Бердиева С.М., Имомова Ш.М. Использование инновационных технологий на уроках информатики// Наука, техника и образование. 2018. № 10 (51). С. 28-31.
3. F.D.Khayotovna., Q.B.Samadovich METHOD OF TEACHING ROMAN NUMBERS ON DIFFERENT EXAMPLES IN INITIAL CLASSES Journal of Global Research in Mathematical Archives (JGRMA) 6 (11), 46-51.

Сафаров Завқи Шавқиевич,
учитель математики,
Қувватов Беҳруз Улуғбек ўғли
учитель математики
школа №15
(Кизилтепа, Узбекистан)

МАТЕМАТИЧЕСКИЕ ЗАДАЧИ И ИХ ВИДЫ

Резюме. В статье описаны математические задачи и их виды.

Ключевые слова: математическая задача, выражение, арифметическое действие, ученик, учитель.

MATHEMATICAL PROBLEMS AND THEIR TYPES

Resume. The article describes mathematical problems and their types.

Keywords: mathematical problem, expression, arithmetic action, student, teacher.

Matematik masalalar sodda va tarkibli masalalarga ajratiladi. Sodda masalalar bitta amal bilan yechish mumkin bo'lgan masalalar jumlasiga kiritiladi. Bir nechta sodda masaladan tuzilgan va shu sababli ikki yoki undan ortiq amal yordamida yechiladigan masalalar tarkibli masalalar deyiladi. Har qanday sodda masalaga doir ikkita teskari masala tuzish mumkinki, ularning har biriga o'sha syujet bo'yicha izlanayotgan son sifatida esa to'g'ri masala shartida ma'lum bo'lgan son qatnashadi. Masalan: hovlida 5 ta qiz o'ynayotgan edi. Ularning 2 tasi uyga ketdi. Hovlida nechta qiz qoldi? Masalaga 2 ta teskari masala tuzish mumkin. Birinchisi,,Hovlida bir nechta qiz o'ynayotgan edi. 2 ta qiz uyiga ketgandan so'ng, hovlida 3 ta qiz qoldi. Oldin hovlida nechta qiz qoldi? 2- hovlida 5 qiz. Bir nechta qiz uyiga ketgandan so'ng hovlida 3 ta qiz qoldi. Nechta qiz uyiga ketgan?" Bu masala berilgan 1-masalaga nisbatan, shuningdek 2-masalaga nisbatan ham teskari masala sifatida qarash mumkin.

Bundan tashqari, sodda masalalar orasidan bilvosita ifodalangan masalalar ajratiladi. Masalan quyidagi masala shunday masalalar jumlasiga kiradi. "Stol ustida 7 ta qalam bor. Bular qutidagi qalamlardan 4 ta ortiq. Qutida nechta qalam bor?" Bu masala shartida,,ortiq" deyilgan masala esa ayirish bilan yechiladi. ($7 - 4 = 3$).

Sodda masalalarning asosiy turlarini quyidagicha taqsimlash boshlang'ich maktablarida qo'llanish uchun qulay:

1. Arifmetik amallar mazmunini ochishga doir masalalar: yig'indini qoldiqni topishga doir masalalar, bir xil qo'shiluvchilar yig'indisini topishga doir masalalar,

bo'lishga (mazmuniga ko'ra bo'lishga vat eng qismlarga bo'lishga) doir masalalar. 2. Amalning noma'lum komponentlarini (qo'shiluvchi, kamayuvchi, ayiriluvchi, ko'paytuvchi, bo'linuvchi, bo'luvchi) topishga doir masalalar 3. Bir necha birlik (yoki bir necha marta) ortiq (yoki kam) munosabati bilan bog'liq masalalar sonni bir nechta birlik (yoki bir nechta marta) orttirish yoki kamaytirishga doir bevosita (yoki bilvosita) ifodalangan masalalar, sonlarni ayirmali (yoki karrali) taqqoslashga doir masalalar. 4. Kattaliklarning proporsional bog'lanishlariga doir

masalalar. Hamma turdagi sodda masalalar o'quvchi uchun quyidagi maqsadlarda kerak bo'ladi: 1) Matematik masalalning strukturasi (tarkibi) bilan tanishish, ya'ni uning sharti berilganlari savoli izlanayotgan miqdorlari bilan masalaning yechimi, savoli, javobi, amal bilan shuningdek, va h.k. atamallari bilan (bular matematik munosabatlarni ifodalaydi) tanishish. 2) Bolalarda masala savoliga javob berish uchun bajarish kerak bo'lgan amallarni tanlashga ongli munosabatda bo'lishni tarbiyalash (masalalar, amallar mazmunini ochishga yordam beradi). 3) Shatrga kirgan kattaliklar orasidagi elementar funksional munosabatlarni birinchi marta ko'rish amallar komponentlar orasidagi bog'lanishlarni tushuntirish. 4) Har xil matematik mashqlarni hayot bilan bog'lash bu bolalarni fanga bo'lgan qiziqishlarni orttiradi, ko'nikmalarni egallash jarayonini jonlantiradi. 5) Sodda masala tekstini o'zgartirish ustida ishlash o'quvchiga ko'proq abstrakt matematik tushunchalarni egallashga yordam beradi. Masalan, ushbu "Malika 7 ta daftar sotib oldi. Daftar 200 so'm turadi. Malika qancha pul to'lagan?" Masalaning turini, masalan, daftarning bahosi 200 so'm, 7 ta daftar qancha turishini biling, kabi abstrakt tushunchalarni kiritish bilan o'zgartirish mumkin. 6) O'quvchini har xil tarkibli masalalar yechishga tayyorlash. Bola ongiga matematika asoslarini joylash, uning bilim doirasini kengaytirish va tartibga solish, iroda va talabchanlikni tarbiyalash.

Matematikani o'qitish sistemasida sodda masalalar juda muhim rol o'ynaydi. Sodda masalalarni yechish yordamida matematika boshlang'ich kursining markaziy tushunchalaridan biri - arifmetik amallar haqidagi tushuncha va boshqa bir qator tushunchalar shakllanadi. Sodda masalalarni yecha olish o'quvchilarning murakkab masalalarni yechish o'quvini egallashlarida tayyorgarlik bosqichi bo'ladi, chunki murakkab. masalalarni yechish qator sodda masalalarni yechishga keltiriladi. Sodda masalalarni yechayotganda masala bilan va uning tarkibiy qismlari bilan birinchi bor tanishiladi. Sodda masalalarni yechish munosabati bilan o'quvchilar masala ustida ishlashning asosiy usullarini egallaydilar. Shu sababli o'qituvchi har bir turdagi sodda masalalar ustida qanday ish olib borishni bilishi juda muhimdir.

Narsa va hodisalarni tasniflash odatda ularning biror asosiy – belgi, xossalariga qarab olib boriladi. Biz o'quvchilarga "Uchburchakning turlarini ayting" degan savol berganimizda ular to'xtalmasdan "Uchburchaklar teng yonli, to'g'ri burchakli va o'tkir burchakli bo'ladi" yoki «To'g'ri burchakli, o'tkir burchakli va teng tomonli bo'ladi» degan javobni beradilar. Ko'rinib turibdiki, uchburchaklarni bunday tasniflashda asos e'tiborga olinmagan, ya'ni uchburchaklarni qanday asosga ko'ra tasniflanyapti. Ma'lumki, uchburchaklar burchaklariga ko'ra o'tkir burchakli, to'g'ri burchakli va o'tmas burchakli; tomonlariga ko'ra esa, turli tomonli va teng yonli bo'ladi (teng tomonli uchburchak teng yonli uchburchakning xususiy holi bo'lib hisoblanadi). Sodda masalalarni ularni yechishda bajariladigan arifmetik amallarga muvofiq gruppalariga ajratish mumkin. Biroq metodika nuqtai nazaridan boshqacha klassifikatsiyalash: masalalarni, ularni yechilish jarayonida shakllanadigan tushunchalarga muvofiq ravishda gruppalariga bo'lish qulaydir. Bunday gruppalardan uchta ajratish mumkin. Ularning har birini xarakterlaymiz. Birinchi gruppaga shunday sodda masalalar kiradiki, ularni yechish davomida bolalar har bir arifmetik amalning konkret ma'nosini o'zlashtiradilar, ya'ni ular to'plamlar ustidagi u yoki bu amalga qaysi bir arifmetik amal mos kelishini o'zlashtiradilar.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Jumayev M.E. "Matematika o'qitish metodikasidan praktikum"- Toshkent.: O'qituvchi, 2004, 328 bet.
2. Бердиева С.М., Имомова Ш.М. Использование инновационных технологий на уроках информатики// Наука, техника и образование. 2018. № 10 (51). С. 28-31.
3. Исмоилова М.Н., Имомова Ш.М. Интерполяция функции// ВЕСТНИК НАУКИ И ОБРАЗОВАНИЯ 2020. № 3 (81). Часть 3. С. 5-8.
4. Бердиева С.М., Имомова Ш.М. Построение двумерных графиков на уроках информатики средствами Excel//ТЕОРИЯ И ПРАКТИКА СОВРЕМЕННОЙ НАУКИ. 2017. №12(30).
5. Имомова Ш.М., Исмоилова М.Н. Вычисление наибольшего собственного значения матрицы и соответствующего ей собственного вектора в среде Mathcad// ACADEMY. № 6(57), 2020. С9.
6. Имомова Ш.М., Исмоилова М.Н. Численное решение смешанной задачи, поставленное на векторном волновом уравнении в области с углом//UNIVERSUM: ТЕХНИЧЕСКИЕ НАУКИ. №10(79), 2020. С. 22-25.

Тургунбаев Т.
Фаргона давлат университети, ҳарбий таълим факультети умумқўшин
цикл ўқитувчиси заҳирадаги подполковник
(Фаргона, Узбекистан)

ЁШЛАРНИ ВАТАНПАРВАРЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШ ИШЛАРИНИНГ **ТИЗИМИ**

“Халқни бахт-саодати
болаларни тўғри тарбиялаш”
Ж. Локк

Аннотация. Ушбу мақолада ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ота-она тарбияси, таълим-тарбия тизими, мактабгача таълим муассасаларида, умумий ўрта таълим мактабларида, Лицей, техникум ва олий ўқув юртлиларида ҳамда маҳалла ва ташкилотлардаги ташкил қилиниши зарур бўлган ишлар ҳақида сўз боради.

Калит сўзлар: ёшлар, ватанпарварлик руҳи, глобаллашув шароити, чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик, Ватан, талим-тарбия.

Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш тарбиянинг асосини ташкил этади. Чунки Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш инсоннинг ёшлигидан синдириб борилади. Бунда ота-она тарбияси, миллий қадриятларимиз, аجدодларимиз қолдирган ўғитлар, ўқув даргоҳлари ва маҳалланинг таъсири остида бу омиллар янада мустаҳкамланиб боради. Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашдан кўзланган мақсад – ёшларда Ватанга садоқат билан хизмат қилиш, юрт тинчлигини асраш, Ватан равнақи учун фаол бўлишга ундайдиган ижтимоий, маънавий-ахлоқий фазилатларни қарор топтириш, мамлакатимизнинг барча соҳалари учун жонкуяр, ҳалол, ўз касбига садоқатли ва етук кадрлар заҳирасини шакллантиришдан иборат.

Ҳозирги шиддатли тез ўзгарувчан ва глобаллашув шароитида ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда қуйидагилар асосий вазифалар ҳисобланади:

- ёшларни Ўзбекистон Республикаси, унинг халқи ва Президентига садоқат, юксак ватанпарварлик фазилатларини шакллантириш;

- ёшларнинг фаол ҳаётий позицияси ва қатъий эътиқодини, Ватан тақдири учун масъулиятини кучайтириш, уларнинг турли кўринишдаги ахборот-психологик ҳуружларга нисбатан мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш;

- ёшларда Ватан озодлиги йўлида жасорат кўрсатган буюк аجدодларимиз ҳамда Ўзбекистон мустақиллигини ҳимоя қилиш учун жон фидо этган миллий қаҳрамонларимиз билан фахрланиш, уларга муносиб бўлиш туйғусини шакллантириш;

- ёшларга буюк тарихимиз, миллий урф-одат, анъана ва қадриятларнинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини чуқур тушунтириш, улар қалбида миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини кучайтириш;

- ёшларга Ватанимизнинг мустақиллиги, юртимиз барқарорлиги ва ҳавфсизлигини, халқимизнинг тинч ва осуда ҳаётини ҳимоялашда миллий армиямизнинг ўрни ва аҳамиятини, жанговар салоҳиятини кенг тушунтириш;

- ёшларнинг онгу шуурига ўз соҳасининг етук мутахассиси бўлишликни, эгаллаган касбига садоқати ва фидойилиги билан Ватан равнақи ва юрт тараққиётига салмоқли ҳисса қўшиш тушунчаларини етказиш.

Ёшларда ватанпарварлик руҳини ривожлантиришда энг муҳим омиллардан бири - бу таълим-тарбия тизимидир. Бизга маълумки, таълим-тарбия ота-боболаримиз қадимдан бебаҳо бойлик бўлмиш илму маърифат, таълим ва тарбияни инсон камолоти ва миллат равнақининг энг асосий шarti ва гарови деб билишган. Буюк мутафаккирларимиздан бири Абдулла Алвоний **“Тарбия биз учун ё ҳаёт - ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир”** деб таъкидлаб, унинг маъносидан ҳозирга кунда ҳам ўзни муҳимлиги ва долзарбни йўқотмаган. Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишларининг асоси **мактабгача таълим муассасаларида, умумий ўрта таълим мактабларида, лицей, техникум ва олий ўқув юртларида, маҳалла ва ташкилотларда** узвийлик ва тизимли равишда бир-бири билан боғлиқда олиб борилади.

Мактабгача таълим муассасаларида:

- ҳарбий-ватанпарварлик руҳидаги шеър ва қўшиқ ўргатиш, эртак ва ҳикоялар етказиш;

- театрлаштирилган саҳна кўринишларини намойиш этиш;

- тегишли мавзуларда расм чизиш, шакллар яшаш танловларини ўтказиш;

- ҳарбий-ватанпарварлик руҳидаги мультфильмларни намойиш этиш;

- ҳарбий-ватанпарварлик боғларига экскурсиялар уюштириш;

- мактабга тайёрлов гуруҳларида “Мен ҳам ҳарбий бўламан!” шиори остида эстафеталар ўтказиш;

- офицер, сержантлар, курсант ва “Темурбеклар мактаби” ўқувчилари иштирокида учрашувлар ташкил этиш;

Умумий ўрта таълим мактабларида:

- чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фанини ташкил этиш;

- Темурбеклар” ҳарбий-спорт ўйинларини ташкиллаштириш;

- Ватанга хизмат-шарафли бурч!” мавзусида иншолар ва расмлар танловини ўтказиш;

- ҳарбий қисмларга экскурсияларни, “Очиқ эшиклар куни”ни уюштириш;

- ватанпарварлик акцияларини ўтказиш;

- “Мардлик ва жасорат”, “Тинчлик”, “Мустақилик” дарсларини ўтказиш;

- муддатли ҳарбий хизматчилар, курсантлар ва Қуролли Кучлар фахрийлари иштирокида “Аскар (курсант) – мактаб меҳмони”, “Авлодлар учрашуви”, номли маънавий-маърифий тадбирларини ташкил қилиш;

- “Менинг дадам юрт ҳимоячиси” мавзусида учрашувлар уюштириш;

- ҳарбий хизматчилар, Қуролли Кучлар фахрийлари ва “Темурбеклар мактаби” ўқувчилари иштирокида учрашувлар ташкил этиш;

Лицей, техникум ва олий ўқув юртларида:

- чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фанини ташкил этиш;

- “Бургут”, “Ёш чегарачи”, “Ёш қутқарувчи”, “Ёш ўт учирувчи” ҳарбий-спорт ўйинларини ташкиллаштириш;

- олий ўқув юртининг ҳарбий кафедралари талабалари ўртасида “Алпомиш” ҳарбий-амалий спорт мусобақаларини ўтказиш;

- ватанпарварлик акцияларини ўтказиш;
- ҳарбий қисмларга экскурсияларни ташкил қилиш, “Очиқ эшиклар куни” тадбирида қатнашиш;
- “Мардлик ва жасорат”, “Тинчлик”, “Мустақилик” дарсларини ўтказиш;
- “Ватанимни кўз қорачиғидек асрайман”, “Юрт тақдири – менинг тақдирим” мавзуларида иншолар танловини ташкил этиш;
- ватанпарварлик мавзусидаги бадиий ва ҳужжатли фильмларни намойиш этиш ва уларнинг муҳокамасини ташкил қилиш;
- уруш ва меҳнат фронти фахрийлари, Қуролли Кучлар фахрийлари иштирокида “Эъзоз”, “Эҳтиром” номли маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиш;
- “Мард ўғлон” давлат мукофотида сазовор бўлган ёшлар иштирокида учрашувлар ўтказиш;
- ҳарбий қисмларнинг тарғибот гуруҳларини таклиф этган ҳолда учрашувлар ташкил этиш;

Маҳалла ва ташкилотларда:

- муддатли ҳарбий хизмат оддий аскарлари иштирокида ва ёшларни жалб этган ҳолда “Аскар – маҳалла меҳмони” мавзусида маънавий-маърифий тадбир ўтказиш;
- ёшлар билан офицер, сержант, оддий аскарлар ҳамда курсантлар (таътил вақтида) иштирокида “Биз, Сиз билан фахрланамиз” мавзусида учрашув ва жонли мулоқотлар ташкил қилиш;
- ёшларнинг кенг қатламларини жалб этган ҳолда муддатли ҳарбий хизматдан қайтган ёшларни кутиб олишга бағишланган “Маҳалламиз фахри” мавзусида маънавий-маърифий тадбир ўтказиш;
- муддатли ҳарбий хизматга чақирилган ёшларни тантанали кузатиш олдидан ёшлар иштирокида “Оқ йўл сенга, юрт ҳимоячиси!” мавзусида маънавий-маърифий тадбир ташкил этиш;
- Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи ҳудудий кенгашлари ҳузурида ташкил этилган “Жасорат” клублари фаолиятини самарали йўлга қўйиш;
- меҳнат ярмаркаларини ташкил этиш;
- хорижга чиққан ёшларнинг ота-оналари билан мақсадли ишларни олиб бориш;
- ватанпарварлик мавзуларида спорт марафонлари, фестиваль ва акциялар ўтказиш.

Миллатимизнинг эртанги куни қандай бўлиши, бугунги кунда таълим олаётган ёшларнинг қай даражада таълим-тарбия олиши билан боғлиқдир. Биз юқоридагилардан келиб чиқиб ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашимиз лозимки, улар миллатнинг эртанги кунини ҳал қилувчи кучига айлансин.

Ҳулоса ўрнида шуни алоҳида таъкидлаб ўтамизки, бугунги кунда таълим-тарбия олаётган ёшларда ватанпарварлик руҳини ривожлантириш ва тарбиялаш, Ватанга бўлган муҳабати ва унинг эртанги кунига ишонч руҳида тарбиялаш – бу бутун давлат аҳамиятига молик долзарб вазифа бўлиб, унинг рўёбга чиқариш барчамизнинг фуқоролик бурчимиздир.

Умматова Чарос Абдухаликовна
Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти
“Китоб графикаси ва миниатюра” кафедраси ўқитувчиси
(Ташкент, Ўзбекистан)

ОЛИЙ ТАЪЛИМДА ГРАФИК РАССОМЛАРНИ ТАЙЁРЛАШДА ИНТЕРФАОЛ МЕТОДЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Abstract. *Active methods of teaching graphic artists create conditions for formation and strengthening professional knowledge and skills of students. Conducting theoretical and practical lessons using interactive methods helps to train qualified personnel who can demonstrate the skills of talented graphic artists and interest younger generation to this field of art. As well as these methods developing professional features of students help to find their direction, especially to teach compositional construction of the work of art. The importance of using interactive methods in education is written in this article.*

Аннотация. *Интерактивные методы обучения график-художников создают условия для формирования и укрепления профессионального знания и навыков студентов. Проводя теоретические и практические занятия, использующие интерактивный методы помогает обучать квалифицированный персонал, кто может продемонстрировать навыки художников графиков и интересовать более молодое поколение к этой области искусства. Также как эти методы, развивающие профессиональные особенности студентов помогают находить их направление, особенно преподавать композиционный конструкция произведения искусства. Важность использования интерактивный методов на образовании написано в этой статье.*

Аннотация. *График рассомларни ўқитишнинг интерфаол методлари талабалар касбий билим ва малакаларини шакллантириш, мустаҳкамлаш учун шароит яратади. Назарий ва амалий машғулотларда интерфаол методларни қўллаш талабаларнинг малака ва кўникмаларни ўзлаштиришга ёрдам бериб, график рассомлар малакасини намойиш этиш имконини яратади, бу эса ёш авлоднинг санъат соҳасига бўлган қизиқишини оширади. Шунингдек, бу методлар талабаларнинг касбий билимларини ошириши билан бирга ўз йўналишлари, санъат асарининг композицион конструкциясини топишга ёрдам беради. Ушбу мақолада интерфаол методларнинг аҳамияти ҳақида сўз юритилади.*

График рассомларни тайёрлашда “Композиция” фани бўйича интерфаол методларни қўллаш мавзусида ёзилган ушбу методлар республикамизда бадий таълим ислохотларини янада чуқурлаштириш, малакали мутахассис рассом кадрлар тайёрлаш борасида уларнинг касбий хусусиятларини ривожлантирувчи, шунингдек, иқтидорли, график рассом кўникмаларини ўзида намоён қилувчи ва соҳага қизиқиш уйғота олувчи, ўз

йўналишини топишда, айниқса, бадиий асарнинг композицион қурилишини ўргатишда ёрдам беради.

График рассомларни ўқитишнинг интерфаол методлари талабаларда касбий билим, кўникма малакаларни шакллантириш ва мустақамлаш учун шароит яратади. Назарий ва амалий машғулотларни интерфаол методлар асосида олиб бориш, малакали мутахассис рассом кадрлар тайёрлаш борасида уларнинг касбий хусусиятларни ривожлантирувчи шунингдек, иқтидорли график рассом кўникмаларини ўзида намоён қилувчи ва соҳага қизиқиш уйғота олувчи, ўз йўналишини топишда, айниқса бадиий асарнинг композицион қурилишини ўргатишда ёрдам беради. Мақолада таълим жараёнида интерфаол методларнинг аҳамияти ҳақида сўз юритилади.

Композиция (потинчада: composition – тузиш, ижод қилиш маъноси) бадиий асарнинг тузилиши (структураси), қисмларнинг асар ғояси, характери ва вазифасига мувофиқ жойлаштирилиши, ўзаро нисбати, реалистик бадиий адабиёт, тасвирий санъат, мусиқа, архитектурада ҳаётни ҳаққоний акс эттиришга, ҳаётдаги ҳақиқатни ифодалашга хизмат қилади.

Натуранд чизиш бутун босқич давомида, ўқув жараёнининг асосий қисмини ташкил этади. Шу нуктаи назардан қараганда, амалий машғулотларда ғарб санъати қондасига кўра композиция асосларига оид тушунчалар билан талабаларни таништириш мақсадга мувофиқдир. Масалан:

Бутунлик (Целостность): композициянинг ҳамма қисмларини бир бирига тегишлигини кўрсатиш.

Баланс: Симметрик жойлаштирилиш хотиржамлик ҳиссини қўшади, асимметрик жойлаштириш эса ноқулайлик, дисбаланс каби туйғуларни юзага келтиради.

Ҳаракат: картинада ҳаракатни ифода этишнинг кўп йўллари мавжуд, масалан, предметларнинг жойлашуви, қоматларнинг ҳолати, дарёнинг оқими.

Ритм: Худди мусиқа сингари, санъат асари ҳам қараганингизда нигоҳингизни етаклаб борувчи ритм ёки сирли сеҳрга эгадир.

Фокус (ёки Урғу акцент): Томошабиннинг кўзи расмда “энг муҳим” бўлган нарсада, яни марказий фокус нуқтасида дам олишни истайди, акс ҳолда нигоҳ йўқотилиб, атрофда маъносиз сайр қилгандек бўлади.

Контраст: Тўқ билан оч ўртасидаги кучли кескин фарқ, ёки минимал фарқ (Вистлер ўзининг Ностурне туркумида ишлатганидек).

Орнамент (нақш): асосда ётувчи структура, композициядаги асосий чизиқ ва шакллар.

Пропорция (Нисбат): предметларнинг бир бирига мос келиши, катта кичиклиги, яқин ва узоқлиги.

Амалий машғулотларда ушбу тушунчалар мазмун моҳиятини тушуниришда “Тушунчалар таҳлили” методидан фойдаланиш мавзу бўйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларин мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек янги мавзу бўйича дастлабки билимлар даражасини ташҳис қилиш имконини беради.

Метод куйидаги тартибда амлга оширилади:

1. Талабалар машғулот қоидалари билан таништирилади;
2. Мавзуга оид тушунчалар номи тушурилган тарқатмалар берилади;

3. Талабалар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;

4. Белгиланган вақт якунига етгач, ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тўлиқ ва тўғри изоҳини ўқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;

5. Ҳар бир талаба тўғри жавоблар билан ўзининг жавобини таққослайди, фарқини аниқлайди. Шу билан бирга ўз билим даражасини текшириб ўзини- ўзи баҳолайди.

Ушбу методни орқали талабаларнинг билимларни ўзлаштириши мустақил, ижодий фикрлаш қўникмаларини шаклланишига ёрдам беради.

Ҳозирги замонда китоб полиграфияси технологияси мисли кўрилмаган даражада ривожланиб кетди. Китоб элементларининг макетини яратиш, уни бадий безатишда компьютер ёрдамида ва қўл меҳнатида бажарилсада, ҳали ҳануз буюк аждодларимиздан қолган мерос, китобни тайёрлаш, бадий безатиш анъаналарига таянилади.

Замонавий шароитда таълим тизимида инновацион характерга эга методлар ҳам қўлланилмоқда. Улар орасида энг кенг омалашган методлар ягона ном билан номланувчи интерфаол методлар саналади. Интерфаол методлар – талабаарнинг билим, қўникма, малака ва муайян ахлоқий сифатларни ўзлаштириш йўлидаги ўзаро ҳаракатини ҳамда ўқитувчи билан ҳамкорликларини ташкил этишга хизмат қиладиган методлар.

Бу турдаги методлар интерфаол таълимнинг муҳим таркибий элементи ҳисобланади. Ҳозирги кунда интерфаол методларнинг 100 дан ортиқ тури мавжуд бўлиб, мутахассисликнинг ўзига жиҳати, ўқув материалининг характери, талабаларнинг ёш ва психологик хусуситларидан келиб чиққан ҳолда таълим жараёнида уларнинг ҳар биридан самарали фойдаланиш мумкин.

Бугунги кунда таълим жараёнида маҳорат дарсларининг аҳамияти катта. Маҳорат дарслари замонавий таълимнинг яна бир тоборо оммалашаётган шакли саналади. Маҳорат дарслари очик ташкил этилиб, илғор педагогик тажрибаларни тарғиб этишга йўналтирилган самарали ўқитиш шаклидир. Бу шаклдаги ўқитиш бир марталик саналади. Маҳорат дарсларини ташкил этишда кўп йиллик иш тажрибасига эга, шунингдек, самарали методика ёки технологияга эга инноватор педагогларнинг касбий малакалари очик тарзда, интерфаол мулоқот асосида ҳамкасб педагоглар ҳамда талабаларга намойиш этилади.

Маҳорат дарсларини ташкил этишда малакали педагоглар куйидаги вазибаларни бажарадилар:

1. Тажрибали, маҳоратли педагог томонидан изчил ҳаракатларнинг тўғридан-тўғри ёки изоҳли намойиш эти орқали педагогик фаолиятда самарали шакл метод ва воситалардан фойдалани усулларининг кўрсатилиши;

2. Муайян муаммо бўйича тажрибали, маҳоратли педагог иш тажрибасининг оммалаштирилиши;

3. Маҳоратли педагого томонидан ўзининг касбий малакаларини шогирдларга ўргатилиши;

4. Талабаларнинг касбий такомиллашуви учун маҳоратли педагог томонидан ёрдам кўрсатилиши;

5. Педагог ходимлар ўртасида инновацион технологияларни оммалаштириш;

6. Маҳорат дарслари иштирокчилари касбий компетентлигини ошириш.

График рассомларни тайёрлашда маҳорат дарслари шаклида ўқитиш талабаларнинг рангларни танлаш, уларни аралаштириб, янги ранглар ҳосил қилиш, рангларни уйғунлаштириш, иссиқ ва совуқ тусларни фарқлаш, ўз ўрнида ишлатиш, предмет ва инсон қоматларини атроф - муҳит билан боғлаш, уларнинг ўзаро нисбатларини ажратиш малака ва кўникмаларини шакллантириш ва такомиллаштиришга ёрдам берибгина қолмай, балки устоз ва шогирдни ижодий- касбий яқинлаштиради.

“Кичик гуруҳларда ишлаш” методи – таълим олувчиларни фаоллаштириш мақсадида уларни кичик гуруҳларга ажратган ҳолда ўқув материални ўрганиш ёки берилган топшириқни бажаришга қаратилган дарсдаги ижодий иш.

Ушбу метод қўлланилганда таълим олувчи кичик гуруҳларда ишлаб, дарсда фаол иштирок этиш ҳуқуқига, бошловчи ролда бўлишга, бир – биридан ўрганишга ва турли нуқтаи – назарларни қадрлаш имконига эга бўлади. Бу метод бошқа интерфаол методларга қараганда вақтни тежаш имкониятига эга бўлади. Чунки ўқитувчи бир вақтнинг ўзида барча талабаларни мавзуга жалб эта олади ва баҳолайди. Амалий машғулотларда бу методдан фойдаланиш ўқитиш мазмунини яхши ўзлаштиришга, мустақил ва эркин фикрлашга, мулоқотга киришиш кўникмасининг такомиллашишига олиб келади, вақт тежалади ва барча талабалар фаолиятга жалб этилади.

“Давра суҳбати” методи – айлана стол атрофида берилган муаммо ёки саволлар юзасидан таълим олувчилар томонидан ўз фикр – мулоҳазаларини билдириш орқали олиб бориладиган ўқитиш методидир.

График рассомларни тайёрлашда “Давра суҳбати” методи самарали методлардан бири ҳисобланади. “Машҳур рассомлар ижодини таҳлил қилиш”, “Кўргазмалар таассуроти”, “Муסיқа ва тасвирий санъат” каби мавзуларда “Давра суҳбати” методини қўллаш таълим сифатини оширишга ёрдам беради.

Танланган сюжет бўйича бир қатор, қоралама этюдлар ишлаш учун, табиат кучогини, ён- атрофни, шаҳарда рўй бераётган қайноқ ҳаётни кузатади. Шаҳардан четга чиқиб, заҳматқаш қишлоқ хўжалиги меҳнатқашлари боғбону-пахтакорларнинг қайноқ иш фаолиятларини кузатиб, бир талай қоралама ва этюдлар ишлаб келади. Мавзуга мос образларни одамлар орасидан қидириб топиб, уларни иштиёқ билан тасвирлашга киришади.

Шу жиҳатдан “Куз” мавзусидаги амалий машғулотда талабалардан Куз фаслидаги манзараларни композицион тасвирлаш, фасл ҳолати, колоритини кўрсата олиш, унинг характерли рангларини танлаш каби вазифаларни бажариш талаб этилади. Ушбу мавзунини ўқишда “Баҳс – мунозара” методидан фойдаланишни тавсия этамиз.

“Баҳс – мунозара” методи бирор мавзу бўйича таълим олувчилар билан ўзаро баҳс, фикр алмашинув тарзида ўтказиладиган ўқитиш методидир.

Ҳар қандай мавзу ва муаммолар билимлар ва тажрибалар асосида муҳокома қилиниши назарда тутилган ҳолда ушбу метод қўлланилади. Баҳс – мунозарани бошқариш вазифаси талабалардан бирига топширилади ёки ўқитувчининг ўзи олиб бориши мумкин. Баҳс – мунозарани эркин ҳолатда олиб

бориш ҳар бир талабани мунозарага жалб этишга ҳаракат қилиш лозим. Ўқитувчи мунозара олиб борилаётганда пайдо бўладиган низоларни ҳам бартараф этишга ҳаракат қилиши лозим. Бу метод талабаларни эркин фикрлашга ундайди, тинглаш ва таҳлил қилиш, ижодкорлик қобилиятининг ривожланиши, касбий маҳорат, малака ва кўникмалар, график рассомларга хос бўлган сифатларнинг шаклланишига ёрдам беради.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННЫХ ИСТОЧНИКОВ:

1. Худойбергандов Р.А., Худойбергандов Б.Р. Чизматасвир. Тошкент. Ғ. Ғулом номидаги нашриёт матбаа ижод уйи, 2015.
2. Ишмухамедов Р., Мирсолиева М. Ўқув жараёнида инновацион таълим технологиялари. Тошкент, Фан ва технологиялар, 2014.
3. Ишмухамедов Р., Юлдашев М. Таълим ва тарбияда инновацион педагогик технологиялар. Тошкент, Ниҳол, 2013.
4. Каланов А.Ж. Графика композицияси. Тошкент, Info Capital Group, 2018.

Хаджиева Озода
учитель информатики
школа №14
(Ургенч, Узбекистан)

ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ИГРОВЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В ОБУЧЕНИИ ИНФОРМАТИКЕ

Ключевые слова: *информатика, технология, ребус, кроссворд, дидактика и апострофы.*

Xajiyeva Ozoda
Xorazm viloyat Urganch shahar 14 – son informatika fani o'qituvchisi
(Urganch, Uzbekistan)

INFORMATIKANI O'QITISHDA O'YINLI TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISH

Kalit so'zlar: *informatika, texnologiya, rebus, krossvord, didaktika va apostroflar.*

Mamlakatimizda Prezidentimiz rahnamoligida axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini hayotimizning barcha jabhalari, jumladan, ta'lim jarayoniga keng tatbiq etishga katta e'tibor qaratilmoqda. Bu "Zamonaviy axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini yanada kengroq joriy qilish va rivojlantirish chora-tadbirlari"ga oid qaror va "Axborotlashtirish to'g'risida"gi qonunda, belgilangan asosiy vazifalardan biridir. Zero, zamonaviy axborot texnologiyalarini samarali qo'llash o'quvchilarga bilim berish sifatini oshirish, uning mazmun-mohiyatini takomillashtirish, ta'limni zamonaviy talablar darajasida tashkil etish, ta'lim muassasalarida ta'lim samaradorligini oshirish maqsadida ta'lim-tarbiya jarayoniga yangi pedagogik, axborot texnologiyalarini joriy etish, ularda interfaol usul va vositalardan foydalanish ko'zda tutilgan. Shu sababli, bugungi kunda ta'lim muassasalarida faoliyat yuritayotgan "Informatika" fani o'qituvchilari oldida quyidagi muhim vazifalar turadi:

- o'quvchilarning mustaqil bilim olish, o'rganish qobiliyatlarini shakllantirish va rivojlantirishda fanning o'rni va ahamiyatini oshirish;
- mashg'ulotlarini zamonaviy pedagogik texnologiyalar asosida tashkil etish va o'tkazish;
- o'quvchilarning faolligini oshirish, o'zlashtirish darajalarini rivojlantirishga yo'naltirilgan metod va shakllarni qo'llash;
- ta'lim jarayonida zamonaviy axborot texnologiyalaridan samarali foydalanish.

Yuqorida sanab o'tilgan vazifalardan ko'rinib turibdiki, ta'lim muassasalarida o'quvchilarini mustaqil bilim olishiga yo'naltirilgan texnologiyalardan foydalanishga o'rgatish va doimiy ravishda faolligini oshirib borish lozim. O'quv jarayonida kompyuter texnologiyalari va axborot-kommunikatsiya vositalaridan foydalangan holda ta'lim jarayonini tashkil qilish ta'lim samaradorligi ijobiy ta'sir ko'rsatadi.

Shunday ekan, "Informatika" fanini o'qitish samaradorligini oshirish o'quv mashg'ulotlarini tashkil etish hamda o'tkazishda pedagogik va axborot

texnologiyalaridan keng foydalanish, o'qitish mazmuniga mos dasturiy ta'minotini ishlab chiqish, ularni o'quv jarayoniga joriy etish asosiy vazifalardan hisoblanadi. Ushbu vazifalarni dolzarbligini e'tiborga olgan holda "Informatika" fanini o'qitishda o'yinli texnologiyalardan foydalanish holatini o'rganish, tahlil etish, ulardan samarali foydalanish metodikasini, mos uslubiy tavsiyalarni ishlab chiqish zarur.

O'yinli texnologiyalardan foydalanishning asosini o'quvchilarning faollashtiruvchi va jadallashtiruvchi faoliyati tashkil etadi. O'yin olimlar tadqiqotlariga ko'ra mehnat va o'qish bilan birgalikda faoliyatning asosiy turlaridan biri hisoblanadi. Psixologlarning ta'kidlashlaricha, o'yinli faoliyatning psixologik mexanizmlari shaxsning o'zini namoyan qilish, hayotda o'z o'rnini barqaror qilish, o'zini o'zi boshqarish, o'z imkoniyatlarini amalga oshirishning fundamental ehtiyojlariga tayanadi. O'yin bilish va uning bir qismi (kirish, mustahkamlash, mashq, nazorat) tarzida tashkil etiladi.

O'yinlar turli maqsadlarga yo'naltirilgan bo'ladi. Ular didaktik, tarbiyaviy, faoliyatni rivojlantiruvchi va ijtimoiylashuv maqsadlarda qo'llanadi. O'yinning didaktik maqsadi bilimlar doirasi, bilish faoliyati, amaliy faoliyatida bilim, malaka va ko'nikmalarni qo'llash, umumta'lim malaka va ko'nikmalarni rivojlantirish, mehnat ko'nikmalarini rivojlantirishni kengaytirishga qaratilgan bo'ladi. O'yinning tarbiyaviy maqsadi mustaqillik, irodani tarbiyalash, muayyan yondashuvlar, nuqta nazarlar, ma'naviy, estetik va dunyoqarashni shakllantirishdagi hamkorlikni, kollektivizmni, jamoaga kirishib keta olishni, kommunikativlikni tarbiyalashga qaratilgan bo'ladi.

Rebus, krossvordlar ham o'yinli texnologiyalarga sirasiga kiradi. "Rebus" so'zi lotin tilidan olingan bo'lib, "So'zlar orqali emas, balki rasmlar orqali ifodalash" ma'nosini anglatadi. Bu - biror so'z yoki atamaning rasmlar, notalar, xarflar bilan birgalikda ifodalanishi orqali hosil qilingan jumboqdir.

Rebus – keng tarqalgan va eng mashxur o'yinlar sirasiga kiradi. U orqali maqollarni, she'r qismlarini, biror iborani yoki so'zni berkitish mumkin. Undan ilk bor Fransiyada XV asrda qo'llanilgan.

Eng birinchi rebuslar to'plami Etenom Taburo tomonidan Fransiyada 1582 yili chop etilgan. Keyinchalik Angliya, Germaniya, Italiyaga tarqalgan. Rossiyada birinchi rebuslar "Illyustrasiya" jurnalida 1845 yili chop etilgan.

Rebus — bu atamalarini ko'ngil ko'taruvchi xarakterdagi shifrlashdir. Quyida rebus qoidalariga to'xtalamiz:

- Rasmning chap yuqorisidagi apostroflar soni rasm nomining chap tomonidan o'chiriladigan xarflar soniga mos keladi;

- Rasmning o'ng yuqorisidagi apostroflar soni rasm nomining o'ng tomonidan o'chiriladigan xarflar soniga mos keladi;







- So'z o'rtasidagi xarflarni o'chirish uchun bu xarflar rasm ustida yozilib ustidan chiziladi;

- So'zdagi belgini almashtirish: "2=d" 2 – xarfni "d" xarfiga almashtirish, "r=p" esa xarbir "r" belgi "p" belgiga almashtirish tushiniladi;

- Rasm nomidagi belgilarning joylashgan o'rni tartib raqamini o'zgartirish orqali yangi hosil qilish mumkin;

- Rasmni teskari qo'yish orqali so'z ham teskari o'kiladi.


"Informatika" fanidan o'quvchilar bilimini nazorat qilish va baholash uchun quyidagi vazifalarni taklif etish mumkin:

Rebus	Tushuncha	Ta'rif
		
		
		
		
		
		




Ushbu vazifalar o'quvchilar aqliy faolligini o'stiradi, bilish jarayoniga haqiqiy qiziqish uyg'otadi. O'yin davomida o'quvchilar ma'lum qiyinchiliklarni yengadilar, o'z kuchlarini sinaydilar, malaka va bilimlarini rivojlantiradilar.

Ko'pchilikka ma'lum va ommabop bo'lgan krossvord o'yini o'quvchilarda qiziqish uyg'otishi tabiiydir. Krossvord ko'rinishidagi so'rov shakli o'quvchilar uchun har doim qiziqarli va o'ziga tortadigan metoddir. Ushbu o'yinga o'quvchilar shu darajada kirishib ketadilarki, hatto, o'zlari ham informatikaning turli mavzulari bo'yicha krossvordlar tuzishlari mumkin. Mustaqil ijodiy faoliyatning bunday shakli foydali bo'lishi bilan birga, faqatgina bilimdon o'quvchilarnigina emas, balki past o'zlashtiruvchilarni ham qamrab oladi. Boshqa o'quv fanlaridan past o'zlashtiruvchi o'quvchilar ko'pincha informatikadan yaxshi va tirishqoq o'quvchilarga aylanadilar. Krossvord – ingliz tilidagi “cross-word” so'zidan olingan bo'lib, “so'zlar kesishishi” degan ma'noni bildiradi. Krossvordlar sodda bo'lishi bilan birga, mashhur olimlar, allomalar ismlariga, mavzuga aynan mos keluvchi maxsus atamalarga diqqatini jalb etishning samarali vositasi hamdir. Quyida “Informatika” fanidan krossvordlardan namunalar keltiramiz.



1) Oxiri "R" bilan tugaydigan "Informatika", "Algoritmash va dasturlash tillari" fanlariga doir so'zlarni toping, krossvordni to'ldiring va har bir tushunchaga ta'rif bering. Ushbu krossvordda dasturlash tillariga oid so'zlar lotin alifbosida yoziladi. Krossvordda or, var, unar, binar, skaner, monitor, strimmer, prosessor kabi so'zlar ishtirok etishi mumkin.

2) Krossvordlar odatda trapesiya, to'g'rito'rtburchak shakllarda beriladi. Quyida biz o'quvchilarning qiziqishini orttirish maqsadida uning shaklini o'zgartirib gul tasviriga joylashtirdik.



1. Qattiq disk (vinchestor).
2. Axborotlarni ko'rish qurilmasi (monitor).
3. Rasmlar va matnlarni kompyuter xotirasiga kiritish uchun xizmat qiladigan qurilma (skaner).
4. Magnit lentada arxiv ma'lumotlarni saqlash uchun xizmat qiladigan qurilma (strimmer).
5. Arifmetik yoki mantiqiy amallarni bajarib, butun sistemaning ishini nazorat qiluvchi qurilma (prosessor).

Ta'lim jarayonida o'yinlardan foydalanish o'quvchilarni xursand qilish maqsadida foydalanilmasligi zarur. U albatta didaktik bo'lishi, ya'ni darsda hal qilinadigan aniq o'quv tarbiyaviy vazifalarga bo'ysunishi kerak. Shuning uchun ham, o'yin avvaldan rejalashtiriladi, uning dars tuzilmasidan o'rni yaxshilab o'ylab chiqiladi, uni o'tkazish shakli belgilab olinadi va shu asosda o'yinlar tayyorlanadi. O'yinli texnologiyalar o'qitishning boshqa shakllari va metodlari kabi yuqori samara beradi. O'quvchiga har qanday fan, hususan, informatika fanining zamonaviy rivojlanish darajasidagi bilimlarni berish o'yinning asosiy maqsad bo'lishi kerak.

Xulosa qilib, o'yin texnologiyalardan foydalanib mashg'ulotlarni olib borishni faol o'qitish shakllaridan biri deb qarash mumkin. Bunday darslar o'qituvchi va o'quvchilarning ijodiy yondashuvini o'quvchilarning faol bilish faoliyati jarayonida malakalarni o'zlashtirishni, o'zining kelajakdagi pedagogik faoliyatida o'yinli texnologiyalaridan foydalanish ko'nikma va malakalarini shakillantirishni ko'zda

tutadi. O'yin texnologiyalar natijasida o'quvchilarning bilish faoliyati rivojlanadi, o'quv materiallarini o'rganishga qiziqishi uyg'onadi, olgan bilimlarini mustahkamlaydi. Bugungi kunning dolzarb masalalaridan biri aynan yosh avlodni mustaqil va erkin fikrlashga o'rgatishdan iborat.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Azizxodjayeva N.N Pedagogik texnologiyalar va pedagogik maxorat. O'quv qollanma.
2. Fizika, matematika va informatika. Ilmiy - uslubiy jurnal.

УДК 821

Шарипова Махлиё Хакимовна
преподаватель родного языка и литературы,
Ибрагимова Муниса Ахтам кизи
Ученица
школа №1
(Шафиркан, Узбекистан)

ВОСПИТАТЕЛЬНО-ОБРАЗОВАТЕЛЬНОЕ ЗНАЧЕНИЕ
ПРОИЗВЕДЕНИЙ АЛИШЕРА НАВОИ

Резюме. В статье рассматривается воспитательно-образовательное значение произведений Алишера Навои.

Ключевые слова: Узбекская литература, творчество, образование, воспитание, гуманизм.

EDUCATIONAL SIGNIFICANCE OF THE WORKS OF ALISHER NAVOI

Annotation. The article deals with the educational significance of the works of Alisher Navoi.

Keywords: *uzbek literature, creativity, education, upbringing, humanism.*

Навоий ўзбек адабиёти ва адабий тилига асос солган. Навоий лирикаси фалсафий мушоҳадаларга бой, чуқур ҳис-туйғу табиатнинг гўзал манзараси, ёрқин бадий тимсоллардан тўла. Навоийнинг бадий мероси жуда бой ва кўп қирралидир.

Навоий ижодидаги демократик йўналиш ва инсонпарварлик, инсон қадр-қимматини ҳурматлаш ва одамлар бахти учун, фаровон ҳаёти учун курашиш ғоялари унинг асарларини умрбоқий қилди. Навоий ўлмас асарларида табиат ва жамият қонунларига ўзининг муносабатини билдирган. Навоий фалсафасидаги инсонпарварлик ғоялари шеърий шаклда берилган. Навоий ўз замонасидаги ижтимоий-иқтисодий ва фалсафий руҳни гавдалантирган. Навоий яратувчи Аллоҳга тасаннолар айтиб, ўзининг «Муножот» асарини ёзган. Муножот Аллоҳдан нажот тилаш, унга илтижо қилишдир. Унда жумладан: «Илоҳи дунё майли риштасин кўнглимдин ўз ва нафсоният тийрарида ҳидои шаъми била узунг сари йул кўргуз», - деб ёзади. Навоий амалий фаолиятида ҳам, барча асарларида ҳам Куръондаги ахлоқ қоидаларига риоя қилган. Пайғамбарларимизнинг энг муҳим 41 та ҳадисларини назм риштасига осиб, «Арбаин» асарини яратган. Унда инсоннинг баркамоллиги масалалари алоҳида ўрин олган.

Шарқ мутафакирлари томонидан инсон камолотига бағишланган ва панднасихатларга бой дидактик асарлар яратилган. Ана шу анъанага кўра яратилган «Маҳбубул қулуб» асарида Навоий ўз замонасидаги баркамол инсонга хос фазилатларни акс эттирган. У 39 хил ижтимоий гуруҳга мансуб кишиларнинг ахлоқу одоби ҳақида сўз юритган: бутун умрини илоҳиёт сирларини билишга бағишлаган муҳаддисларни, куч-ғайратини осмон сир-асрорини кашф этишга бағишлаган мунажжимларни, ишқ йўлида жонини фидо

қилган кишиларни, эл-юртда обру қозонган шахслар ва ҳоказоларни тасвирлаган. Лекин бирор гуруҳни бошқасидан ортиқ деб ҳисобламаган. Навоий «Махбубул-қулуб» асарида инсонга хос бўлган юксак фазилатларнинг мақсад ва моҳиятини асослаб берди.

Навоий ўз фалсафасида идеални кўрсатиб бериш билан чекланмаган, балки фикр-мулоҳазаларини янада ривожлантириб, шахснинг хулқ-атвори, ахлокий хусусиятлари таълим-тарбия орқали шаклланишини ифодалаган. Инсоннинг феъл-атвори ўзича ҳосил бўлмаслигини, балки жамиятдаги маълум кишилар жамоасида муйяян ахлокий қоидалар асосида шаклланишини баён қилган. Навоийнинг дунёқарашида чинакам инсонларварлик ғоялари асосий ўрин олган. Машхур тарихчи Хондамир Навоийнинг ёшларга билим ва тарбия бериш учун имкониятлар яратгани ҳақида жумладан шундай ёзган: «Атоқли олимлар ва хурматга лойик санъат ахлининг даражаларини кўтаришда ва мартабаларини оширишда қўлидан келган қадар ҳаракат қилиб, бундай ишларга катта аҳамият берди. Ўқувчилар фақат ўқиш билан машғул бўлишлари учун уларга нафақалар тайин этиб, мадрасалар бино килди». Навоий фаннинг турли тармоқларини — адабиёт, тарих, тил билимларини: санъатнинг ҳар хил соҳаларини мусиқа, расм, ҳаттотлик, меъморлик ва ҳоказоларни ривожлантиришга ҳаракат қилиш билан бирга, ана шу соҳаларнинг ижодкорларига ёрдамлашган, кимматли маслаҳатлар берган, уларни рағбатлантирган. Навоий илмий ва адабий асарларни яратишда ўз давридаги олимлар, адиблар ва шоғирдларига намуна бўлган. Унинг деярли барча асарлари тарбиявий-маърифий аҳамиятга эга. Шоирнинг беш дostonдан иборат шох асари «Хамса»да инсон камолотининг барча масалалари қамраб олинган. Ундаги биринчи дoston - «Хайратул аброр» ҳақиқат, ишонч, эзгулик, севги ва дўстликни улуғловчи фалсафий асардир. «Фарход ва Ширин» дostonида санъаткор бош мавзу — севгини тасвирлаш билан бирга, юксак инсоний фазилатларни ибратомуз ифодалашга ҳам алоҳида эътибор берган. «Лайли ва Мажнун»да ҳам самимий севги, ақл-заковат, садоқат ва матонат мадҳ этилган. «Сабъаи сайёр» Шарқ халқлари орасида машхур булган Баҳром Гўр афсонаси асосида яратилган. Унда инсоннинг фаолияти ва кураши, ақл ва идрок кучи, кишиларнинг бир-бирига садоқати, вафодорлиги, самимий дўстлиги, муруввати ва ҳоказолар кўйланади. «Хамса»даги сўнги дoston — «Садди Искандарий»да Навоийнинг ижтимоий фалсафий фикрлари, таълим-тарбиявий қарашлари ифодаланган. Искандарнинг тарбияси, ўқитувчилари, олимлар ҳақидаги мушоҳадалар, файласуфларнинг машварати, Искандарнинг олимларга саволи ва уларнинг жавобларн баён қилинган.

Буюк бобомиз Навоий меросини ёш авлодга чуқур ўргатишимиз зарур. Зероки, у ўз асарларида миллий ифтихор, халқда, она тилига, Ватанга меҳр-мухаббат билан қараш ғояларини тарғиб қилган. Улуғ мутафакир ёшларни эл-юртга, ота-онасига содиқ, кишилар бўлиб етишиши учун сабот ва матонат билан билим эгаллашга, касб ўрганишга, эгаллаган илм ва ҳунарини ватан учун, халққа наф келтириш учун ҳаётга татбиқ эта билишга даъват қилган. Навоий асарларида мадҳ этилган халқлар дўстлиги, тинч-тотув яшаш учун кураш, камтарлик, меҳрибонлик, очиқ кўнгиллик, ширин суҳанлик,

саховатпешалик, бева-бечораларга ёрдам қўлини чўзиш, устозга иззат каби фазилатлар ҳамиша халқимизга тетик рух ва кувват бахш этаверади.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННЫХ ИСТОЧНИКОВ:

1. Ҳаққулов И. Навойига қайтиш. – Т.: Фан, 2007.

УДК 002:001.4

Эргашова Гулхумор Ёкубовна
Заместитель директора по духовно-просветительской работе,
Акрамова Гулноза Салимовна
преподаватель физики
школа №38
(Шафиркан, Узбекистан)

ПРОФИЛАКТИКА ПРЕСТУПНОСТИ И ПРАВОНАРУШЕНИЙ СРЕДИ ШКОЛЬНИКОВ

Аннотация. В статье приведена информация об профилактика преступности и правонарушений среди школьников.

Ключевые слова: духовность, школа, ученик, образование, воспитание.

PREVENTION OF CRIME AND DELINQUENCY AMONG SCHOOLCHILDREN

Annotation. The article provides information about the prevention of crime and delinquency among schoolchildren.

Keywords: spirituality, school, student, education, upbringing.

Жамият тараққийетининг барча даврларида ҳам ривожланишнинг моҳияти, унинг суръати инсонларнинг маънавий камолоти даражасига боғлиқ бўлган. Ёш авлодни ҳар томонлама камол топтириш учун таълим-тарбиянинг барча соҳаларида, уларнинг омиллари ва воситаларини ишга солишни тақозо этмоқда. Мактаб ўқувчилари орасида ҳуқуқбузарликни олдини олиш механизмларини яратиш ва уларни ҳаётда қўллаш, бу соҳадаги ишларни такомиллаштириш муҳим ва зарурий бўлиб, унинг долзарблиги қуйидагилар билан белгиланади: биринчидан, мамлакатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритиши билан буюк маънавиятимизни тиклаш, соғлом турмуш тарзини барча фуқароларга, энг аввало, ёшларга сингдириш давлатимиз сиёсатида устувор йўналиш қилиб белгиланиши, ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларида тарбияланаётган ёшларда юксак маънавий маданият, ахлоқ ва маърифат фазилатларини шакллантириш ва сингдириш муаммоларининг ечимини давр тақозо этиши; иккинчидан, давлатимизнинг энг муҳим вазифаларидан бири-маънавий жиҳатдан баркамол, жисмоний ва руҳий жиҳатдан соғлом, Ватан сарҳадларини ҳимоя қилиш учун жисмонан чиниққан, фидойи инсонни тарбиялаш, таълим тизимини такомиллаштириш, миллий истиқлол ғояси асосида маънавий ва руҳий жиҳатдан янги авлодни вояга етказишга ижтимоий зарурат туғилиши; учинчидан, миллий маънавиятимизни тиклаш борасида олиб борилган, давом этаётган ишлар, халқ таълимининг тубдан ислоҳ қилинаётгани жамиятимизда ҳар томонлама баркамол, соғлом авлод тарбиясига кенг эътибор қаратилиши тенденциясининг кучайиши; тўртинчидан, универсал технологиялар билан боғлиқ глобаллашув жараёнида инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишга зарурат туғилиши; бешинчидан, жамият томонидан белгиланган ҳуқуқ нормаларига риоя қилиш

ҳамда унинг натижаси жамият манфаатлари билан боғлиқлиги, ёшларни ижтимоий муносабатлар томон йўллаши, ижтимоий тажриба орттириш учун инсондаги табиий имкониятларни рўёбга чиқариши; олтинчидан, вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликни олдини олиш ва улар билан ишлашда профилактик механизмларини яратиш заруратининг ошиши; еттинчидан, педагогик (таълим, тарбия) жараёнда вояга етмаганлар фаолиятини бошқариш, уларни баркамол шахс қилиб тарбиялаш тенденциясининг кучайиши. Демак, буларнинг барчаси ҳозирги замоннинг долзарб муаммоларидан бири бўлмиш – бола ҳуқуқлари ва эркинликларининг ҳар томонлама таъминланиши ва ҳимояланишини қонунлар асосида бажарилишини таъминлаш билан уйғун ҳолатда олиб борилишига замин яратади.

“Тарбияси оғир” болалар - жамият томонидан ўрнатилган нормаларга зид равишда хатти-ҳаракат қилишади. Улар беқарор ахлокли, иродаси бўш, педагогик таъсирга доим қаршилиқ кўрсатиб келувчи ёшлардир. Мактаб миқёсида улар кўп учрамайди (бир синфда бир ёки иккитадан, айримларида умуман йўқ). Аммо улар синф, мактаб ҳаётига, унинг ахлоқий муҳитига жиддий таъсир кўрсатади. Тарбияси оғир болалар ўқувчиларнинг кам қисмини ташкил этса ҳам, улар ўқув – тарбиявий ишларда барқарорликка жиддий тўсиқ бўладилар. Улар мактабда ва ундан ташқарида (оилада, кўчада, дам олиш жойларида ва бошқа) тартибсизликни вужудга келтирувчи-лар ҳисобланади. Шунинг учун ҳам тарбияси оғир болалар мактабда ҳам, ундан ташқарида ҳам педагогик жамоа ва кенг жамоатчилик эътиборида туради. Шу сабабли бугунги кунда тарбияси оғир вояга етмаганлар билан ишлашни жонлантириш, вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш масалаларига эътиборни кучайтириш, педагогик ва психологик коррекция методларига мурожаат этишни талаб этади. Вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишга йўналтирилган профилактик ишларни олиб боришда педагогик жараён тузилмасига қуйидаги таклиф ва тавсияларни киритиш мақсадга мувофиқ: Мактабгача тарбия муассасалариданоқ Давлат ва жамият томонидан ўрнатилган хулқ-атвор нормаларига риоя қилиш, унда яшаш ва фаолият юритиш учун лозим бўлган тарғибот-ташвиқот ишларини тизимлаштириш ва мунтазам равишда олиб бориш (реклама роликлари, давра суҳбатлари, ота-оналар йиғилишлари, педагогик консилиумлардаги қарорлар ва ҳ.к.); Вояга етмаганларни спорт ташкилотларига кенг жалб қилиш (спорт ёшларни чиниқтириши, иродасини тоблаши, ижобий хулқ-атворни шакллантиришини инobatга олган ҳолда); Куннинг 1- ва 2- ярмида ёшларга ўқиш ва фаолият юритишга стимул яратиш, яъни ўқиш ва бўш вақтларини мазмунли ўтказишга ундаш; Педагогик-психологик ҳимоялаш (жамиятда ўрнатилган ахлоқ нормаларига риоя қилишга мотивация уйғотиш); Педагогик маслаҳатлар бериб бориш ва ижтимоий ҳимоялаш; “Тарбияси қийин” вояга етмаганлар оилаларига ижтимоий-педагогик ёрдам кўрсатиш; Агар вояга етмаганлар махсус интернат тарбияланувчилари бўлса, уларга оила шароитига ўхшаш тарбия шароитларини яратиш, ғамхўрлик қилиш; Вояга етмаганларга жадаллашган педагогик ёрдам кўрсатиш ва бошқалар.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННЫХ ИСТОЧНИКОВ:

1. Жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликка мойил ўқувчиларни аниқлаш ва уларни тарбиялаш. Н.И. Тайлоқов ва бошқалар. Тошкент:“Камалак” нашриёти, 2017 йил.

Abduvasikova Dilafuz Djalalidinovna
senior teacher
Department of “Foreign Languages” of
Tashkent architecture and civil engineering institute
(Tashkent, Uzbekistan)

THE TEACHER SHOULD AIM AT TRAINING THE LEARNERS TO READ FLUENTLY AND EFFICIENTLY IN TEACHING FOREIGN LANGUAGE

***Annotation:** Teaching Foreign Languages includes the results of some of the latest research activities in the field of language pedagogy in Uzbekistan. The aim is to give an up-to-date overview of current thinking about important research issues in foreign language education. Communication will be effective only when it gets the desired action or response. The decree of the first president of the Republic of Uzbekistan on measures for further enhancement of the system of teaching of foreign languages (PD № 1875 Issued in December, 2012) is a key factor for modernization of teaching foreign languages at all stages, in which the importance of teaching and learning English across the country were pointed out. Taking account this directive document the competence – based teaching was implemented in the Uzbekistan system of FLT.*

***Key words:** extensive reading, intensive reading, to motivate learners, instruction, listening, speaking, reading, writing, fluently, efficiently, educational process, challenge, receptive skills, a language tool, a physical response*

The teacher should aim at training the learners to read fluently and efficiently. It is the acquisitions of these skills that will enable the learners to undertake extensive and intensive reading in order to develop comprehension. Language teaching covers four skills needed for communicating – listening, speaking, reading and writing. Good language teachers plan lessons, and sequences of lessons, which include a mixture of all the skills, rather than focusing on developing only one skill at a time.

To develop learners' listening and reading skills, teachers can be a model. That is, teachers can speak to their students and write example sentences on the board. But individual words, phrases and sentences are not enough. Teachers can provide their students with much more input, if they provide them with opportunities to hear and read whole texts (such as the one about Harry's family). Sometimes those spoken and written texts already exist in the resources available to the teacher but sometimes they need to be created, developed and recorded. It's important for teaching activities to be designed so that learners receive input and modeled language (through listening and reading activities) before they are expected to produce those modeled structures (in their own speaking and writing). Listening and reading activities prepare students to be able to speak and write their own texts.

Both listening and reading are receptive skills. For a teacher to be sure that learner has understood a spoken or written text, they need to demonstrate their understanding through a response. The response may be: a verbal response, e.g. answering questions orally when the teacher asks students one-by-one around the

class, a physical response, e.g. an action in a Total Physical Response activity, a creative response or visual representation, e.g. listening to a talk about local places and drawing a map of them; reading a description of a person and drawing them, a written response, e.g. listening to or reading a text and writing answers to multiple choice, true/false, short answer comprehension questions, sentence completion activities, completing a cloze passage. Receptive skills involve *bottom-up* and *top-down* processing. From the bottom up, teachers ensure that students know the sounds and spelling system, word roots and suffixes, and build up to phrases, sentences and paragraphs. If students understand and can analyze smaller components of language, they can build up to understanding longer texts in the language. At the same time, it is important to present students with opportunities to process spoken and written texts from the top down. The texts will contain a mixture of vocabulary and language structures which are already familiar to the students, together with vocabulary and structures which are not familiar. This challenges and develops students' ability to work out the meaning, fill in gaps, and develop skills in finding out about aspects of the language which are new to them. From the top down, students hear or read a whole text. At first they may just pick up the gist of the text, e.g. they take note of the setting, identify the characters, and understand the general meaning of the text. They use their understanding of the gist of the text to begin to work out more of the details, e.g. they make informed guesses about unfamiliar words and phrases in the text.

For students to develop their top-down processing skills, they often need to hear or read the text a few times. Each time they will process and understand more of the text. So we shouldn't worry if they don't understand the whole text the first time they hear/read it. Rather than immediately translating it into English for them, it's better to let them listen to or read the text again and again. Top-down listening activities often involve a pre-listening exercise before the students hear the text for the first time [1]. This approach is an educational movement that refers to the outcomes of learning in the development of language programs and language skills of students. The essence of this approach is a new content-based on forming and developing a set of learners' competences. The process of acquiring this content brings action-oriented character. Language use, embracing language learning, comprises the actions performed by learners who as individuals and as social agents develop a range of competences, both general and particular all components of the communicative competence. The core of this approach is interpreted as students draw on the competences at their disposal in various contexts under various constraints to engage in language activities involving language processes to produce and/or receive texts in relation to themes in specific domains, activating those strategies which seem most appropriate for carrying out the tasks to be accomplished [1, 14]. The monitoring of these actions by the participants leads to the reinforcement or modification of their competences. The main feature of this approach is orientation to results of FLT/L fixed in the State Educational Standard. For these purpose descriptors what the learners should know and can be put on the curriculum in the result are worked out [2, 5-6]. In Uzbekistan the multistage model of FLT has been worked out on the basis of continuous, succession, taking into consideration the international standards, and localization of EL teaching and learning methodology and materials (adapting to the

national context). It is related to the well known multilevel model of FLT in the foreign countries. In our conditions the CEFR is used for development of the language policy to set minimum language requirements for a wide range of purposes, in curriculum planning, preparing course-books and development of methods of teaching and tools of evaluation. It is intended for dynamic progress in acquiring FL.

Within this scope, the efforts of teachers and learners at all levels of education are encouraged and supported by developing appropriate methods and teaching materials, appropriate forms and instruments for the evaluating of learning programs. "Research and development programs leading to the introduction, at all educational levels, of methods and materials best suited to enabling different classes and types of student are promoted to acquire a communicative proficiency appropriate to their specific needs" [3, 3].

Reading is an important skill that not only helps the learners in the mastery of English, but also enhances their performance in other subjects in the school curriculum. The teacher of English should therefore provide opportunities for learners to develop the various reading skills in order to undertake successfully intensive reading, extensive reading and comprehension.

REFERENCES:

1. Richards, J.C., Rodgers T.S. (2011). Approaches and methods in language teaching. Second edition. Routledge.
2. Using the CEFR: principles of good Practice. – CUP, 2011. – P. 14.
3. Ўзбекистон Республикаси узлуксиз таълим тизимининг Давлат стандарти // Халқ таълими. – Т., 2013. – № 4. – Б. 5-6.
4. Common European Framework of Reference for Languages: Learning, teaching, assessment. The council of Europe. – Strasbourg, 1996. The final draft was published in 2001. P. 3.

Jumanioyova Muhabbat, Zakirova Maqsuda
Urganch davlat universiteti
(Urganch, O'zbekiston)

BOSHLANG'ICH SINIF ONA TILI DARSLARIDA TA'LIMIIY
O'YINLARDAN FOYDALANISH

Annotation. *In this article authors research the ways of using learning games for enriching phonetic and grammar knowledge of elementary school pupils.*

Key words: *elementary education, phonetic and grammar knowledge, learning game, word composition, development of speech, effectiveness of education.*

Аннотация. *В этой статье изучены пути использования обучающих игр на уроках родного языка в процессе формирования фонетико-грамматических понятий у учащихся начальных классов.*

Ключевые слова: *начальное образование, фонетико-грамматическое понятие, обучающая игра, развитие речи, состав слова, эффективность образования.*

Ma'lumki, har qanday jamiyat taraqqiyotida uning kelajagini ta'minlaydigan yosh avlodning sog'lom va barkamol bo'lib voyaga yetishi hal qiluvchi o'rin tutadi. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M. Mirziyoyev Oliy Majlisga Murojaatnomasida ta'kidlaganidek, "Shu sababli biz islohotlarimiz ko'lami va samarasini yanada oshirishda har tomonlama yetuk, zamonaviy bilim va hunarlarni puxta egallagan, azmu shijoatli, tashabbuskor yoshlarimizga tayanamiz." (1)

Hozirgi davrda yurtimizda "Yangi O'zbekiston - maktab ostonasidan, ta'lim-tarbiya tizimidan boshlanadi", degan g'oya asosida keng ko'lamli islohotlarni amalga oshirilmoqda.

Umumiy ta'limda boshlang'ich ta'lim alohida o'rin tutadi. Boshlang'ich ta'lim ta'lim oluvchilarda umumiy o'rta ta'limni davom ettirish uchun zarur bo'lgan savodxonlik, bilim, malaka va ko'nikmalar asoslarini shakllantirishga qaratilgan. (2)

Ona tili maktabda o'quvchining kamol topishida, fikrlash darajasining o'sishida, bilim va mehnatga havasini uyg'otishda, ilmiy tushunchalarini, nutqiy malakalarini shakllantirishda muhim ahamiyat kasb etadi. Ona tilidan olib boriladigan barcha mashg'ulotlar tizimi shunday qurilishi kerakki, bu tizim o'quvchilarda ona tiliga muhabbat, o'z yurtiga, xalqiga mehr, Vataniga cheksiz hurmat va sadoqatni o'stirishi zarur.

Boshlang'ich sinflarda ona tili ta'limi, yuqorida ta'kidlanganiday, bolalarning tafakkur qilish faoliyatlarini kengaytirishga, ularda erkin fikrlay olish, o'z g'alar fikrini anglash, o'z fikrini og'zaki va yozma ravishda ravon bayon qila olishga, jamiyat a'zolari bilan erkin muloqotda bo'la olish ko'nikma va malakalarini rivojlantirishga xizmat qiladi. Bu o'rinda ona tili ta'limiga o'quv fani sifatida emas, balki butun ta'lim tizimini uyushtiruvchi ta'lim jarayoni sifatida qarash lozimligini alohida ta'kidlash joizdir.

Boshlang'ich ta'lim davlat qonunini hayotga tatbiq etishda muhim bosqich hisoblanadi va unda ona tili o'qitish asosiy o'rin egallaydi. "Boshlang'ich ta'limning

samaradorligini ta'minlashda o'qituvchining shaxsiy sifatlari va pedagogik kasb mahorati ham muhim ahamiyat kasb etadi. Boshlang'ich sinf o'qituvchisi barcha pedagogik-psixologik vositalarni qo'llagan holda kichik maktab yoshidagi o'quvchilarda yaxlit tarzda o'quv faoliyatini shakllantira olishi kerak". (3. 14)

Ona tili fani shunchaki fonetik-grafik va grammatik tushunchalarni bir yoqlama shakllantirish vazifasini bajarmaydi, balki o'quvchilarni badiiy til vositalari bilan ta'minlashi, ularda go'zal nutq madaniyatini tarbiyalashi. Og'zaki va yozma nutqini o'stirishi, fikr -mulohazalarini ifodali bayon etishga o'rgatib borishi zarur. O'quvchilar har bir ilmiy -nazariy tushunchani amalda qo'llay olishlari uchun ona tili mashg'ulotlarida samarali mashqlar tizimi qo'llanib borilishi maqsadga muvofiqdir.

Ona tili o'qitish metodikasida o'quvchilarning savodini chiqarish, grammatik tushunchalarini shakllantirish, ularning nutqiy va imloviy savodxonligini oshirishda qo'llaniladigan usullar, mashqlar variantlari ko'p. Fonetik-grammatik, orfografik tushunchalarni mustahkamlash, nutqiy malakani mukammal shakllantirishda metodika fanidan belgilangan mashqlar qatorida ta'limiy o'yinlar muhim o'rin tutadi. (4. 42)

Ta'limiy o'yin mashqlari ma'lum talab asosida berilib, mavzu yuzasidan o'quvchini amaliy faoliyatga yo'naltira oladigan ta'limiy materialdir. Ular har bir mavzu doirasida shu mavzuni ongli o'zlashtirish, mavzu yuzasidan o'qituvchining olgan bilimini mustahkamlash va sistemaga solish, og'zaki va yozma nutq malakalarini o'stirish maqsadida beriladi.

Ta'limiy o'yinlarning boshqa mashq turlari (ko'chirib yozuv, tahlil, diktant, bayon, insho) dan farqi shuki, bunda, bir tomondan, o'quvchilarning zerikishi, charchog'iga barham berilsa, ikkinchi tomondan, bolalarning fikrlash jrayoni tezlashadi, muayyan belgilangan malakalarning mufassal shakllanishi osonlashadi.

Boshlang'ich sinflar ona tili dasturidagi har bir mavzu bo'yicha muayyan shakldagi ta'limiy o'yinni tashkil qilish mumkin. O'qituvchi, avvalo, ta'limiy o'yinning ta'limiy-tarbiyaviy maqsadini belgilab, o'yinga kerakli materialni tayyorlab, o'quvchilarga ta'limiy o'yinni o'tkazish tartibini aniq tushuntirib berishi, ta'limiy o'yinni o'zi boshqarib borishi, o'quvchilarning xatolarini yo'l-yo'lakay tuzatib borishi kerak. O'yin oxirida tegishli xulosalar chiqarib, qo'yilgan ballar e'lon qilinadi.

Ta'limiy o'yinning asosiy mohiyati shundaki, kattalar tomonidan bolalarga o'yin shaklida aqliy vazifani bajarishni hal etish vazifasi topshiriladi. Buning asosiy maqsadi bolalarning bilishga bo'lgan qiziqishini shakllantirishni faollashtirishidir. Bilim berishda ta'limiy o'yinlardan bilimlarni mustahkamlashdagina emas, balki ta'lim shakli sifatida ham keng foydalaniladi.

Boshlang'ich sinflar ona tili darslarida fonetikaga doir unli, undosh tovushlar va harflar mavzusini o'rganishda quyidagi ta'limiy o'yinlardan foydalanish maqsadga muvofiq bo'ladi:

1-o'yin – “So'z o'yini”. Qaysi tovush yoki harf so'zlarning ma'nosini o'zgartirishga xizmat qilyapti?

1-variant – og'zaki ravishda. Bunda o'qituvchi navbat bilan so'zlarni og'zaki ayta boshlaydi: o'quvchilar qo'l ko'tarib so'zlarning ma'nosini o'zgartirayotgan tovushni aytishadi va ma'nosi o'zgarayotgan so'zlar ishtirokida og'zaki gaplar tuzadilar.

2-variant – yozma ravishda. Bunda 2 guruhdan iborat o'quvchilar musobaqa tarzida doskada yozilgan so'zlarning ma'nosini o'zgartirayotgan harfning tagiga

chizib borishadi.

Til, tin, tir, tiz, tim, tish, to'l, to'r, to'n, to'p, to'y, to'k, to's, tom, ton, tol, tosh, tob, tog', tor, toj, toy, tok, top, tot, tut.

2-o'yin. "Harflarni o'zgartirib, so'z tuzing!"

1-variant – og'zaki ravishda. Bunda o'qituvchi so'zni og'zaki ayta boshlaydi: o'quvchilar bir so'z tarkibidagi unli yoki undosh tovushni o'zgartirib yangi so'z topishib, bu so'zlar ishtirokida og'zaki gaplar tuzadilar.

2-variant – yozma ravishda. Bunda doskaga so'zlar qator qilib yozib qo'yilgan bo'ladi. 2 guruhdagi o'quvchilar unli yoki undosh harflarni o'zgartirib, yangi so'zlar tuzib yozadilar. O'yin musobaqa shaklida o'tkaziladi.

Unlilarni o'zgartirish.

Kun: ko'n, kon.

Ko'z: kuz, kar, kor, ker.

Dil: do'l, dol.

Pichoq: pachoq, po'choq, puchuq.

Undoshlarni o'zgartirish.

Moy, toy, loy, boy, voy, joy, poy, soy, choy.

Til, dil, bil, jil, zil, yil, fil, shil, qil.

Bir harfni olib so'z tuzish.

Qo'y (o'y)

Kalla (alla)

Toy (oy)

Karra (arra)

So'zlarga harf qo'shib yangi ma'noli so'zlar toping vva ular ishtirokida gaplar tuzing:

Alla (salla)	ayiq (qayiq)
Ayron (hayron)	asal (kasal)

Boshlang'ich sinf o'quvchilari so'z turkumlari (ot, sifat, son, olmosh, fe'l) bilan umumiy tanishtirilgandan so'ng bar bir leksik-grammatik guruh alohida o'rganiladi. Bu so'z turkumlarini o'rganishning boshlang'ich bosqichidayoq ularni taqqoslashga qulay sharoit yaratadi va shakllantiriladigan grammatik tushunchaning asosiy tomonlarini aniqroq ajratishga imkon beradi. Dasturga ko'ra, boshlang'ich sinfda so'zlar dastlab javob bo'ladigan morfologik so'roqlariga qarab guruhlanadi. 3-sinfda "So'z turkumi" tushunchasi shakllantiriladi.

Grammatik tushunchalar bo'yicha o'quvchilar 1-sinfдан boshlab nazariy ma'lumotlarga ega bo'la boshlaydilar. Ya'ni shaxs va narsa nomlari, narsalarning belgisi, narsalarning harakati kabi ma'lumotlarni o'rganish jarayonida ularda grammatik tushunchalar shakllantirishga asos solinadi.

Boshlang'ich sinflar ona tili darslarida grammatik tushunchalarga oid quyida ta'limiy o'yinlardan samarali foydalanish mumkin.

Mavzu: Narsa va shaxs nomini bildirgan so'zlar

1-o'yin. "Bir so'z bilan javob top" o'yini

Beshik tebratib aytiladigan qo'shiq... – alla.

Daraxtni bo'laklarga ajratadigan asbob... - arra.

Ko'paytirish jadvali... – karra.

Bolalar qog'ozdan yasab uchiradigan narsa...- varrak.

Kuch so'zining sherigi... – quvvat.

Rasm chizuvchi kasb egasi... – rassom.

Don hosili... – g'alla.

Chollar tayanadigan tayoq... – hassa.

2-o'yin. "So'zlarni guruhlarga ajratish" o'yini.

1-variant. (og'zaki ravishda)

O'qituvchi so'zlarni navbat bilan aytib turadi, o'quvchilar nima? so'rog'iga javob bo'lgan so'zlarni eshitganda sariq varaqani, kim? so'rog'iga javob bo'lgan so'zlarni eshitganda ko'k varaqani ko'taradilar.

2-variant. (yozma ravishda)

So'zlar yozilgan varaqalar alohida stolga aralashtirilgan holda ochiq qilib qo'yiladi. O'quvchilardan tuzilgan ikki guruhning biri nima? so'rog'iga javob bo'lgan so'zlarni, ikkinchisi kim? so'rog'iga javob bo'lgan so'zlarni "Kim oldin yozish" sharti bilan doskaga yozib boradilar.

Mavzu: Narsa va shaxs harakatini bildirgan so'zlar

"Teskari so'zni top!" o'yini.

1-variant. (og'zaki ravishda)

O'yin uchun so'zlar:

Suv: oqadi – to'xtaydi.

Kun: isiydi – soviydi.

Qush: uchadi – qo'nadi.

Daraxt: ko'karadi – quriydi.

Bola: uxlaydi – uyg'onadi.

Oy: ko'rinadi – bekinadi.

Mavzu: Narsa va shaxs belgisini bildirgan so'zlar

"Noto'g'ri belgini top!" o'yini.

Qizil taom (shirin)

Oq qarg'a (qora)

Shirin gul (qizil)

Mavzu: Ot – so'z turkumi.

"So'z zanjiri" o'yini.

O'yin tartibi: 5 – 6 ta o'quvchi doska oldiga tiziladi. Boshlovchi o'yin shartini tushuntiradi va narsa nomini bildirgan so'zni aytdi, navbatdagi o'quvchi bu so'zing oxirgi tovushi bilan boshlanadigan o'tni aytdi. To'xtalib qolgan o'quvchi o'yindan chiqadi. Namuna: Ayyiq – qarg'a – asal – lola – ariq – qalam – maktab – bola – alla – arra – alam – mashina – adolat – tandir – ruchka – ayoz....

Boshlang'ich ta'limda "So'z tarkibi" ga oid mavzularni mustahkamlashda ham ta'limiy o'yinlar samarador bo'ladi. Xususan, ona tili darslarida "O'zak va o'zakdosh so'zlar" mavzusini o'rganishda **"O'zakni top"** o'yini qo'llanilsa, dars samaradorligi yanada ortadi.

O'yin tartibi: Doskaga ikki ustunda o'zakdosh so'zlar yozilgan bo'lib, ikki guruhda tizilgan o'quvchilar musobaqa tarzida birin-ketin o'zaklarni belgilaydilar. Shartni oldin bajargan guruh rag'batlantiriladi.

O'yin uchun so'zlar:

Gulchi ishchi

Ishla guldon

Xulosa qilib aytganda, boshlang'ich sinf ona tili darslarida yuqoridagi kabi ta'limiy o'yinlardan foydalanish o'rganilayotgan tushunchaning oson o'zlashtirilishiga yordam beradi. O'quvchilarda olgan bilimlarini amalda tezkorlik bilan qo'llay olish salohiyatlarini shakllantiradi.

Ta'limiy o'yinlarni tanlashda o'yinning ta'lim jarayoni bilan uyg'unlashishiga,

ta'lim-tarbiya jarayonining samaradorligini oshirishga, o'quvchilarning faolligi va tashabbuskorligi hamda ijodiy qobiliyatini o'stirishga alohida ahamiyat beriladi.

Ona tili darslarida ta'limiy o'yinlar nafaqat o'quvchilarning bilimini tekshirishda, balki ularni darsga qiziqtirish uchun ham qo'llaniladi. Ta'limiy o'yinlarni o'tkazishda o'quvchilarning yosh xususiyatlarini ham hisobga olish zarur. O'yinlar mavzuga mos bo'lishi va o'quvchilarni zeriktirib qo'ymasligi kerak bo'ladi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining Oliy Majlisga Murojaatnomasi. – Toshkent, 29-dekabr, 2020. (<https://uzldep.uz/uz/news-of-uzbekistan/7998>)
2. O'zbekiston Respublikasining "Ta'lim to'g'risida"gi qonuni // qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi, 24.09.2020-y., 03/20/637/1313-son
3. Boshlang'ich ta'lim konsepsiyasi// "Boshlang'ich ta'lim, 1998 -yil, 6 –son.
4. Yoqubov Sh., Mustafoulov. R Grammatik o'yinlar orqali o'quvchilarni faollashtirish// Yigirma birinchi asrda o'zbek tili ta'limi masalalari.-T.: Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston Milliy kutubxonasi nashriyoti, 2007.

Kamalova D. Z.
PhD (arch), dotsent,
Diyarov V.
Magistrant
Samarqand davlat arxitektura-qurilish instituti
(Samarqand, Uzbekistan)

**SAMARQAND SHAHRIDAGI ABU MANSUR MATURIDI MAQBARASINING
TARIXIY JIHATLARINI O'RGANISH**

Annotatsiya. *Maqolada maturidizm falsafiy yo'nalishi va Samarqanddagi Abu Mansur al-Matrudiy sharafiga yodgorlik majmuasining me'moriy-rejalashtirish echimining jihatlari ko'rib chiqilgan.*

Kalit so'zlar: *maturidizm, diniy qonunlar, Chokardiz qabristoni, maqbarasi, yodgorlik majmuasi.*

Камалова Д. З.
PhD (arch), доцент
Дияров В.
магистрант
Самаркандский государственный
архитектурно-строительный институт
(Самарканд, Узбекистан)

**ИЗУЧЕНИЕ ИСТОРИЧЕСКИХ АСПЕКТОВ МАВЗОЛЕЯ АБУ МАНСУРА
МАТУРИДИ В ГОРОДЕ САМАРКАНДЕ**

Аннотация. *В статье рассмотрены аспекты философского течения maturидизма и архитектурно-планировочное решение мемориального комплекса в честь Абу Мансура аль—Матруди в Самарканде.*

Ключевые слова: *матуридизм, религиозные каноны, кладбище Чокардиза, мавзолеей, мемориальный комплекс.*

Kamalova D.Z.
PhD (arch), associate professor
Diyarov V.
Master student
Department: Theory and History of Architecture
Samarkand State Institute of Architecture and Civil Engineering
(Samarqand, Uzbekistan)

**STUDYING THE HISTORICAL ASPECTS OF THE MAUSOLEUM OF ABU
MANSUR MATURIDI IN SAMARKAND CITY**


Annotation. *The article discusses aspects of the philosophical flow of Maturidism and the architectural and planning solution of the memorial complex in honor of Abu Mansur al-Matruidi in Samarkand.*

Key words: *maturidism, religious canons, Chokardiz cemetery, mausoleum, memorial complex.*

Abu Mansur Maturidiy maqbarasi Samarqandda, Registon maydonidan unchalik uzoq bo'lmagan joyda joylashgan bo'lib, u erda shaharning eng chiroyli me'moriy yodgorliklari to'plangan [1]. Ushbu inshoot O'zbekistondagi taniqli ilohiyotshunos, Qur'on suralarining tarjimoni va faylasufi Abu Mansur al-Maturidiy dafn etilgan joy ustiga qurilgan. Uning g'oyalari ko'plab izdoshlarga ega edi, ular ularni ishlab chiqdilar va Islomda yangi falsafiy oqim - uning asoschisi nomidagi maturidizm uchun risolalar yaratdilar. Ularning printsiplaridan biri Islomni diniy qonunlar va hokimiyatlarga ko'r-ko'rona rioya qilish emas, balki aqlga asoslangan holda talqin qilish edi.



1-Rasm. Abu Mansur Al Maturidiyning yodgorlik majmuasi



Maqbaraning yon ko'rinishi

Dinshunos Samarqanddagi mashhur Chokardiza qabristoniga dafn etilgan, uning hududida, afsonalarga ko'ra, Xudoning kalomining uch mingga yaqin tarjimoni dam olgan. Maqbara 20-asrning birinchi yarmida vayron qilingan; 2000-yillarning boshlarida bu erda o'z davrining taniqli faylasufi va Islomni o'rganish va talqin qilishdagi hissasi sharafiga butun yodgorlik majmuasi qurilgan.

Bino shaharni bezab turgan binolardan biridir, bu shaharning ajoyib arxitekturasi va mahalliy lazzat bu erga ko'plab sayohatchilarni jalb qiladi. Samarqand dunyodagi eng qadimgi shaharlaridan biri hisoblanadi, u o'z hayoti davomida turli davrlarni boshdan kechirgan - tez rivojlanish va tanazzul bosqichlari bo'lgan. Shahar Buyuk Ipak yo'li yo'lidagi muhim nuqta edi - Xitoydan Evropaga boradigan karvonlar bu erda to'xtab qolishdi [2]. Uning yordami bilan nafaqat tovar almashinuvi amalga oshirildi, balki u madaniy va ma'naviy qadriyatlarining, diniy ta'limotlarning tarqalishiga hissa qo'shdi.

Shahar bir necha bor turli bosqinchilar hujumi ostida taslim bo'lgan; XIII asrda Chingizxonning qo'shinlari bu erga kelib, uni bosib olgan va shaharning muhim qismini vayron qilgan. Biroq, Samarqand tezda tiklanib, Tamerlan (Temur) davrida o'z imperiyasining poytaxtiga aylandi, hukmdor shaharni rivojlantirdi, ulug'vor va boy bezatilgan binolarni qurdi. Shu bilan birga, shahar ilmiy markazga aylanib borardi.

Shaharda saqlanib qolgan ko'plab binolar XIV-XVI asrlarga tegishli. - temuriylar hukmronligi davri - Temur asos solgan sulola. Masjidlar, maqbaralar, madrasalar nafaqat shaharni bezatibgina qolmay, balki uning tarixi, madaniyati va urf-odatlarini haqida hikoya qiluvchi qimmatbaho me'moriy yodgorliklardir. Sayyohlar shaharning tarixiy ko'chalarida sayr qilishni, mahalliy oshxonalarini tatib ko'rishni va

milliy hunarmandchilikni o'rganishni yaxshi ko'radilar; ko'pchilik o'zlarining safarlaridan hunarmandlarning asarlarini olib kelishlari kerak [3].

2000 yilda O'zbekistonning Birinchi Prezidenti I. Karimov tashabbusi bilan Abu Mansur Muhammad ibn Muhammad al-Maturidiy tavalludining 1225 yilligi munosabati bilan 4 gektar maydonni o'z ichiga olgan me'moriy majmua qurildi. vayron qilingan maqbara joylashgan joy, uning markazida olimning maqbarasi joylashgan. Majmua hududida maqbaraning o'zi va ilohiyotshunos olimlarning qabrlaridan tashqari, yashil maydonlar parki tashkil etilgan.



2-Rasm. Olim Al Maturidiyning marmar qabr toshi

Maqbara binosi yon tomonining uzunligi 12 metr bo'lgan kvadrat shakliga ega va yarim shar shaklida ikki qavatli gumbaz bilan qurilgan. Binoning balandligi taxminan 15 metrni tashkil qiladi. Uning qovurg'ali tashqi gumbazi ko'k sopol majolika bilan o'ralgan, baraban kamar va alebastr deraza panjaralari bilan bezatilgan [4]. Binoning jabhasi va ichki qismi majolika, mozaika, ganch o'ymakorligi bilan bezatilgan.

Bino ikki qavatli gumbaz bilan bezatilgan, tashqi tomoni - qovurg'a - ko'k majolika bilan ishlangan, baraban 24 ta kamar bilan bezatilgan. Olimning so'zlari oq marmar qabr toshiga o'yilgan. Maqbara g'arbiy qismida gumbazli past bino, shimol tomonida 9-18 asrlarga oid qabr toshlari bilan balandlik (sufa) joylashgan.

Oq marmar qabr toshi olimning mashhur aforizmlari bilan abadiylashtirilgan. Maqbara devorlaridan g'arb tomonga qarab gumbazli tonoz bilan toj kiygan pastak inshoot, shimoliy tomonida esa 9-asrdan 18-asrgacha bo'lgan davrda qabriston toshlari bo'lgan sufa mavjud. Chiroyli bog'da taniqli advokat Margiloni dafn etilgan joyda gazebo mavjud.

ADABIYOTLAR:

1. Rfvmkjva D. Z. O'zbekiston tarixiy va me'moriy yodgorliklarining yoruglantirish arxitekturasi.// «Zarafshon» Nashriyoti 2014
2. Ibrohim T.K. va Sagadeev A.V. al-Maturidi // Islom: entsiklopedik lug'at / Tahrir. S.M. Prozorov. - M.: Nauka, GRVL, 1991. - P. 161. - ISBN 5-02-016941-2.
3. Maturidi / Ibrohim T.K. // Yangi falsafiy ensiklopediya: 4 jildda / oldingi. ilmiy-nashr. Kengash V.S.Stepin. - 2-nashr, - M.: Fikr, 2010. - 2816 b.
4. Ali-zadeh, A.A. Abu Mansur al-Maturidiy // Islom entsiklopedik lug'ati. - M.: Ansor, 2007.

Абдуллаева Мухтасархон Абдулхамитовна
Андижон вилояти ХТХҚТМОҲМ
“Мақтабгача, бошланғич ва махсус таълим
методикалари ”кафедраси мудири п.ф.н., доцент
(Андижан, Узбекистан)

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ЁШДАГИ БОЛАЛАРНИ СИФАТЛИ МАКТАБГАЧА
ТАЪЛИМ БИЛАН ҚАМРАБ ОЛИШ - ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ
УСТУВОР ЙЎНАЛИШИДИР

Аннотация: Ўзбекистонда таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохатлар бугун ҳар қачонгидан кенгайиб бормоқда. Мазкур мақолада муаллиф айнан мактабгача таълим соҳасида олиб борилаётган ислохатлар ҳақида сўз юритган. Андижон вилояти мактабгача таълим тизимида олиб борилаётган улкан ўзгаришлар, натижалар ва имкониятлар тўғрисида таҳлилий маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: Мактабгача таълим тизими, интеллектуал ривожланиш, Давлат мактабгача таълим ташкилоти, нодавлат мактабгача таълим ташкилоти, Давлат хусусий шерикчилигидаги мактабгача таълим ташкилотлари.

Аннотация: Реформе в сфере образования в Узбекистане сегодня расширяются. В этой статье автор рассказывает о проводимых реформах в сфере дошкольного образования. Представлены аналитические данные об огромных изменениях, результатах и возможностях в системе дошкольного образования в Андижанской области.

Ключевые слова: Система дошкольного образования, интеллектуальное развитие, государственная дошкольная образовательная организация, негосударственная дошкольная образовательная организация, негосударственная дошкольная образовательная организация, дошкольные образовательные организации государственно-частного партнерства.

Abstract: Reforms in the field of education in Uzbekistan are expanding today. In this article, the author talks about the ongoing reforms in the field of preschool education. Analytical data on huge changes, results and opportunities in the preschool education system in Andijan region are presented.

Keywords: The system of preschool education, intellectual development, state preschool educational organization, non-state preschool educational organization, of public-private partnership.

Дунёда кечаётган глобал ижтимоий-иқтисодий ва геосиёсий жараёнлар дунёнинг ғоявий-мафкуравий қиёфасини ўзгартириб, янгича тафаккур ва дунёқарашини шакллантиришни тақазо этмоқда. Мактабгача таълим тизими узлуксиз таълимнинг бирламчи, энг асосий бўғинидир. Мутахассисларнинг илмий хулосаларига кўра, инсон ўз умри давомида оладиган барча ахборот ва маълумотларнинг 70%ини 5 ёшгача бўлган даврда олади. Шу боис

болаларнинг соғлом ва билимли, етук кадрлар бўлиб вояга етишида мактабгача таълим жараёнида оладиган таълим ва тарбия жуда муҳим ўрин тутди.

Ўзбекистонда ёшларни жохон ҳамжамиятида ҳеч бир миллат ва халқдан кам бўлмаган ҳолда тарбиялаш бугунги кунда Давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Таълим тизимининг барча турларида туб ислоҳатлар олиб борилмоқда. Айниқса, мактабгача таълим тизимини ривожлантиришга, болаларни илк ёшидан бошлаб ҳар томонлама ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бу борада мактабгача таълим тизимининг ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлари ишлаб чиқилди яъни, Ўзбекистон Республикаси “Мактабгача таълим - тарбия тўғрисида”ги қонун, “Мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепцияси”, мактабгача таълим ёшдаги болалар таълим стандарти, мактабгача педагог ходимларнинг давлат талаблари, ўқув дастурлар тўлиқ янгиланди, халқаро ҳамкорликда болаларнинг эҳтиёж ва барча имкониятларни ҳисобга олган ҳолда ривожлантиришга қаратилган “Илк қадам” Давлат дастури яратилди.

Республикамининг барча ҳудудларида мактабгача ёшдаги болаларнинг ҳар томонлама, интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратилмоқда. Мисол учун биргина Андижон вилоятида кейинги 3 йил мобайнида 450 та давлат мактабгача таълим ташкилотлари 530 тага етказилди. Ута таъмирталаб бўлиб қолган мактабгача таълим ташкилотлари филиаллари таъмирланиб, юридик мақом берилди. Давлат бюджети ва маҳаллий бюджет ҳисобидан 218 та мактабгача таълим муассасалари бузилиб янгидан қурилди, реконструкция қилиниб мукамал таъмирланди. Натижада замонавий шарт-шароитлар яратилган мактабгача таълим ташкилотлари барпо этилди. Соғлом рақобат ва ота-оналарнинг мактабгача таълимга бўлган эҳтиёжларини қондириш ҳамда мактабгача таълимни танлаш имкониятини яратиш учун хусусий секторга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Вилоятда 27 та хусусий нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари ва давлат хусусий шерикчилигида 123 та мактабгача таълим ташкилотлари ташкил этилди. Шунингдек, мактабгача таълим тизимининг янги муқобил шаклларида фойдаланиш, ҳамда болаларга оила шароитини яратиш, мактабгача таълим ёшидаги болалар қамровини кенгайтириш мақсадида оила боғчалар ҳам ташкил этилди. Бугунги кунда вилоятда 1000 га яқин оила боғчалар фаолият кўрсатмоқда. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, мактабгача таълим соҳасида 2017 йилда 451та МТТ болалар қамрови 22%, 2018 йилда МТТда болалар қамрови 34.1%, 2019 йилда 1176 та МТТда болалар қамрови 52.5%, 2020 йилда 1700 МТТда болалар қамрови 61,3% ни ташкил этди.

Олиб борилаётган ушбу кенг кўламли ишлардан кўзланган асосий мақсад мамлакатимиздаги ҳар бир болани таълим-тарбия жараёнига тортиш орқали келажақда уларни ҳар томонлама етук, баркамол шахслар этиб тарбиялашдир.

Болалар ҳақида гапирганда албатта, Мухтарам Президентимизнинг таълим тизими ҳақида нутқ сўзлаганларида биронта нутқлари йўқ-ки мактабгача таълим тизимида тўхтамасинлар “Айни пайтда фарзандларимиз

тарбиясида энг асосий бўғин ҳисобланган мактабгача таълим тизимининг замон талабларига мос келмаслиги ҳам сир эмас. Ушбу соҳага бир пайтлар эътиборимизни сусайтириб юборганимиз оқибатида кўпгина муаммолар йиғилиб қолганини очиқ айтиш лозим. Боғча тарбиясини кўрган боланинг онги, дунёқарashi қандай юқори бўлишини бугун кимгадир исботлаб ўтиришининг, ўйлайманки, ҳеч қандай ҳожати йўқ.⁴

2020 йил 29 декабрь куни Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Парламентга қилган мурожаатидаги қуйидаги фикрларини келтиришимиз мақсадга мувофиқ бўларди. “Стратегик мақсадимиз боғча ёшидаги ҳар бир болани ушбу таълим йўналиши билан тўлиқ қамраб олиш учун зарур шароитларни яратишдан иборат”.

Бу борада қабул қилинган дастурга мувофиқ яқин 3-4 йил мобайнида юртимиздаги барча ҳудудларда, бу катта шаҳарлар бўладими ёки олис қишлоқ ва овуллар бўладими, минглаб янги боғчалар қурилмоқда Улар замонавий талаблар асосида жиҳозланиб, малакали тарбиячи ва мутахассислар, янги методик қўлланмалар билан таъминланмоқда.

Ўзингиз тасаввур қилинг, қишлоқда яшаётган оналар учун, опсингилларимиз учун ўз фарзандини боғчага бериш қандай янги имконият, қандай кенг шароитлар туғдиради. Бола боғчада соғлом турмуш асосида, мактабга тайёр бўлиб вояга етади.

Ҳурматли аёлларимиз боласидан кўнгли тўқ бўлиб, ижтимоий меҳнат билан, уй-рўзғор ишлари билан бемалол шуғулланади. Қолаверса, уларда дам олиш, ўз соғлиғи ҳақида ўйлаш учун озгина бўлса ҳам шароит пайдо бўлади.

Шунинг учун мактабгача таълим соҳасида ана шундай улкан ислохотларни ҳаётга жорий этиш биз учун ҳам қарз, ҳам фарздир. Қанчалик қийин бўлмасин, бу тарихий вазифани амалга оширишимиз шарт ва уни барчамиз биргаликда албатта бажарамиз.

Бу сўзларнинг амалий исботини кундан-кунга амалга оширилаётган ишлар мисолида яққол кузатиш мумкин. Аиниқса, мактабгача таълим муассасаларида болаларнинг дунёқарашини кенгайтириш, фикрлаш доирасини ошириш мақсадида ўтказиладиган машғулотлар, тадбирларнинг мазмунига эътибор қаратилаётганлиги қувонарли хол албатта. Юқорида айтилган фикрларнинг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинаётганлиги ишнинг тизимли ташкил этилишига замин яратади.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННЫХ ИСТОЧНИКОВ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг. 2017 йил 7 декабрь Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 25 йиллик тантанасига бағишланган йиғилишдаги маърузаси
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг Парламентга қилган “Мурожаати” 2020 йил 29 декабрь
3. Ўзбекистон Республикаси “Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида”ги қонуни. 2019 йил 16 декабрь ЎРҚ-595.

⁴ 2017 йил 7 декабрда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 25 йиллик тантанали йиғилишда сузлаган нутқи

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 майдаги “Мақтабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ 4312-сонли қарори.
5. “Илк қадам” давлат дастури. Тошкент 2018 йил 7 июль

Абдурахмонова Манзура
доцент,
Турсуналиева Эъзозахон
магистрант
Фаргона давлат университети
(Фергана, Узбекистан)

ИМКОНЯТИ ЧЕКЛАНГАН БОЛАЛАРДА ИЖТИМОЙ МАДАНИЙ ФАОЛИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Аннотация: *Дунё жамиятида имконияти чекланган бўлишига қарамай, турли соҳаларда улкан чўққиларни забт этган инсонлар кам эмас. Юксак диний мақомларга эришган ёки спортчи, машҳур санъаткор, ҳатто сиёсий етакчи бўлган шахслар ҳам талайгина.*

Ушбу мақолада имконияти чекланган болаларда ижтимоий маданий фаолиятни ривожлантириш масаласи тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: *маданият, фаоллик, ижтимоий фаоллик, имконияти чекланган болалар, таълим-тарбия*

Ўзбекистонда янги жамиятни ривожлантириш ислохотлари жараёнида жаҳондаги турли мамлакатларда фуқаролик жамияти асосларининг яратилиши турли даражада ва даврларда амалга оширилганлигининг назарий ва амалий жиҳатларини, тажрибаларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эгадир. Фуқаролик жамияти – мазкур мамлакатнинг ҳар бир фуқаросига иқтисодий ва сиёсий турмушини ўз ихтиёри асосида қуришга тўла эркинликни кафолатловчи маълум ижтимоий тизим. Фуқаролик жамиятини инсонлардаги ўз – ўзини англаш, уларнинг объектив равишдаги масъулият ҳиссини сезиш қобилятининг юксалишига ҳамоҳанг равишда шаклланиб боради.

Республикамизда олиб борилаётган барча ислохотларнинг мақсади давлатимз келажагига мустаҳкам пойдевор қуришдан иборат. Бу пойдевор соғлом, етук ва баркамол шахсларни тарбиялаб вояга етказиш натижасида яратилади. Шунинг учун ҳам кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, таълим тизимини ривожлантириш ва аслоҳ қилиш юзасидан қатор қонунлар, ҳукумат фармойишлари қабул қилинган. Таълим соҳасидаги бу ислохотлар бугунги кунда ўз самарасини бермоқда. Мазкур меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар доираси махсус эҳтиёжли болалар таълим-тарбиясини ҳам қамраб олган. Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганларидек, “Биз ёш авлодни ҳар томонлама соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш борасидаги ишларимизни янги босқичга кўтариш мақсадида “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонунни қабул қилдик. Шу асосда янгича ёндашувлар ҳаётга фаол жорий этилмоқда” [1, 71]. Шунингдек, халқимизнинг кўп асрлардан буён шаклланиб, ҳаёт тарзи мазмунига айланган энг муҳим инсоний фазилатлари: меҳр-муруватлилик, хайр-саховатлилик, ҳамдард-ҳамфикрлилик, олийжаноблик каби ўзига хос хусусиятларига эътибор янада кучайди.

Фуқаролик жамиятида ижтимоий фаоллик ижтимоий муносабатларнинг онгли, беғараз таҳлилига ҳамда уларнинг у ёки бу элементларини ўзгартиришга интилиш даражасини ифодалайди. “Кишилиқ жамияти пайдо

бўлибдики, инсон кундалик фаолиятида ривожланиб, такомиллашиб борадиган муайян эътиқодни ифодаловчи ғояларга таяниб иш кўради. Шу маънода, ижтимоий таълимот билан ўзаро боғлиқ бўлмаган бирор кишилиқ жамиятини топишнинг имкони йўқ. Зеро, кишилиқ асрлар давомида қарор топган маънавий тажриба, дунёқараш негизида шаклланган маълум мафкураларга таяниб, ҳаёт кечириб келишмоқда” [2]. Инсон ижтимоий аҳамиятга эга бўлган бирон – бир жиддий муаммога дуч келган ҳамда уларни ҳал этиш учун янги қонунларни қабул қилиш ёки мавжуд қонунлар механизмини такомиллаштириш кераклигини англаган тақдирда ижтимоий фаоллик интилиш янада кучаяди.

Ўзбекистонда танлаб олинган бу тўғри йўл барча соҳаларда амалга оширилаётган туб ислохотларнинг бош мақсади инсон ва унинг манфаатларига хизмат қилишга қаратилган бўлиб, бу жараёнлар аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизимини кучайтириш ва соғлом болалар билан бир қаторда имконияти чекланган болаларни тарбиялашда ҳар томонлама қулай шарт-шароитлар яратишни талаб қилади.

Инсон яралибдики, тарқаққийёт, ривожланиш давом этиб келмоқда. Ибтидоий даврдан то фан-техника тараққий этган бугунги кунга қадар бўлган жараёнлар фикримиз исботи.

Ижтимоий соҳалардаги туб ўзгаришлар, таълим-тарбияга берилаётган эътибор, комил шахсни тарбиялаш, бир сўз билан айтганда, инсон омили бугунги жамиятимиз тараққийётининг марказидадир.

Жамиятда руҳий-маданий ўзгаришлар натижасида феъл-атворнинг муайян белгилари ҳам ўзгаради – янги ижтимоий хусусият майдонга келади. Давлатимиз раҳбари томонидан чиқарилган бир қанча қарорларда ёшларнинг келажак тақдири, уларнинг жамиятда ўзининг муносиб ўрнини топиш йўлида шароитлар яратишга қаратилган бир қатор вазифалар белгилаб берилган. Бундай қарорлар ёшларимизнинг баркамоллик даражасига етишишига, уларнинг хулқ-атворида юксак фазилатлар шаклланишига ундовчи ички туртки бўлади ҳамда уларда ижтимоий фаолликнинг кучайиши учун куч ва ғайрат пайдо қилади.

Бугунги кунда алоҳида эҳтиёжли болалар таълимида энг долзарб муаммо – бу ривожланишда нуқсонли бўлган болаларни баркамол шахс қилиб тарбиялаш масаласидир. Бунинг учун алоҳида эҳтиёжга муҳтож болаларни ижтимоий ҳаётга жалб этиш, улар ҳаётини меъёрга келтириш муаммоларини ечимларини топишда қуйидаги интеграция жараёнларини амалга ошириш керак:

- туғма ногиронликни олдини олиш, ота-оналарнинг бундай болалардан воз кечиши ва интернат муассасаларига уларнинг ёппасига жалб қилинишини олдини олиш;

- алоҳида эҳтиёжга муҳтож болаларни интернат каби муассасаларни белгиланган ёшга тўлиши билан бажарилиши лозим бўлган (ўз оиласига қайтиши, васийлик ёки ҳомийликка берилиши, фарзандликка олинishi каби) масалалар;

- алоҳида эҳтиёжга муҳтож болаларни касб-хунарга ўргатиш учун ўқув-ишлаб чиқариш марказларини ташкил этиш ҳамда ногирон оила шароитида

тарбия топаётган ногиронликка эга болаларни ижтимоий интеграциясини таъминлаш;

- алоҳида эҳтиёжга муҳтож болаларнинг маънавий-маърифий ва ижтимоий ривожланишига эътиборни кучайтириш;

- алоҳида эҳтиёжга муҳтож болаларни ҳаёт кечиришларига ҳалақит берадиган тўсиқларни бартараф қилиш, уларни мустақил ҳаёт кечиришлари учун етарли шарт-шароитларни вужудга келтирувчи ҳуқуқий дастурлар ишлаб чиқиш кабилар шулар жумласидандир.

Инсонда болаликдан бошқа одамни қандай бўлса, шундайлигича, унинг фикри, табиати, маданияти, қарашларидаги мураккабликлар билан қабул қила олиш лаёқатини шакллантириш лозим. таълим ва тарбия орқали ёшларга шундай фикрни сингдириш орқали одамлар турмуш тарзи, маданияти, ижтимоий келиб чиқиши, моддий фаравонлиги ва ҳоказоларга қарамай, ўзаро тенг эканлигини англашиши лозим.

Алоҳида ёрдамга муҳтож болаларни таълимга йўналтиришда энг аввало, ота-оналар масъул эканлар улар ногирон фарзандлари билан алоҳида тарзда мулоқот ўрната олишлари, ногирон болани тарбиялаш усулларида боҳабар бўлишлари, болани мактабга тайёрлаш ва ўқиш жараёнида унга кўмаклашишнинг энг оддий кўникмаларини билишлари лозим.

Мустақиллик йилларида ижтимоий-маданий тараққиётини таъминлашга қаратилган ислоҳотлар тизимида имконияти чекланган болалар саломатлиги ва уларни фаол ижтимоий ҳаётга қайтаришда ва жамиятда соғлом болалар каби ўз ўрниларини топишларида ижтимоий-маданий тадбирлар алоҳида аҳамият касб этади. Бунда жойларда ташкил қилинадиган спорт, мусиқа, хореография, амалий ижод, бадий, театр ва бадий санъат каби тўғарақлардан унумли фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Бугунги кунда инклизив таълимни ривожлантириш, унинг самарадорлигини ошириш йўллари изланмоқда, шунингдек, таълим мазмуни ва сифати масалаларига устувор аҳамият берилаётганига қарамай, имконияти чекланган ёшларни таълимга жалб қилиш долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Мутахассислар фикрича, республикада имконияти чекланган болалар реабилитациясининг тиббий, касбий, ижтимоий ва руҳий жиҳатларга қаратилган тадбирларни амалга ошириш, уларнинг изчиллиги ва узлуксизлигини таъминлашга жавобгар бўлган идора ва муассасалар фаолиятига эътиборни қаратиш зарур. Бу борадаги камчилик ва нуқсонларнинг вақтида бартараф этилмаганлиги сабабли мамлакат буйича 88 минг нафар мактаб ёшидаги ногирон боладан 3,5 минг нафари таълим олмаяпти ёки умумтаълим мактабларида таълим олаётган 75 фоиз ва махсус мактаб-интернатлардаги 78 фоиз ногирон болалар мактабдан ташқари таълим муассасаларига жалб этилмаганлиги ачинарли ҳолдир.

Хулоса қилиб айтганда, имконияти чекланган болаларда ижтимоий маданий фаолиятни ривожлантириш муҳим вазифалардан биридир. Чунки инсон омили ҳар қандай жамиятда энг муҳим омиллардан бири ҳисобланади

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННЫХ ИСТОЧНИКОВ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – Т.: Ўзбекистон 2018 й.
2. Қ. Назаров(муалифлар жамоаси). Миллий ғоя: тарғибот технологиялари ва атамалар луғати. Тошкент, 2007 йил, 4-бет.
3. Конституция ва қонунларнинг устунлиги — Ўзбекистон тараққиётининг кафолати. — Т.: “Адолат”, 2000.
4. Жалилов ва бошқалар. Фуқаролик жамияти асослари/Ўқув қўлланма. - Тошкент. Baktria press. 2015. 264 б.
5. Одилқориев Х. Конституция ва фуқаролик жамияти. – Т. Шарқ, 2002.
6. Орлова О.В. Гражданское общество и личность: политико-правовые и социально-философские аспекты. – М.: М-Пресс, 2005.
7. Жалилов Ш. Кучли давлатдан — кучли жамият сари: Тажриба, таҳлил, амалиёт. — Т.: “Ўзбекистон”, 2001.
8. Ganiev, B. (2015). Business-Ethics in Islam. Theoretical & Applied Science, (7), 177-179.
9. Ganiev, B. S. (2020). EDUCATION-PRIORITY SPHERE OF REFORM IN THE CONDITIONS OF A NEW STAGE OF DEVELOPMENT. Central Asian Problems of Modern Science and Education, 2020(1), 106-111.
10. Karimov, U., Kaxarov, S., Yokubjonov, S., & Ziyodov, D. (2018). USING NEW INFORMATION TECHNOLOGIES IN DISTANCE LEARNING SYSTEM. In **НОВАЯ ПРОМЫШЛЕННАЯ РЕВОЛЮЦИЯ В ЗЕРКАЛЕ СОВРЕМЕННОЙ НАУКИ** (pp. 9-11).
11. Хонкелдиева, К., & Хо'jamberdiyev, J. (2020). Improving organizational effectiveness of industrial production. Экономика и социум, (3), 145-147.
12. Хонкелдиева, К., & Фарохиддинова, З. (2020). Оценка влияния рынка труда на уровень безработицы в республике Узбекистан. Наука сегодня: факты, тенденции, прогнозы [Текст]: материя, 37.
13. Хонкелдиева, К., & Маматкулова, Ф. (2020). Социально-экономические аспекты устойчивого развития предприятия. In Наука сегодня: факты, тенденции, прогнозы (pp. 36-37).
14. Хонкелдиева, К., & Фарохиддинова, З. (2020). Гендерное равенство как ценность права. Наука сегодня: факты, тенденции, прогнозы [Текст]: материя, 61.
15. Каримова, Г. Й. (2018). РОЛЬ КОНСТИТУЦИИ В ПОСТРОЕНИИ ПРАВОВОГО ГОСУДАРСТВА И ГРАЖДАНСКОГО ОБЩЕСТВА. Теория и практика современной науки, (2), 161-163.

Бакиева Мухаббатхон Камалиддиновна
Андижон вилояти ХТҲҚТМОҲМ катта ўқитувчиси,
Абдурахимова Муқаддамхон Оринбоевна
Андижон вилояти ХТҲҚТМОҲМ катта ўқитувчиси
(Андинжан, Ўзбекистан)

БОШЛАНГИЧ СИНФ ЎҚУВЧИ ҚИЗЛАР ТАРБИЯСИДА
МАКТАБ ВА ОИЛА ҲАМКОРЛИГИ

Аннотация: Мақолада ота-она, тарбиячи, ўқитувчи, узлуксиз таълим муассасалари ва маҳалла жамоатчилигининг ўзаро самарали ҳамкорлиги механизмини ишлаб чиқиш ва ҳаётга жорий этиш, аҳолининг фарзанд тарбияси бўйича билимларини, педагогик маданиятини ошириш, фуқароларни узлуксиз маънавий тарбиянинг жаҳон тажрибасида синовдан ўтган самарали педагогик технологиялари, усуллари ва амалга ошириш шакллари билан мунтазам таништириб бориш асосий вазифа сифатида белгиланиши ёритилган.

Калит сўзлар: истиқбол, Ренессанс, гендер тарбия, Концепция, Конституция, маънавий-маърифий, педагогик маданият, ижтимоий талаб, таълим муассасалари, мафкура, мактаб ҳамкорлиги, тамойил, механизм.

Аннотация: В статье описывается разработка и внедрение механизма эффективного взаимодействия родителей, педагогов, учителей, учреждений непрерывного образования и сообщества махалли, повышения осведомленности населения о воспитании детей, о педагогической культуре, об эффективных педагогических технологиях и методах непрерывного духовного развития детей, а регулярное знакомство с вышеуказанными формами выполнения определено в качестве приоритетной задачи.

Ключевые слова: перспектива, Возрождение, гендерное образование, Концепция, Конституция, духовно-просветительская, педагогическая культура, социальный спрос, образовательные учреждения, идеология, школьное сотрудничество, принцип, механизм.

Abstract: The article describes the development and implementation of a mechanism of effective cooperation between parents, educators, teachers, lifelong learning institutions and the community, increasing the population's knowledge of child rearing, pedagogical culture, effective pedagogical technologies, methods of continuous spiritual education. Regular acquaintance with the forms of implementation is defined as the main task.

Keywords: perspective, Renaissance, gender education, Concept, Constitution, spiritual-enlightenment, pedagogical culture, social demand, educational institutions, ideology, school cooperation, principle, mechanism.

Маҳалла, оила, мактаб - аждодларимизнинг буюк педагогик кашфиётлари. Шу боис Ўзбекистон Учинчи Ренессанс сари интилаётган, ислохотлар авж олаётган ҳозирги пайтда оила маънавияти, оила тарбияси ҳал қилувчи аҳамиятига эга. Чунки миллий истиқбол миллий давлатимизнинг куч-қудрати соғлом авлодларни юксак маънавиятли инсонлар қилиб етиштириш вазифасини қанчалик муваффақият билан бажаришимизга боғлиқ.

Юксак фазилатларга эга қизларни тарбиялашнинг асосий масъулияти таълим муассасаларига юкланган бўлса ҳам, мактаб оила билан боғланмай туриб, Узлуксиз маънавий тарбияни муваффақиятли бажара олмайди. Чунки қизларни оилада тўғри тарбиялаш - Ўзбекистоннинг XXI асрдаги хотин-қизларини мафкуриси мустаҳкам, юксак маънавиятли этиб тарбиялашнинг муҳим шартидир. Бу ҳол мактаб ва ота-оналар зиммасига жиддий масъулият юклайди ва гендер тарбия соҳасидаги ишларда мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатишларини тақозо қилади.

Қизлар тарбиясида мактаб, маҳалла ва оила ҳамкорлиги кам ўрганилган педагогик муаммо. Тарбия жараёни иштирокчилари саъий-ҳаракатларини мувофиқлаштириш мақсадида 1993 ва 1998 йилларда «Оила, маҳалла, мактаб ҳамкорлиги» Концепцияси ишлаб чиқилиб, такомиллаштирилди. Мазкур Концепция ўқувчиларни миллий истиқлолга садоқатли, маънавий баркамол этиб тарбиялашда муҳим вазифани бажарди. Кейинчалик, 2011 йилга келиб мазкур Концепция педагогика фанлари доктори Ҳ.Қ. Йўлдошев илмий раҳбарлиги ва таҳрири остида «Ўқувчиларни тарбиялашда оила, маҳалла, мактаб ҳамкорлиги Концепцияси» деган номда такомиллаштирилди ⁵.

Концепцияда ўқувчиларни тарбиялашда оиланинг, маҳалланинг, мактабнинг вазифалари аниқлаб берилди, улар орасидаги ҳамкорликни амалга ошириш тамойиллари, босқичлари, механизми ва услублари белгиланди.

Тадқиқотимиз доирасида биз ана шу Концепцияга ҳамда “Узлуксиз маънавий тарбия Концепцияси”га таяндик. Яъни бошланғич синфларда қизлар тарбиясини ташкил қилишда мактаб, маҳалла ва оила ҳамкорлигида:

- ҳамкорлик жараёни иштирокчилари ҳаракатларининг иш бирлиги;
- тарбияланувчи - қиз болага шахсига ҳурмат ва талабнинг уйғунлиги;
- ҳамкорлик жараёни субъектларининг тенг ҳуқуқлилиги ва юксак масъулияти;
- фаолият жараёнида таълим ва тарбия уйғунлиги;
- тарбия жараёнига гендер ёндошув тамойилидан келиб чиқилди.

Концепцияда бошланғич синфлар кичик ёшдаги (7-11 ёш) мактаб даври сифатида белгиланиб, ҳамкорликда болаларнинг жисмоний, маънавий ва ижтимоий шаклланишини таъминлаш, уларнинг илк иқтидори, қизиқиши ва ақлий имкониятларини аниқлаш, ўз ҳатти-ҳаракатларига жавобгарлик ҳиссини тарбиялаш, бўш вақтини тўғри ташкил қилишни ўргатиш, атроф-муҳитга онгли муносабатда бўлиш, дўстлик, миллатлараро тотувлик, ватанпарварлик ҳислатларини шакллантиришга қаратилиши кўзда тутилган.

Қиз болалар маънавий маданиятининг пойдевори илк болалик даврдан шакллана бошлайди. Қиз бола ҳали мактабга бормасдан баъзи гендер бир хулқ-атвор ва ахлоқ қоидаларини ўзлаштирган бўлади. Демак, гўдакни ана шу қоида, маънавий меъёрлар билан таништириш - ота-оналарнинг бурчидир. Бу бурч Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкам эътироф этилган. Ўзбекистон Республикасида оила ва оилавий

⁵ «Ўқувчиларни тарбиялашда оила, маҳалла, мактаб ҳамкорлиги Концепцияси». Профессор Ҳ.Қ.Йўлдошев таҳрири остида. -Т., «Ўқитувчи», 2008. -16 б.

тарбия масаласининг нақадар долзарб эканлигини Маҳалла ва оилани ривожлантириш вазирлиги ташкил этилгани ҳам тасдиқлади.

Миллий мустақилликнинг қўлга киритилиши билан оила, маҳалла ва мактабнинг тарбиявий мақсадлари уйғунлашди. Бу эса улар орасидаги маънавий-тарбиявий ҳамкорликни янги, самарали босқичга кўтаришга замин яратди. Бошланғич синф ўқувчиларига қўйилувчи маънавий талабларнинг бирлиги, ҳатти-ҳаракатларнинг ўзаро мослиги, бири-бирини тўлдириши, эришилган маънавий-тарбиявий ютуқларни мустаҳкамлаш ва учрайдиган муаммоларни биргалиқда, ҳамжиҳатликда ҳал қилиш ва бошқалар пировард натижада бошланғич синф ўқувчилари маънавий-ахлоқий фазилатларида намоён бўлади.

Мактаб, маҳалла ва оилалар ҳамкорлиги ота-оналар қўмиталари, маҳаллаларнинг оилалар билан ишлаш бўйича мутасаддилари томонидан тартибга солиниб, йўналтирилиб турилмоқда. Ота-оналар қўмиталари мактабнинг умумий йиғилишида бир ўқув йили муддатига сайланади. Қўмига ҳар бир синф ўқувчилари ота-оналари вакиллари бўлишига эришилмоқда. Қўмита аъзолари ичидан раис ва котиб сайланади. Раис мактаб педагогик кенгашининг аъзоси бўлиб ҳисобланади.

Ота-оналар қўмитаси оналар билан маънавий-тарбиявий ҳамкорлигини йўлга қўйишда: оилаларнинг қиз бола тарбияси учун жавобгарлигини ошириш ва бу ишда ота-оналарга ёрдам кўрсатиш; ота-оналарнинг мактаб ҳаётида иштирокини фаоллаштириш; ота-оналарнинг педагогик маданиятини ошириш; қиз болаларда салбий одат, сифатлар шаклланишининг олдини олиш, уларни қаровсиз қолдириш, ҳуқуқбузарлик ҳолатлари пайдо бўлишининг олдини олиш каби вазифаларни бажаради.

Ота-оналар қўмиталари қатор ҳуқуқларга, масалан, у ёки бу ташкилотларга мактаб маъмурияти билан биргалиқда мактабда таълим-тарбия жараёнини такомиллаштиришга қаратилган муурожаатлар билан чиқиш; мактабда тарбиявий ишларни такомиллаштириш мақсадида директор ёки педагогик кенгаш кун тартибига таклифлар киритиш; ота-оналарни қизиқтирган саволлар бўйича мактаб директори ва синф раҳбарларининг чиқишларини ташкил қилиш; болалари ўрнатилган бўлаётган ота-оналарни рағбатлантириш ва аксинча, хулқи ёмон ўқувчиларнинг ота-оналарига таъсир ўтказиш каби ҳуқуқларга эга бўлса-да, амалиётда бу ҳуқуқлардан кенг фойдаланилмаяпти.

Мактаб, маҳалла ва оилаларнинг маънавий-маърифий ҳамкорлигини самарали ташкил қилишда кўп учраётган ва биз тажриба-тадқиқот ишларимизда бартараф қилиш йўллари қўллаган камчилик бу – мактаб, маҳалла ва оила, ўқитувчилар ва ота-оналар томонидан ўқувчиларга қўйилаётган маънавий талабларнинг бир хил эмаслигидир. Мактаб ва оила, ота-она, бобо, буви ва ота-оналар орасида бола маънавиятини тарбиялаш масаласида бирликнинг йўқлиги тарбияси қийин ўғил ва қиз болаларнинг пайдо бўлишининг асосий сабабларидан биридир.

Қиз бола характерининг ўзаги илк ёшлардан бошлаб оилада, она таъсирида шаклланади. Кейинчалик ўтиладиган ҳаётини тажриба уни шаклан ўзгартириши мумкин, холос. Шунинг учун ўзбек халқи ушбу педагогик ҳикматни “Онасини кўриб, қизини ол”, деган мақолда муҳрлаган. Шунинг учун қиз боланинг характер фазилатларини ривожлантириш масаласи бошланғич

мактаб ва оила тарбиявий ҳамкорлигининг устувор вазифаларидан бири сифатида қаралмоғи зарур.

Қиз бола гендер фазилатларининг шаклланишида оила муҳим роль ўйнайди. Айрим оналар фарзандига меҳрини, ғамхўрлигини қизларини «қийналмасин», деб, ўта авайлаб, қўлини совуқ сувга урдирмасдан ўстиришда», деб билишади. Оналар билан олиб борган суҳбатларимизда баъзи оналар буни «мен болагимда қийналганман, қизим мазза қилиб ўссинда» деган нотўғри муҳаббат билан оқламоқчи бўладилар. Натижада қиз бола бошланғич синф ёшидан ҳаётда ёшига мос муаммоларини кўрмай, билмай ўсади. У ота-онасининг ўзига «ожиза», «нозик», «кучсиз» деб қараётганликларини ҳар куни кўриб, ҳис қилади. Бунга ишониб, ўрганиб қолади. «Мен нозикман, ожизман, кучсизман, мен суйиб, ардоқланишим керак» деган хулосада ўса бошлайди. Қиз болага қўшилиб «Мен ожизаман» деган зарарли эътиқод ҳам ўсаверади. Натижада қиз бола бошланғич синфларда учровчи биринчи қийинчиликларга тўқнашгандаёқ депрессияга тушади. Қийинчиликни енгишга ҳаракат қилмайди. Нима учун синфдаги болалар, муаллими фақат уни суйиб, ардоқлашмаётганлигини тушунмай сиқилади. Тушкунликка тушади. Инжиқлиги орта боради. Синфдошлари, дугоналари билан келишмайди. Юқорида айтганимиздек, бу инжиқлик, англанмаган норозилик такрорланавериб, ўзак сифатга айланади ва энг ёмони – қиз боланинг ўсмирлигидан бошлаб, ёшлигида, ҳаётда, келажигида унга фақат панд беради. Бунга оила, мактабда қиз болада “Узлуксиз маънавий тарбия Концепцияси”да белгилаб берилган таянч фазилатлардан масъулият, ироданинг ривожлантирилмагани сабаб бўлади. Бунинг устига синф раҳбари, ота-она томонидан қиз болани аълочи, фаол дугоналари билан қиёслайвериши натижасида унда ҳасад, ёки унинг зидди – кибр каби иллатлар ўзини намоён қила бошлайди.

Аксинча, педагогик маданияти юқори ота-оналар қиз бола ҳаётий қийинчиликларга дуч келганида унинг ёнида бўладилар. Унинг муаммосини ўзлари ечиб бермайдилар, балки уни ўз муаммоларини ечишга ўргата борадилар. Ўз ишини ўзи бажаришга, бошқалар билан муомала қилишга, уйга берилган вазифаларни ўзи ечишга ва ҳ.к.)ни ўзи эплашга ўргатадилар. Ана шунда қиз бола ота-онаси унга мадад бераётганини ҳис қилади, ўзи мустақил ҳаракат қилишга интила боради.

Синф раҳбарлари - мактаб ва оилани боғлашда катта имкониятларга эгалар. Илғор тажрибани ўрганиш бошланғич синф ўқитувчилари ишида:

- ота-оналар мажлислари кун тартибларига қиз болалар тарбияси масалаларини киритиш;

- мазкур йўналишнинг йиллик режасини тузиб, ота-оналар билан муҳокама қилиш ва унда ота-оналарнинг манфаатли иштирокини таъминлаш;

- оилалар билан: - бевосита; - бавосита; - оғзаки; - ёзма алоқалар ўрнатиш;

- ота ва оналарнинг ўзаро, оилавий тарбия манфаатларига хизмат қилувчи ҳамжиҳатликларига эришиш;

- қизлар тарбиясида бобо-бувилар тажрибасидан фойдаланиш, авлодлараро бирликни мустаҳкамлашга қаратилган фаолиятни ташкил қилиш;

- ота-оналар, айниқса ёш ота-оналар билан «Оилада қандай қилиб юксак маънавий эҳтиёжларни шакллантириш мумкин? Ўқиш, дарс тайёрлаш жараёнини қандай ташкил қилиш керак? Қиз болалар дўстлиги, фазилати нима? Болаларни қандай қилиб хушмуомалаликка ўргатиш мумкин? Мактаб синф раҳбари билан ҳамкорлик нималарни назарда тутуди? Боланинг қизиқишларини қандай ўрганиш керак? каби саволлар, масалаларга педагогик ечимлар топиш тақозо қилинмоқда.

Тажриба-тадқиқотлар натижасида «синф-раҳбари - ота-она» муносабатлари тизимини такомиллаштиришга қаратилган услубий, амалий тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Ота-онага таъсир ўтказмоқчи бўлсангиз уларнинг болаларини яхши кўринг. Болани ота-онаси олдида уришманг. Ютуқ ва камчиликларини таҳлил қилинг. Оилага бола (ўқувчи) орқали таъсир қилинг.

2. Ота-она Сизда нафақат ўз фарзандига, балки бутун синф жамоасига муҳаббатни кўрсин.

3. Ҳар бир оиланинг маънавий муҳитини ўрганинг. Ижобий ютуқларни умумлаштира боринг.

4. Шундай қилингки, ҳар бир ота-она ўз фарзандлари тарбиясида сиз билан сирдош бўлсин.

5. Ота-оналарга ўзларини қандай тутишлари фарзанд тарбияси учун фойдали бўлиши, боланинг оиладаги ўрни, мавқеи қандай бўлиши маъқуллиги тўғрисида самимий, дўстона маслаҳатлар бера боринг.

6. Шуни яхши билингки, синф раҳбари бола тарбияси манфаатларидан келиб чиқиб ота-оналарга ижтимоий талаблар қўйиш ҳуқуқига эга. Бу талаблар педагогик тавсиялар шаклида ифодаланади.

7. Оилаларда бўлиш керак. Ҳар бир ота-она билан учрашув олдиндан режалаштириши лозим. Бироқ расмий, «текшириш» бўлмаслиги керак.

8. Ота-оналар мажлисини нуқул хулқи, ўқиши ёмон ўқувчилар, уларнинг ота-оналари муҳокамасига айлантириб юборманг.

9. Ота-оналарнинг ўзингиз билан педагогик сирдош, самимий бўлишига эришинг. Токи улар Сизга айтган тарбиявий муаммоларни тўғри тушуна олишингиздан ва ерда қолмаслигидан кўнгулларни тўқ бўлсин.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННЫХ ИСТОЧНИКОВ:

1. Ўқувчиларни тарбиялашда оила, маҳалла, мактаб ҳамкорлиги Концепцияси». Профессор Ҳ.Қ. Йўлдошев таҳрири остида. - Т., «Ўқитувчи», 2008. -16 б.
2. Абдуманнопов А. Навоий фарзанд одоби ҳақида Бошланғич таълим. 1996 й. № 3.-38 б.
3. Абдурауф Фитрат. Оила ёки оилани бошқариш. Тошкент, 2001. «Маънавият», -160 б.
4. Абдурахимова Ф.Ю. Маҳаллада қизларни соғлом турмуш тарзи асосида оилага тайёрлашнинг педагогик асослари: Пед.фан.номз....дисс. – Т.: 2007. - 158 б.
5. Азаров Ю.П. Оила педагогикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1988. – 272 б.
6. Абдурауф Фитрат. Оила ёки оилани бошқариш тартиблари. -Тошкент. «Маънавият», 2000. – 148 б.

Гайназарова Гулбахор Абдуллаевна
Анджон вилояти ХТХҚТМОҲМ
Педагогика ва психология, таълим
технологиялари кафедраси мудири,
Хамрабоева Шоирахон Қахрамоновна
Кўрғонтепа тумани 9-МТТ
логопед-дефектологи
(Анджон, Узбекистан)

БОЛАЛАР НУТҚИДАГИ НУҚСОНЛАРНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШ САБАБЛАРИ ВА УЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ

Аннотация: Мақолада болалар нутқида учрайдиган нуқсонларнинг турлари, келиб чиқиш сабаблари бўйича мулоҳазалар келтирилган. Шунингдек уларни бартараф этиш учун турли логопедик машқлар тавсия қилинган.

Калит сўзлар: Нутқ, дислалия, тахилалия, брадилалия, логоневроз, алалия, ринолалия, афазия, дудуқланиш

Аннотация: В статье приведены отзывы о видах дефектов речи у детей и их причинах. Также рекомендуются различные логопедические упражнения для их облегчения.

Ключевые слова: Речь, дислалия, таксилалия, брадилалия, логоневроз, алалия, ринолалия, афазия, заикание.

Abstract: The article provides reviews on the types of speech defects in children and their causes. Various speech therapy exercises are also recommended to facilitate them

Key words: Speech, dyslalia, tachyllalia, bradilalia, logoneurosis, alalia, rhinolalia, aphasia, stuttering.

Нутқ - тилнинг фикр ифодалаш ва алмашиш жараёнларида амал қилиши, тилнинг алоҳида ижтимоий фаолият тури сифатидаги муайян яшаш шакли. Нутқ деганда унинг оғзаки ва ёзма равишда намоён бўлишидаги жараёнлар, яъни сўзлаш жараёни ва унинг натижаси тушунилади.

Ҳар бир кишининг нутқи индивидуал, ўзига хос хусусиятларга эга бўлади; ваҳолонки, асосий тил унсурлари - луғат таркиби ва грамматик қурилиши яқка шахсларгагина тегишли бўлмай, умумникидир, яъни муайян тил жамоасига умуман тааллуқли бўлади. Нутқ киши тафаккури, унинг онги билан чамбарчас боғлиқдир. Нутқда кишининг ўй-фикрлари шаклланади ва мавжуд бўлади. Нутқ туфайли ва нутқ асосида борлиқни умумлашган ҳолда мавхумий акс эттириш, индивидуаллик доирасидан чиқиб, жамоатчилик маҳсулига айланадиган мантикий тушунчавий фикрлаш мумкин бўлади. Нутқ киши руҳиятининг бошқа жиҳатларини, унинг сезгилари, идроки, хотираси, ўй-ҳаёллари, ҳиссиёти, иродасининг намоён бўлиши ва амал қилишида, киши онгининг ривожланишида ҳам катта аҳамиятга эга.

Нутқ қўлланиш соҳасига қараб бадий нутқ, илмий нутқ, расмий нутқ каби шаклларга эга бўлади. Ҳар қандай шаклда ва ҳар қандай ҳолатда ҳам аниклик, равонлик, соддалик, таъсирчанлик нутқнинг энг муҳим белгилари бўлиб қолиши керак. [1]

Бироқ, кўп ҳолларда болалар нутқида турли нуқсонлар кузатилади. Бола нутқида нуқсон бўлса айримлар “бора-бора нуқсоннинг ўзи тузалиб кетади”, деб ўйлайди. Аслида ҳам шундайми?

Аввало нутқ бузилишлари келиб чиқиш сабаблари, турлари тўғрисида мулоҳаза юритсак. Мутахассисларнинг фикрларига кўра нутқ бузилишларининг 10 дан ортиқ турлари мавжуд бўлиб, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ҳам турличадир.

Дислалия — бу одамлар орасида «тили чучуклик» деб ҳам аталади. Бошқача айтганда, нутқда баъзи товушларнинг йўқлиги ёки ҳарфларнинг нотўғри талаффуз қилинишидир.

Тахилалия тури эса нутқ оҳанги паталогик тезлашуви билан баҳоланади. Яъни, бунда бола ҳаддан ташқари тез гапиришга, фикрини тез баён этишга ҳаракат қилади.

Брадилалия - тахилиянинг акси бўлиб, бунда фикрни баён этиш жуда секин кечади.

Логоневроз - бу нутқнинг темпи, ритми ва оҳангнинг бузилиши бўлиб, у нутқ мушакларининг тортишиши билан боғлиқ нуқсон ҳисобланади.

Алалия (юн. а — инкор қўшимчаси ва lalia — нутқ) — бош мия катта ярим шарлари пўстлоғидаги нутқ зоналарининг чала ривожланиши ёки зарарланиши сабабли болаларнинг тилга кирмаслиги ёки тузук сўзлай олмаслиги. Бола бошининг она қорнидалигида ёки туғилиш чоғида жароҳатланиши, шунингдек гўдаклик даврида оғир касалликлар билан оғриши ва бошқалар алалия га сабаб бўлади. Алалияда бола нутқи узоқ вақт ривожланмайди: 5—7 ёшгача, баъзан 10—12 ёшгача боланинг тили чиқмайди. Алалиянинг мотор ва сенсор хиллари мавжуд.

Афазия- бу бош миянинг органик жароҳатланиши натижасида шаклланган нутқнинг йўқолиши. Болалар афазияси тажрибада кам учрайди. Афазия асосан инсультдан кейин учрайди. Болаларда эса мия инфекциялари, мия ривожланиши даврида турли хил кучли травмалар натижасида юзага келади.

Ринолалия - бу артикуляцион аппарат аъзоларида туғма ёки орттирилган нуқсонларнинг бўлиши ёки артикуляцион аппарат аъзоларида бурун, бурун ҳалқум соҳасида фалажланишларнинг кузатилиши, бурун суюгининг қийшайиши, бурун соҳасидаги турли хил ўсимталар, оденоидлар, полипллар бўлиши натижасида юзага келадиган оғир нутқ нуқсонлари ҳисобланади.

Дудуқланиш - бу оғзаки нутқ жараёнида артикуляцион аппарат аъзолари мускулларининг тортишиши сабабли оғзаки нутқнинг темпритмик ўзгариши натижасида юзага келади. Дудуқланиш келиб чиқишига кўра 2 хил бўлади:

1. Невротик дудуқланиш (логоневроз) боланинг кучли руҳий кечинмалари, стресс, депрессия, қўрқув, ҳаддан ташқари қаттиққўллик,

чапақайликдан ўнг қўлга ўргатиш, оиладаги икки тиллилик, дудуқланувчига тақлид қилиш натижасида.

2. Неврозсимон дудуқланиш - бу бош миянинг органик жароҳатланиши, бош миядаги турли хил ўсимталар, дизартрия, таянч ҳаракат аъзолари касалликлари, ДЦП натижасида пайдо бўлади

Дудуқланиш ўз вақтида бартараф этилмаса боланинг руҳий ривожланишига салбий таъсир этади. Бола ўз фикрини мустақил баён эта олмаслиги натижасида тенгдошлари билан мулоқотга кириша олмайди.

Мутахассислар нутқнинг ўз вақтида ривожланмаслиги ёки кескин секинлашувининг сабаблари жуда кўп эканлигини аниқлашган.

1. Ҳомиладорлик даври (перинатал даври);
2. Туғруқ даври (натал даври);
3. Туғруқдан кейинги давр (постнатал давр).

Нутқ нуқсонлари қуйидаги мезонлар асосида текширилади.

1. Гугулаш даври (3 ойликдан)
2. 1 ёш 6 ойликда 10-15 та сўз.
3. 2 ёшда 300 та сўз
3. 3 ёшда 1000 та сўз.

4. 6-7 ёшга келиб 4000 дан 5000 гача сўз луғат бойлигида бўлиши лозим.

Юқоридаги мезонлар асосида болаларнинг нутқидаги камчиликлар аниқланса, улар билан турли психокоррекцион ишларни ташкил қилиш лозим. Бунда албатта боланинг ёши, индивидуал – психологик жиҳатлари ва нутқ бузилишининг турлари инobatга олинади.

Нутқ нуқсонларини бартараф этиш бўйича тавсиялар бериб ўтамыз

1. Артикулция, нафас, майда қўл муқулларини ривожлантирувчи машқлар.

Келажагимиз пойдевори бўлган ёшларни эрганги куни қандай бўлиши, кўп жиҳатдан улар бугун қандай таълим-тарбия олаётганига, у яшаётган, нафас олаётган ижтимоий муҳитга боғлиқ. Шу жиҳатдан олиб қаралганда, бугун устоз, мураббий, ота-она, тарбиячи ва кенг жамоатчилик боланинг эртанги куни учун бирдек масъулдир.

Мактабгача ёш – ҳар бир инсон ҳаётида ўчмас, ўз-ўзини билиш асослари шаклланиши юз берадиган даврдир. Мазкур даврда боланинг билиш жараёни хусусий амалий йўл билан юзага келади. Шунинг учун ҳам мактабгача ёшдаги боланинг кенг тарқалган фаолиятлари – ўйин, мулоқот, предметли, тасвирий фаолият, меҳнат муҳим ўрин тутади. Айнан шу фаолиятлар жараёнида боланинг ақлий тараққиёти, ҳиссиёти, мантиқий тафаккур, ўз-ўзини назорат қилиш, ижодий тасаввур қабилар таркиб топади. Мактабгача ёшдаги боланинг тараққиёти унинг олам билан алоқаси яхши йўлга қўйилган ҳолда муваффақиятли кечади.

Ҳаётий тажрибалар шуни кўрсатадики, бу ёшдаги болалар, тақлидчан бўладилар. Улар оиладаги, кўча-кўйдаги ёши катта кишиларнинг юриш-туришлари, ўзини тутта билиши, кийинишлари, ўзаро муносабатлари ва барча хатти-ҳаракатларини кузатиб, уни ўзларига сингдириб борадилар.

Зеро, катталар бу масалага бефарқ қарамай ўзларини тарбиячи эканликларини унутмаган ҳолда ҳамма вақт ибратли бўлишга ҳаракат қилишлари лозим.

Биринчи президентимиз И.А. Каримов таъкидлаганидек: «Тарбиячи — устоз бўлиш учун бошқаларнинг ақл-идрокини ўстириш, маърифат зиёсидан баҳраманд қилиш, ҳақиқий ватанпарвар, ҳақиқий фуқаро этиб етиштириш учун, энг аввало, тарбиячининг ўзи ана шундай юксак талабларга жавоб бериши, ана шундай буюк фазилатларга эга бўлиши керак».⁶

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб шуни таъкидлаш жоизки, бугунги кунда Давлат талабларининг мақсади — мамлакатда ўтказилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни, хорижий мамлакатлар илғор тажрибаси ҳамда илм-фан ютуқлари ва замонавий информацион коммуникатив технологияларни инобатга олган ҳолда мактабгача таълим тизимида маънан мукаммал ва интеллектуал ривожланган шахсни тарбиялашдан иборат экан бола шахсини мазкур талабларга мувофиқ соғлом ва етук шахс сифатида шакллантириш давр талабидир. Бежиз бу таълим бўғинида халқнинг бой миллий, маданий мероси, халқ оғзаки ижоди ва умумбашарий қадриятлар асосида ақлий, маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш, миллий ғурур,

⁶ И.А. Каримов «Буюк келажагимизнинг ҳуқуқий кафолати»рисоласи

ватанпарварликни шакллантириш, билим олишга, ўқишга эҳтиёжни қондириш ҳамда руҳий соғлигини таъминлаш устувор вазифа сифатида белгилаб қўйилгани шубҳасиздир.

Демак, халқ оғзаки ижоди намуналари ёш авлоднинг маънавий-ахлоқий сифатларини шакллантириш хусусан, иродалик, ахлоқ қоидалари билан таништириб бориш, яхшини ёмондан, мумкинни мумкин бўлмагандан ажратиб олишга ўргатиш, ҳаётни севишга ундайди. Уларни бола қалбига сингдиришда мантиқий мулоҳаза юритиш, ибрат-намуна кўрсатиш, ўз фикрини далиллаш, хулоса чиқариш ва бошқалар орқали ижобий натижаларга эришилади.

Мақол ва маталлар халқ оғзаки ижодининг энг кўп тарқалган тури бўлиб, халқ донишмандларининг муҳим кўринишларидан биридир. Уларда халқ ҳаётининг тажрибаси ихчам, тиниқ, пухта, поэтик тарзда ифодаланган. Мақол ва маталларнинг катта ўқув-услубий, маънавий - маърифий аҳамияти бор. Улар кишиларни юксак ахлоқли, виждонли, меҳнатсевар, қаҳрамон бўлишга даъват этади.

Мақол ва маталлар ўзида ижтимоий, сиёсий, ахлоқий, дидактик ва бошқа кўплаб соҳаларни умумлаштиради. Тарбиячи олдида турган муҳим вазифа берилган мавзу бўйича мақолларни танлашдан иборат. Бу болаларда фикрлаш қобилиятини ўстирибгина қолмай, уларда мақолларнинг маъно моҳиятини чуқур тушунишга ҳам ёрдам беради.

Болаларда ватанпарварлик туйғусини тарбиялаш ўзбек халқ донишмандлигида кўзга кўринарли ўрин эгаллайди: “Булбул чаманни севар, Одам ватанини”, “Элдан айрилгунча, жондан айрил”, “Ўзга юртнинг султони бўлгунча, ўз юртнинг чўпони бўл!”

Бу мақол ва маталлар мазмуни Ватанга мухаббат хиссини кучайтиради, болаларни ватанга фидокорлик руҳида тарбиялайди. Яна шундай мақоллар, борки, уларда ватанни химоя қилувчи қаҳрамонлар мардлиги мадҳ этилади, душманларга, зolimларга нафрат уйғотилади. Шулар воситасида болаларда ботирлик туйғусини шакллантиришга эришилади: “Арслон изидан қайтмас, йигит сўзидан қайтмас”, “Мард йўлида ғов қолмас”, “Майдон – мардники”

Халқ донишмандлиги самимий дўстликни, ишда ҳамжихатлиликни маъқуллайди. Бу хусусда куйидаги мақоллар бор: “Дўстсиз бошим - тузсиз ошим”, “Бирлашган ўзар, айрилган тўзар”, “Айрилганни айик ер, бўлинганни бўри ер”.

Мақол ва маталлар меҳнаткаш халқ ақл-заковатининг маҳсули сифатида ҳозирги кунда ҳам ёшларимизнинг муҳокама доирасини кенгайтиришда, билим бойлигини оширишда дид ва зеҳнини ўткирлаштиришда муҳим маърифий-таълимий ва бадиий-эстетик аҳамиятга эга.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННЫХ ИСТОЧНИКОВ:

1. Бобомирзаев Х. “Халқ оғзаки ижоди ва унинг таълим-тарбиядаги самараси”. – Т.: Ўқитувчи, 1996.
2. Бекмуродов М. “Ўзбек менталитети”. – Т.: Янги аср авлоди, 2004.
3. Жабборов И. “Ўзбек халқ этнографияси”. – Т.: 1994.
4. Мирзаева С., Азизова Н. “Халқ оғзаки ижоди фанидан ўқув услубий мажмуа”. Андижон, 2013.

5. Муталипова М.Ж. “Халқ педагогикаси”. – Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси нашриёти, 2011.
6. М. Абдуллаева..”Топишмоқ ва унинг бола камолотида тутган ўрни”.Тошкент. 2018

Раббимов Музраф
техника фанлари номзоди, доцент в. б.,
Эшонқулова Шафоат
ўқитувчи
Жиззах давлат педагогика институти
(Джизак, Узбекистан)

МАСАЛА ЕЧИШ ОРҚАЛИ ЎҚУВЧИДА ТЕЖАМКОРЛИК ҲИСЛАТЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Аннотация: Ушбу мақолада бошланғич синф математика дарсларида иқтисодий тарбия бериш усуллари тадқиқ этиш ва уларга ижодий ёндашиш ҳамда масалалар ечиш орқали ўқувчиларда тежамкорлик ҳислатларини шакллантириш ҳақида гап боради.

Таянч иборалар: тежамкорлик ҳислатлари, иқтисодий тарбия, тежамкорлик сабоқлари, оила бюджети, тежамли ва саранжон – сариштали, ғоявий эътиқод ва матонат, касб –хунарга қизиқтириш.

Аннотация: В статье рассматриваются методы экономического воспитания на уроках математики в начальной школе и формирование у учащихся чувств экономного отношения посредством творческого подхода к решению задач.

Ключевые слова: качества бережливости, экономическое воспитание, уроки экономии, семейный бюджет, бережливость и аккуратность, идеологическое убеждение и настойчивость, заинтересованность к профессии.

Annotation: This article discusses the study of economic teaching methods in elementary mathematics lessons and the formation of traits in students through a creative approach and problem solving.

Key words: economic education, austerity lessons, family budget, care, ideological faith and perseverance, interest in the profession.

Бозор иқтисодиёти шароитида ёшлар ҳалқимизнинг умуминсоний меҳнат, миллий анъаналарини ўзлаштириб, ўзида катта авлоднинг энг яхши фазилатларини – ғоявий эътиқод ва матонатини, Ватанга муҳаббатни ўрганиши, республикамиз иқтисодий, сиёсий ва маънавий қудратини мустаҳкамлашда катта ёшдагиларнинг шахсий намуна бўлиши муҳим аҳамиятга эга.

Оила бошқа тарбиявий муассасалардан фарқли равишда инсоннинг бутун ҳаёти давомида унинг барча томонларига таъсир кўрсатишга қодирдир. Болаларни ҳаётни тушунишга, улар вояга етганларида кўрадиган қийинчилик ва муаммоларни тушунишга тайёрлаш зарур. Уйда етарли шароит яратиш, уйда тула мул – кўлчилик бўлиши болада мана шу мул – кўлчиликка, уни ўраб олган барча нарсаларга тўғри муносабатда бўлиши ва бўлмаслигига ўз таъсирини кўрсатади

Мазкур мақолада бошланғич синф математика дарсларида иқтисодий тарбия бериш усулларини тадқиқ этиш ва уларга ижодий ёндашиш ҳамда масалалар ечиш орқали ўқувчиларда тежамкорлик ҳислатларини шакллантириш мақсад қилиб қўйилган.

Гарчи қанча ота – она бўлса, шунча тарбия мактаби мавжуд бўлса-да, лекин ўз вақтида берилган маслаҳат, олиб борилган нозик кузатиш мутахассисларнинг тажрибаси ёш авлоднинг шаклланишида муҳим рол ўйнаши мумкин. Болаларни тежамкорлик ва иқтисод қилишга ўргатиш чиндан ҳам мураккаб. Бундай ўқувга, албатта осонликча эришилмайди. Чунки тежамкорлик шунчаки йиртмаслик, булғамаслик, ташлаб юбормаслик, синдирмаслик одати эмас. Бу аввало ахлоқий фазилат, маънавий маданият кўрсаткичидир. Бу фазилат бола уй учун, оила учун ясаган буюмидан астойдил меҳнат қилиш кўникмасигача уй бюджети қандай таркиб топишини тушунишига имкон яратади. Кейинчалик давлат маблағларини яхши ҳисоб – китоб қилиш ўқувига эга бўлади. Буларнинг барчаси оиладан бошланади. Тежамкорлик сабоқларини болалар катталарга қараганда тезроқ қабул қилади. Чунки болаларда одат бўлиб қолган кўникмалар йўқ. Маълумки, хилма –хил фаолият шароитида боланинг қобилиятлари энг самарали ривожланади, унинг ижобий имкониятлари очилади, болани оиладан бошқа қаерда ҳам фаолиятнинг хилма –хил турларига жалб қилиш мумкин? Оилавий тарбиянинг қимматлиги ва аҳамияти ана шундаки, кичик болалик пайтидан оилада эгаллаган нарсалар бир умр сақланиб қолади. Худди шунинг учун ота – оналарнинг болаларини ҳар томонлама тарбиялаш мажбурияти қонуний тарзда белгилаб қўйилган. Деярли кўпчилик тарбия сабр – тоқатни талаб этишни эътироф қилишади, айримлар бунинг учун туғма қобилият ва малака, яъни кўникма керак деб ўйлайдиалр; лекин жуда кам инсонлар сабр – тоқат, туғма қобилият ва малакадан ташқари яна махсус билимлар кераклиги ҳақида ишонч билан таъкидлайдилар.⁷

Замонавий оилада хўжаликни оқилона юритиш учун шахсий маданийликдан ташқари бир қатор махсус кўникмаларга эга бўлмоқ зарурдир. Бу оила хўжалигини оқилона бошқара билиш, исрофгарчиликка йўл қўймаслик, пулни жой – жойида сарфлашдан иборат. Бой бўлишнинг олтин қонуни, қилинадиган харажатлар қилинадиган даромаддан ошмаслиги шарт. Кимки, пулни ишлаб топишдан кўра, уни ишлатиш қийин деса, у инсон тез бой бўлади. Ўз уйида бекорга ёнаётган чироқни ўчирмайдиган, беҳуда оқаётган водопровод жўмрагини бураб қўймаган, пулни пала – партиш сарфлайверадиган, ахлат идишга нон ташлайдиган, ишлаб чиқаришда материалларни тежалмайдиганлар бой бўлиши мушкул.

Нон инсоннинг энг катта ихтироси бўлиб, унинг ёши 15000 йилга боради. Бундан 5000 йил аввал Қадимги Мисрда нон пиширишнинг янги даври бошланади. Ўша давр нонвойлари хамирни кўпчиатиш, билан ғовак – ғовак қилиб нон ёпишни ўрганиб олдилар. Замонавий нон ёпиш ҳам ханузгача ана шунга асосланади, “Оширилган хамирдан” нон ёпишни мисрликлардан греклар

⁷ А. Асимов, Ш. Жўраев, “Бошланғич таълимда иқтисодий тарбия муаммолари”, Илмий мақолалар тўплами, Фарғона 2011 – йил;

ўрганиб олишади. Буханка нон тайёрлаш учун зарур бўлган тунука қолип грекчасига “клибос” деб аталган, “хлеб” сўзи ана шундан олинган экан.⁸

“Нон ризқ – рўзимиз” деган сўз Ўзбекистонликларнинг қулоғига сингиб кетган. Шунинг учун нон инсонни зориқтирмайдиган даражада кўп ишлаб чиқарилади ва энг арзон баҳода сотилади. Ҳар бир инсон нонни эъзозлаши шарт, дон етиштирувчи деҳқон ва нон ёпувчи нонвой қадрига етиши зарур. Агар тўрт жондан иборат бир оила ҳар куни 100 граммлик нонни исроф қиладиган бўлса, бу бир йилда 36 килограмми ташкил қилади. Бу мамлакат миқёсида бир йилда 242 минг тонна нон демак. Шунинг учун “ноннинг увоғи ҳам нон” деб болалар қалбига сингдириш керак. Шуни ҳам ҳисобга олиш керакки, нон ёпиш оғир меҳнатдир. Ҳозирги даврда хонадонимизни музлаткичлар, кир ювиш машиналари, пол артгич, кофе майдалагичсиз тасаввур қилиш қийин. Електр энергиядан тежамли фойдаланиш фақат маиший электр асбобларидан фойдаланаётганларнинггина эмас, балки барчанинг вазифасидир. Ҳар бир инсоннинг онглилиги электр энергияни тежашнинг энг муҳим омилларидан бири бўлиб қолмоқда. Ҳозирги кунда мамлакатимизда 10 миллиондан ортиқ телевизорлар ўртача 4 соат ишласа, йилига 3 млрд. киловатт – соат электр энергияси сарф бўлади. Турмушда тежалган бир киловатт – соат электр 5 кг ўсимлик мойи, 14 кг ун, 30 кг нон – булка маҳсулоти ишлаб чиқариш учун етарлидир. Агар катталар болаларга шахсий намуна кўрсатиб умумий ва маҳаллий ёритгичларни рационал жойлаштириш билан йиллик электр энергия сарфини 7 – 10 миллион киловатт – соатга қисқартириш мумкин.

Ҳозирги кунда ҳар бир уйда стол лампалари ва қандиллар бор. Энг яхши ҳолда унинг лампаларини алоҳида – алоҳида ёқиш мумкин. Хонада шинамлик (комфорт) ошириш мақсадида маълум жойни ёритадиган стол лампаларидан фойдаланилса, электр энергияси тежалади. Электр энергияни тежаш учун аввал паст температурада дазмоллашни талаб қиладиган кийимларни дазмоллаб олиш керак.

Дунё аҳолиси сўнги 50 йил давомида 2,2 марта ортиб, сувга бўлган талаб 2,6 марта кўпайди, унинг 80 фоизи қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш учун сарфланмоқда. Турмушда сувни тежаш ҳисобига бир неча млрд. сўмни тежаш мумкин. Ер шаригадаги чучук сув захираси чекланган бўлиб, умумий ресурслар 2,5 фоизини ташкил қилади холос.

Маиший қулайлик қанча юқори бўлса, инсон омили шунчалик ҳал қилувчи бўлиб қолмоқда. Айтайлик, сувни қудуқдан челақлаб ташиб ишлатсак, ҳаёт учун зарур бўлган сув сарфи жон бошига 25 – 40 литрни ташкил этади. Санузеллар билан жиҳозланган водопроводдан фойдаланганда эса 150 – 200 литр ва ҳатто бундан ҳам ортиқ бўлади.

Болага оила бюджетининг нозик томонлари унинг ўзига таълуқли нарсалардан уни ҳабардор қилиш билан бошланади. Бола унинг учун олинадиган бир дона музқаймоқ билан бутун оила олинадиган батон ноннинг қиймати бир ҳил эканлигини билиш керак, болаларни конкрет мисоллар орқали қиёслашга баҳо беришга ўргатиш керак. Ота ва она болага энг аввало, ўзларининг касб – ҳунарларига қизиқтириш, ота пайвандлашни, она

⁸ М.А. Мирзааҳмедов, “Математика ва иқтисод”, Бошланғич таълим 2005 йил 4 – сони;

тиқувчиликни ва бошқа касбларни фарзандларига ўргата бориши аҳамиятлидир. Бу ёш инсонда тежамли ва саранжон – сариштали, ўз Ватани бойликларини эҳтиёт қила оладиган, инсон меҳнати билан яратилган нарсаларни қадрига етадиган қилиб тарбиялаш ҳамдир.

Математика дарсларида тежамкорликка ўргатувчи масалалар ечиш муҳим ўрин тутлади. Қўйида шундай масалалардан намуналар келтирамиз:

Масала 1. Ўқувчилар ўтган йили 4 т 7 ц темир – терсак тўплаган эди. Бу йилги тўпланган темир – терсак билан ҳаммаси 10 т 3 ц бўлди. Ўқувчилар бу йил қанча темир – терсак тўплашган?

Ечиш: Бу йил темир – терсак тўплашганлиги айириш амали билан топилади. $10 \text{ т } 3 \text{ ц} - 4 \text{ т } 7 \text{ ц} = 5 \text{ т } 6 \text{ ц}$. Шу маълумотлар асосида яна иккита масала тузиш мумкин:

а) ўқувчилар ўтган йили 4 т 7 ц, бу йил эса 5 т 6 ц темир – терсак тўплашган бўлса, улар икки йилда жами қанча темир – терсак йиғишган?

б) ўқувчилар бу йил 5 т 6 ц темир – терсак тўплашди. Ўтган йилги билан бирга ҳаммаси 10 т 3 ц бўлди. Ўтган йили қанча темир – терсак тўпланган?

Ечиш: а) $4 \text{ т } 7 \text{ ц} + 5 \text{ т } 6 \text{ ц} = 10 \text{ т } 3 \text{ ц}$

б) $10 \text{ т } 3 \text{ ц} - 5 \text{ т } 6 \text{ ц} = 4 \text{ т } 7 \text{ ц}$

Масала 2. Бузуқ жўмракдан бир соатда 18 л сув оқиб кетмоқда. Шу жўмракдан: бир суткада, 30 кунда қанча литр сув бекорга оқади?

Ечиш: а) жўмракдан 1 суткада қанча сув оқади?

$18 \text{ л} * 24 = 432 \text{ л}$

б) 30 кунда қанча сув оқади?

$30 * 24 = 720$

$720 * 18 \text{ л} = 12960 \text{ л}$.

Масала 3. Чевар аёл шогирд қизи билан биргаликда 4 соатда 68 та қийиқча тикди. Агар она 1 соатда 12 та қийиқча тикса, қизи 1 соатда нечта қийиқча тиккан? Масалани икки усулда ечинг.

Ечиш: а) она 4 соатда нечта қийиқча тиккан?

$12 * 4 = 48 \text{ та}$.

б) қизи 1 соатда нечта қийиқча тиккан?

$68 - 48 = 20$

$20 : 4 = 5 \text{ та қийиқча}$.

Масала 4.1) агар 1 га ерда 1 кг дан пахта ҳосили чаноқларда қолиб кетса, 1 000 000 га ердан қанча ҳосил йўқотамиз?

2) агар 1 га ерда 1 кг дан ғалла қолиб кетса, 100 000 га ердан қанча ғалла йўқотамиз?

3) агар 1 га ерда 100 кг картошка қолиб кетса, 100 га ердан қанча картошка йўқотамиз?

Ечиш: 1) 1 000 000 кг – 1000 тонна

2) 100 000 га – 100 тонна

3) $100 * 100 = 10\,000 \text{ кг} = 10 \text{ тонна}$

Масала 5. Бир туп дарахтдан 100 кг қоғоз тайёрлаш мумкин, дейлик. Агар 4 – “А” синф ўқувчилари 1380 кг ва 4 – “Б” синф ўқувчилари 1520 кг қоғоз қийқимлари тўплаган бўлса, ҳаммаси бўлиб неча туп дарахт кесишдан сақлаб қолинган?

Ечиш: а) 4 – “А” синф ўқувчилари неча туп дарахтдан қоғоз тайёрлашган?

4 – “Б” синф ўқувчиларичи?

$$1380 + 1520 = 2900$$

$$2900 : 100 = 29 \text{ туп.}$$

Жавоб: 29 туп дарахт.

Масала 6. Агар оила бир кунда 1 метр куб газни тежаса, у бир ойда қанча газни тежайди? 1 метр куб газ 250 сўм бўлса, оила 1 ойда қанча оила даромадини тежайди?

Ечиш: а) 1 ойда оила 30 куб метр газни тежайди.

б) Оила 1 ойда қанча пулни тежайди?

$$30 * 250 = 7500 \text{ сўмни тежайди.}$$

Хулоса қилиб айтганимизда, математика дарсларида иқтисодий тарбия бериш ўқувчиларнинг тежамкорлик ҳислатларини шакллантиради, келгусидаги билимларини онгли ўзлаштиришига ҳамда кундалик турмушдаги ҳаётий фаолиятга тайёрлайди.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. А. Асимов, Ш. Жўраев, “Бошланғич таълимда иқтисодий тарбия муаммолари”, Илмий мақолалар тўплами, Фарғона 2011 – йил;
2. М.А. Мирзааҳмедов, “Математика ва иқтисод”, Бошланғич таълим 2005 йил 4 – сони;
3. Д. Юсупхўжайева, “Иқтисодий тарбияни шакллантириш”, Бошланғич таълим 2004 йил 3 – сони;

Фарсахонова Д. Р.
ЖДПИ катта ўқитувчиси,
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
(Джизак, Узбекистан)

ТАЛАБАЛАРНИ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ТАРБИЯЛАШ МЕТОДИКАСИ

Резюме. *Мазкур мақолада педагогика олий таълим муассасалари талабаларини маънавий-ахлоқий тарбиялаш механизмлари, хусусан талабаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг мақсади, мазмуни, жараёни, баҳоловчи мезонлари тўғрисида фикр юритилади.*

Калит сўзлар: *талаба, ахлоқ, тарбия, маънавий-ахлоқий тарбия, маънавий-ахлоқий тарбиялаш механизмлари, маънавий-ахлоқий тарбия мақсади, мазмуни, жараёни, баҳоловчи мезонлари.*

Резюме. *В данной статье описываются механизм духовно-нравственного воспитания студентов педагогических высших образовательных учреждений, в том числе цели, содержание и критерии оценки духовно-нравственного воспитания студентов.*

Ключевые слова: *студент, нравственность, воспитание, духовно-нравственного воспитания, механизм духовно-нравственного воспитания, цели, содержание и критерии оценки духовно-нравственного воспитания.*

Resume: *This article discusses the mechanisms of spiritual and moral upbringing of students of pedagogical higher education institutions, in particular the purpose, content, process and evolution criteria of spiritual and moral education of students.*

Key words: *student, morals, education, spiritual and moral upbringing, mechanisms of spiritual and moral upbringing, in particular the purpose, content, process and evolution criteria of spiritual and moral education.*

Мамлакатимизда баркамол авлодни шакллантириш, ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмонан соғлом этиб тарбиялаш, уларни олиб борилаётган ислохотларнинг фаол иштирокчисига айлантиришга қаратилган чора-тадбирлар изчил амалга оширилмоқда. Бу эса ҳаётий мақсадларига эга ва иродали, ўз қадрини биладиган инсонларни тарбиялаш имкониятини беради. Таълим ва тарбия мунтазам равишда замон талабларига мос ҳолда ривожланиб, янгиланиб бораверади. Шу ўринда узлуксиз таълим шароитида ижтимоий ҳаётнинг барча жаҳаларида ўзлигини намоён қила оладиган компетент кадрларни тайёрлаш вазифаси устиворлик касб этади. Замонавий таълим моделига асосланган ҳолда Давлат таълим стандартлари қайтадан кўриб чиқилди. Такмиллаштирилган Давлат таълим стандартлари, малака талабларида таълим олувчиларда таянч ва предметга оид умумий компетенцияларни шакллантириш кўзда тутилган.

“Таянч компетенциялар – инсон ким ва қандай касб эгаси бўлишидан қатъий назар, шахс ҳаётида, касбий фаолиятида, ижтимоий муносабатларда муваффақиятли бўлиши учун эгаллаши лозим бўлган лаёқатлар, қобилиятлар

ва ҳаётий кўникма ва малакалар мажмуидан иборат. Бунда ҳар бир шахс коммуникатив бўлиши, ахборот билан ишлай олиши, шахс сифатида ўз-ўзини ривожлантириши, ижтимоий фаол фуқаро бўлиши, умуммаданий хислатларга эга ва фан-техника янгилликларидан хабардор бўлиши назарда тутилади”⁹. Педагогика олий таълим муассасалари талабаларини маънавий-ахлоқий тарбиялашда шахс сифатида ўз-ўзини ривожлантириш, ижтимоий фаол фуқаролик, миллий ва умуммаданий компетенцияларни ривожлантириш муҳим ҳисобланади.


Педагогика олий таълим муассасалари талабаларини маънавий-ахлоқий тарбиялашда шахсга йўналтирилган таълим-тарбия технологияларини амалга ошириб бориш ижобий натижа беради. Шахсга йўналтирилган таълим-тарбия жараёнида маънавий-ахлоқий тарбия тузилмаси алоҳида ўрин тутади. Чунки, маънавий-ахлоқий тарбия тузилмасининг барча компонентлари бевосита шахсга йўналтирилган бўлиб, унинг марказида талаба шахси туради

Мунтазам олиб бориладиган мураккаб ва изчил давом этадиган жараён натижасида ёшларда бир қанча маънавий-ахлоқий фазилатлар шаклланади. Фазилатлар инсоннинг ижобий ахлоқий сифатлари мажмуидан иборат. Олиб борилган маънавий-ахлоқий тарбия натижасида педагогика олий таълим муассасалари талабаларида қуйидаги бир қанча ижобий фазилатлар ривожлантирилади: инсонпарварлик, ватанпарварлик, миллатпарварлик, адолатлилик, ҳалоллик, ростгўйлик, хушмуомалалик, боодоблик, камтарлик, босиқлик, хушфезллик, камсуқумлик, ширинсуҳанлик ва бошқалар.

Булар асосида педагогика олий таълим муассасалари талабаларининг маънавий-ахлоқий фазилатларга эга бўлиши ва етук мутахассис бўлиб Она Ватанга хизмат қилиши учун улар олдига қуйидаги талаблар қўйилади. Агар улар: ўз ўзига талабчан бўлишса; ўзини назорат қила олишса; ўзгаларни ҳурмат қила олишни ўрганса; доимо камтарлик йўлини тута олса; ўзига бўлган ишончи юқори бўлса; ибоби-ҳаёли бўлишса; ҳалол ва адолатпарвар бўлишса; самимий ва бегараз бўлишса; ўзгалар меҳнатини қадрлай олишса; касбий ва маънавий билимларни доимо эгаллаб боришса; ўз манфаатларини Ватан манфаатлари билан уйғун ҳолда кўра олса; камолга эришишга интилса; барча ахлоқ қоидаларига бўйсунса; интеллектуал салоҳиятли баркамол шахс, етук мутахассис бўлишга астойдил интилса, ҳаракат қилса улар маънавий-ахлоқий етук касбий компетентли мутахассис бўлиб камол топади.

⁹ Асадов Ю.Н. ва бошқ. Ўқувчиларда компетенцияларнинг шаклланганлигини ташхислаш ва коррекциялар методикалари // Тошкент: Т.Н.Қори Ниёзий номидаги ЎПФИТИ, 2016. – 160 б. (4-5-б).

(1-расм).




1-расм. Маънавий-ахлоқий тарбия тузилмаси

Бўлажак педагог мутахассисларни тайёрлаш жараёнида ҳар бир фанни ўқитиш мобайнида талабаларга таълим бериш билан бирга уларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаб бориш муҳим ҳисобланади. Чунки, бугунги педагогика олий таълим муассасалари талабаси келгусида ёш авлодни ҳар жиҳатдан етук қилиб тарбиялашлари учун айни вақтда бўлажак ўқитувчиларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясини такомиллаштириб, маънавий-касбий баркамол шахс қилиб тарбиялаш лозим. Бунинг учун эса ушбу соҳага шахсга йўналтирилган таълим-тарбия методларини ва замонавий фан-техника ютуқларини кенг қўллаш, хусусан, ахборот-коммуникацион технологиялардан ҳамда тарбиянинг самарали усул ва воситаларидан, маънавий-ахлоқий

мавзудаги суҳбатлар, учрашувлар ва баҳс-мунозаралар уюштириш, танловлар ва тарбиявий тадбирлар ўтказишдан унумли фойдаланиш ўзининг ижобий педагогик самараларини беради.

Педагогика олий таълим муассасалари талабаларини маънавий-ахлоқий тарбиялаш механизмини такомиллаштириш қуйидаги модел асосида амалга оширилиши назарда тутилган (1-расм).



2-расм. Педагогика олий таълим муассасалари талабаларини маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг мантикий-тузилмавий модели

Мазкур модел асосида педагогика олий таълим муассасалари талабалари маънавий-ахлоқий сифатларини тарбиялаш методикасини такомиллаштириш имконияти яратилади. Унинг компонентларидан стратегик мақсаднинг тўғри қўйилиши тарбиявий иш самарадорлигининг оширилишини таъминлашга хизмат қилади. Диссертацияда аввало ижтимоий эҳтиёждан келиб чиқиб, яъни талабаларни маънавий-ахлоқий сифатларини тарбиялаш зарурати, “Педагогика” таълим соҳаси давлат таълим стандарти ва малака талаблари, буюртмачи талаблари асосида педагогика олий таълим муассасалари талабалари маънавий-ахлоқий сифатларини тарбиялаш методикасини такомиллаштириш хусусий мақсад қилиб олинган.

Ушбу кўзланган мақсадга асосланиб, иш юритиш режалаштирилган ва процессуал жараён амалга оширилган. Малака талаблари асосида педагогика олий таълим муассасалари “Бошланғич таълим ва спорт тарбиявий иш” йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолият турларига педагогик, илмий-тадқиқот, маънавий-маърифий, ташкилий-бошқарув фаолиятлари киради. Диссертацияда талабаларни айнан мана шу фаолият турларидан педагогик ва маънавий-маърифий фаолиятга тайёрлаш кўзда тутилган. Маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбияланган педагог кадрлар келгусида ўз ўқувчиларини ҳам маънавий-ахлоқий жиҳатдан етук қилиб тарбиялашга ҳаракат қиладилар. Тадқиқотда талабаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашда шахсга йўналтирилган, фаолиятли ва компетентли ёндашувлардан фойдаланилди. Тадқиқот доирасида тарбиявий ишлар методикаси фанидан маъруза, семинар машғулотлари ҳамда мустақил таълим жараёнида, оммавий тарбиявий тадбирларда аудио ва аудиовизуал воситалардан, электрон таълим ресурсларидан фойдаланилди. Унда талабаларнинг маънавий-ахлоқий тарбияга оид билим, кўникма, малакалари ҳамда маънавий-ахлоқий сифатларнинг ривожланганлиги эса когнитив, жараёнли ва натижавий мезонлар асосида аниқланди. Когнитив – билишга доир; жараёнли – фаолиятга доир; натижавий – эгаллаган билим ва кўникмаларини амалда қўллай олишга доир мезон сифатида белгиланди. Талабалар маънавий-ахлоқий сифатларини ривожлантириш тизими самарадорлиги намунали, яхши, қониқарли даражалари асосида белгиланди. Агар натижа паст даража кўрсаткичида бўлса коррекция ишлари, яъни бу ўринда талаба билан индивидуал-психологик ишлар олиб борилади. Натижа юқори кўрсаткичда бўлса ижтимоий-маданий компетенцияга эга мутахассис тайёрлашга эришилганлиги ўз тасдиғини топади.

Талабалар маънавий-ахлоқий сифатларини ривожлантиришда таълим мазмуни алоҳида аҳамият касб этади. Бинобарин, таълим мазмуни муайян фанлар бўйича ўзлаштирилиши назарда тутилган илмий билимларни назарда тутади. Энг муҳими, шахсининг интеллектуал салоҳиятини шакллантириш, одоб-ахлоқи, ижтимоий ҳаётга ва меҳнатга бўлган бўлган муносабатини онгли равишда таркиб топтириш жараёни моҳиятини ҳам ўзида мужассамлаштиради. “Тарбиявий ишлар методикаси” фани мазмуни, мавзуларни ўрганишга доир ёндашувлар талабаларда шакллантириладиган муайян компетенциялар асосида маънавий ахлоқий сифатларни ривожлантиришга хизмат қилади (1-жадвал).

1-жадвал

“Тарбиявий ишлар методикаси” фанидан ўтиладиган мавзулар бўйича компетенциявий ёндашув асосида талабаларда ривожлантириладиган маънавий-ахлоқий сифатлар

№	Мавзу номи	Мазмуни	Методлар	Компетенциявий ёндашув	Маънавий-ахлоқий сифатлар
1	“Тарбиявий ишлар методикаси” фанининг мақсад ва вазифалари	Фаннинг мақсад ва вазифалари, мазмун-моҳияти	Ассесмент, муаммоли таълим, БББ	Ўзини-ўзи маънавий ривожлантириш, ватанга садоқатли бўлиш	Инсонпарварлик, ватанпарварлик, вазминлик, болаларга муҳаббат
2	Миллий тарбиянинг мазмуни ва моҳияти	Миллий тарбияда маънавий қадриятларнинг ўрни, ахлоқий тарбия	Концептуал жадвал, “Қадам-бақадам” тренинги	камолотга интилиш; миллий қадриятларга эътиқодли бўлиш	миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқлик,
3	Тарбия усуллари ва шакллари	Тарбия тарбия методларини танлаб олиш шартлари	SWOT-таҳлил, Қарорлар шажараси	Ўзини-ўзи интеллектуал ва креатив ривожлантириш	болалар ҳақида қайғуриш, меҳнатсеварлик, фидойилик
4	Тарбия жараёнини ташкил этиш шакллари.	тарбия технологияси, тарбиявий тадбирлар	Кейс-стади, Гугурт доначалари	мустaqил қарор қабул қила олиш; жамиятдаги жараён-ларга дахлдорликни ҳис қилиш	Меҳрибонлик, болажонлик, инсонпарварлик, фидойилик, иродалилик
5	Мақтабдаги тарбиявий ишлар тизимида синф раҳбарининг фаолияти	Тарбиявий жараёнда синф раҳбарининг тугган ўрни, унинг бурчи ва вазифалари	Ўзингизни текшириб кўринг..., Панорама тренинги	мустaqил ўқиб-ўрганиш, ўз хатти-ҳаракатини муқобил баҳолаш; ораста кийиниш	инсонпарварлик, ширинсуханлик, тартиблилик, талабчанлик, уддабуронлик, фидойилик
6	Синф раҳбарининг тарбиявий фаолият самарадорлиги ва ни ошириш усуллари	Синф раҳбари маънавий қиёфаси, синф тарбиявий соатлари	Ассесмент, Нилуфар гули	Ўзини-ўзи кретив ривожлантириш, инсонларга меҳр-оқибатли бўлиш, маданий қондаларга амал қилиш	хушфёллилик, болаларга муҳаббат, меҳнатсеварлик, фидойилик, тартиблилик
7	Жамоа ҳақида умумий тушунча. Жамоани ташкил этиш методикаси	жамоа ишини ташкил этишда синф раҳбарининг ўзига хос хусусиятлари	Венн диаграмма-си, Кейс-стади	Жамиятдаги воқеа-ҳодисаларга дахлдорликни ҳис этиш, меҳнат ва фуқаролик муносабатларида муомала маданиятига эга бўлиш	Инсонпарварлик, хушфёллилик, ҳамдардлик, меҳнатсеварлик, фидойилик, тартиблилик, талабчанлик.
8	Синф жамоасини ташкил этиш ва тарбиялаш	Синф жамоасини ташкил этиш ва тарбиялаш, тарбиявий ишлар шакллари	Ролли ўйинлар, “Контакт” тренинги	Камолотга интилиш, соғлом турмуш тарзига амал қилиш	талабчанлик, меҳрибонлик, болажонлик, вазминлик., фидойилик.

Бўлажак педагог мутахассисларни тайёрлаш жараёнида ҳар бир фанни ўқитиш мобайнида талабаларга таълим бериш билан бирга уларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаб бориш муҳим ҳисобланади. Чунки, бугунги педагогика олий таълим муассасалари талабаси келгусида ёш авлодни ҳар жиҳатдан етук қилиб тарбиялашлари учун айтилиб вақтда бўлажак ўқитувчиларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясини такомиллаштириб, маънавий-касбий баркамол шахс қилиб тарбиялаш лозим. Бунинг учун эса ушбу соҳага шахсга йўналтирилган таълим-тарбия методларини ва замонавий фан-техника ютуқларини кенг қўллаш, хусусан, ахборот-коммуникацион технологиялардан ҳамда тарбиянинг самарали усул ва воситаларидан, маънавий-ахлоқий мавзудаги суҳбатлар, учрашувлар ва баҳс-мунозаралар уюштириш, танловлар ва тарбиявий тадбирлар ўтказишдан унумли фойдаланиш ўзининг ижобий педагогик самараларини беради.

Талабаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашни такомиллаштириш учун бу соҳада илм-фаннинг энг сўнги ютуқларидан фойдаланиш лозим бўлади. Бунда ахборот-коммуникацион технологиялар хизмати бекиёс. Бунинг учун педагогика олий таълим муассасалари талабаларини маънавий-ахлоқий тарбиялашни таъминлаш мақсадида «Бошланғич таълим ва спорт тарбиявий иш» йўналишида умумий педагогика фанини ўқитиш жараёнида фойдаланиш учун «Ахлоқ» номли электрон ўқув қўлланма тайёрланган. Электрон ўқув қўлланмани ишлаб чиқишдан мақсад кам вақт сарфлаб катта ҳажмдаги маълумотларга эга бўлиш, муаммога мос маълумотларни оператив ҳолатда қўлга киритиш ва энг асосийси талабаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг оптимал вариантини ташкил этишдан иборатдир.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННЫХ ИСТОЧНИКОВ:

1. Мирзиёев Ш. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. 592 б. (27-28-бет)
2. Асадов Ю.Н. ва бошқ. Ўқувчиларда компетенцияларнинг шаклланишини ташхислаш ва коррекциялар методикалари // Тошкент: Т.Н.Қори Ниёзий номидаги ЎПФИТИ, 2016. – 160 б. (4-5-б).
3. Фарсаханова Д.Р. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларига маънавий-ахлоқий тарбия бериш технологияси (ўқув-услубий қўлланма). – Тошкент: Fan va texnologiyalar. 2009. – 104 б.
4. Farsakhanova, D. (2020). Improvement of the methodology of spiritual and moral education of students of pedagogical institutions. Архив Научных Публикаций JSPI.
5. Farsakhanova, D. (2020). Improvement of the methodology of spiritual and moral education of students of pedagogical institutions. Архив Научных Публикаций JSPI.
6. Farsakhanova, D. (2020). Students' Moral Education Technology. Архив Научных Публикаций JSPI.
7. Farsakhanova, D. (2020). Механизм духовно-нравственного воспитания студентов педагогических вузов. Архив Научных Публикаций JSPI.

8. Farsakhanova, D. (2020). Организационно-структурная модель нравственного воспитания студентов. Архив Научных Публикаций JSPI.
9. Farsakhanova, D. (2020). The role of educational methods in the spiritual and moral upbringing of students. Архив Научных Публикаций JSPI.

Atajonova Anorgul
f.f.n., dotsent,
Saburov Erkin

Ta'lim va tarbiyaviy ishlar nazariyasi va metodikasi (boshlang'ich ta'lim)
mutaxassisligi 2-bosqich magistiri
(Urganch, O'zbekiston)

BOSHLANG'ICH SINIF "O'QISH KITABI" DAGI MAQOLLARNI O'QITISH
ORQALI O'QUVCHILAR NUTQINI O'STIRISH

Annotatsiya. Mazkur maqolada boshlang'ich sinf o'qish darslarida xalq og'zaki ijodi namunalarini o'qitish orqali o'quvchilar nutqini o'stirish masalasi o'rganiladi. Unda maqollarni o'rganish orqali o'quvchilarning lug'at boyligini oshirish yo'llari ko'rsatiladi.

Kalit so'zlar: boshlang'ich ta'lim, o'qish darsi, xalq og'zaki ijodi, maqol, og'zaki nutq, nutq o'stirish, lug'at boyligi.

Аннотация. В этой статье рассматривается, как улучшить речь учащихся с помощью преподавания фольклора в начальной школе. В нем показаны способы увеличения словарного запаса учащихся за счет изучения пословиц.

Ключевые слова: начальное образование, уроки чтения, фольклор, пословицы, устная речь, развитие речи, словарный запас.

Annotation. This article examines the problem of developing students' speech through the teaching of folklore in primary school. It shows ways to increase students' vocabulary through the study of proverbs.

Keywords: primary education, reading lessons, folklore, proverbs, oral speech, speech development, vocabulary.

Hozirgi davrda mamlakatimizda shaxsni intellektual, ma'naviy-axloqiy, ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirishning muhim shartlaridan biri ta'lim tizimini shaxsga yo'naltirilgan ta'lim konsepsiyasi va kompetensiyaviy yondashuv asosida tashkil etishdan iborat. Ta'lim tizimidagi rivojlanish jamiyat taraqqiyotining negizini tashkil etadi. Buning uchun muntazam tarzda ta'lim tizimida qo'llaniladigan innovatsion texnologiyalarni o'zlashtirish, shu orqali o'quvchilarning kompetensiyalarni egallash jarayonlarini jadallashtirish, ularni rivojlanayotgan jamiyat talablariga moslashtirish taqozo etiladi.

Hozirda ta'lim-tarbiya tizimida asl milliy qadriyatlarga tayanish tobora qaror topib bormoqda va ko'ngil tarbiyasiga, ya'ni inson ma'naviyatini shakllantirishga birlamchi vazifa sifatida yondashish ustuvor bo'lib bormoqda. Binobarin, yosh avlodni yoshligidan ma'naviyatli qilib tarbiyalashga e'tibor etib borilsa, u o'zining katta samarasini beradi.

Ma'lumki, boshlang'ich ta'lim insonning bilim va tarbiya olishida poydevor vazifasini o'taydi. Boshlang'ich siniflardagi ona tili ta'limi sohasining asosiy maqsadi bolalarning yosh xususiyatlarini e'tiborga olgan holda og'zaki va yozma nutqini hamda tafakkurini o'stirish, ularni shaxs sifatida shakllantira borishni amalga

oshirish, ularda bilim olishga bo'lgan qiziqishni o'stirish, faollik, mustaqillik, mehnatsevarlik, qiyinchiliklarni yenga olish qobiliyatlarini o'stirish hisoblanadi. Bolarni aqliy va nutqiy qobiliyatlarini muvaffaqiyatli o'stirish kelgusida fanlarni puxta o'zlashtirishga imkoniyat yaratadi. Ayniqsa, "O'qish va nutq o'stirish" dasturi asosida tashkil qilinadigan boshlang'ich sinif o'qish darslari o'quvchilarni har tomonlama rivojlangan ma'naviyatli inson qilib tarbiyalashda alohida o'rin tutadi. Boshlang'ich sinflarning "O'qish kitobi" darsligi "O'qish va nutq o'stirish" dasturiga ko'ra Davlat ta'limi standarti talablariga javob beruvchi konsepsiya asosida tuzilgan. Unda g'oyaviy, tematik, estetik, qisman mavsumiy tizimlar tarbiya manbai hisoblangan. U o'z navbatida bolaning tevarak atrofdagi voqelikni idrok etishni ko'zda tutadi. Darsliklarda o'quvchilar sevib o'qiydigan xalq og'zaki ijodi asarlariga ham keng o'rin berilgan.

Boshlang'ich sinf o'quv dasturlari o'qish darslari oldiga o'quvchilarning nutqiy malakalarini shakllantirish vazifasini qo'yadi. Bunday vazifalarni to'laroq amalga oshirishda xalq og'zaki ijodi materiallari katta ahamiyatga ega. O'quvchilar tabiatan maqol, topishmoq va ertaklarni sevadilar, ularni zo'r qiziqish bilan o'qib o'rganadilar. Bundan tashqari xalq og'zaki ijodi qadimdan tarbiya manbai hisoblangan. Shuningdek, o'quvchilar nutqini o'stirishda, ularning lug'at boyligini oshirishda ham xalq og'zaki ijodi namunalari katta o'rin tutadi.

Xalq og'zaki ijodining eng qadimiy janrlaridan biri maqollardir. Maqol xalqning ko'p asr mobaynida ijtimoiy-iqtisodiy, siyosiy va madaniy hayotda to'plagan tajribalari, kuzatishlari asosida yuzaga kelgan ixcham chuqur mazmunga ega bo'lgan og'zaki ijod janridir. Maqol atamasi arabcha –qavlun- gapirmoq, aytmq, bir xilda tushuniladigan ibora, ifodalar, asosan, maqol janrini tashkil etadi. Maqol xalq ommasining muayyan voqea, hodisalar haqidagi xulosalari, hukmi va tavsiyalarini mujassamlashtirgan o'ziga xos badiiy shaklga ega bo'lgan ifoda va iboralardan iborat.

Har bir maqol kishiga izchil g'oyaviy yo'nalish beradi, undagi ideallarning yuksalishiga ko'mak beradi. Haqiqiy xalq maqolida mehnatkash omma manfaatlari, ideallari aks etar ekan, maqolga murojaat etgan har bir kishi o'z xalqi va vatanigga ilk mehr bilan qarashga o'rganadi, adolat va ozodlik, mardlik va bahodirlik, insonparvarlik va do'stlik, tinchlik va mehnatsevarlikka intiladi.

Boshlang'ich sinflarda maqollarni o'rganish orqali o'quvchilar og'zaki nutq o'stiriladi hamda o'quvchilarda insoniy fazilatlar shakllantiriladi. Bunda quyidagilarga e'tibor beriladi:

1) maqollar tajribada sinalgan fikrni tasdiqlaydi. Masalan: "Hunarli kishi xor bo'lmas" (1-sinf), "Hunar bo'lsa qo'lingda, non topilar yo'lingda" (3-sinf), "Yolg'iz otning changi chiqmas, Changi chiqsa ham dong'i chiqmas" (4-sinf) maqollarida hunari orqasidan kishining yaxshi turmush kechirishi hamda kishilar orasidagi ahillikning ahamiyati ifodalangan;

2) tabiatda sodir bo'lgan voqea va hodisalarni jamiyat hayotiga (ko'chma ma'noda) bog'laydi. Inson uchun uning zarurligi ochiladi. Masalan:

Bog'ni eksang bog' bo'ladi,

Botmon dahsar yog' bo'ladi.

Boqimsiz bog' tog' bo'ladi.

Yurak-bag'ring dog' bo'ladi;

3) maqol mazmunida narsalarning o'ziga xos xususiyati, mohiyati ochiladi va bu inson hayotiga ham bog'liq holda, ma'no jihatidan tarbiya mazmunini beradi. Masalan: "Do'stsiz boshim-tuzsiz oshim" (4-sinf), "Bulbul chamanni sevar, odam Vatanni" (1-sinf);

4) maqollardagi muhokama va tafsilot inson, jamiyat va ayrim predmetlarning mohiyatini eslatish bilan birga, o'quvchilar fikrini uyg'unlashtiradi, tarbiyaviy ta'sir ko'rsatadi. Masalan: "Ona yurtning- oltin beshiging" (4-sinf), "Erinchoqlik boshga balo keltirar" (4-sinf).

Maqollar badiiylikka ega bo'lib, ma'lum ohangda o'qiladi, bu esa maqol mazmunining o'quvchi ongiga oson etib borishini ta'minlaydi. Maqollardagi ohangdorlik - ayrim undosh tovushlvr, ayrim so'zlarning takrorlanishi yoki qofiyalanishi tufayli tug'ilgan. Masalan:

Aql yoshdan-odob-boshdan (4-sinf)

Oltin-kumushning eskisi bo'lmas,

Ota-onaning bahosi bo'lmas.(3-sinf)

Ammo ba'zi maqollar birgina gapdan iborat bo'ladi. Masalan: "Ko'p o'qigan ko'p bilar" (3-sinf), "Farzand –belning quvvati" (3-sinf).

Axloq, odob bahsidagi maqollarni tahlil etish orqali xalqning hukmi ifoda etuladiki, bu maqollarni o'rganish orqali o'quvchilar asrlar davomida avloddan-avlodga o'tib kelayotgan eng oliyanob fazilatlar haqida fikrga ega bo'ladi. Jumladan, "Ochko'zlik yomon odat, Keltirar u falokat" maqoli mazmuni 1-sinfda "Ochko'z sichqon" ertagi mazmuniga bog'lab o'rgatiladi. Bunda ochko'zlik insonni halokatga eltuvchi narsa ekanligi, nafsibalolik oxir-oqibat kulfat keltirishi tusuntiriladi. O'quvchilar bunday xislatga ega bo'lmasligi uqitiriladi. Ertak mazmunidan xulosa chaqartiriladi. Ertak va maqol mazmuni bilan bog'liq bir qator lug'aviy birliklar bilan o'quvchilar lug'ati boyitiladi.

Ilm-fanni egallashga, hunar olishga yo'naltiruvchi maqollar o'quvchilarning bilim olishga bo'lgan ishtiyoqini oshiradi, kasb-hunarga bo'lgan qiziqishni kuchaytiradi. Zero, komillik belgisi eng avvalo ilmlilik va biron-bir hunarning mohir egasi bo'lish bilan ham belgilanadi. "Bilimdan ortiq boylik yo'q", "Bilgan o'qir, bilmagan to'qir", "Aqlning qayrogi-bilim" (1-sinf), "Bilim-baxt keltirar"(2-sinf), "Bilagi zo'r birni yiqar, bilimi zo'r mingni", "Ko'p o'qigan ko'p bilar", "Ilm olish- nina bilan quduq qazish", "Bir yigitga qirq hunar oz", "Hunar o'rganish uchun ham hunar kerak" (3-sinf), "Olim bo'lsang, olam seniki", "Hunar bo'lsa qo'lingda, non topilar yo'lingda", "Ilm-aql chirog'i"(4-sinf) kabi maqollarni o'rganish jarayonida o'quvchilarga ilm olishning afzalliklari, bilim hamisha insonni yuksaklikka eltuvchi vosita ekanligini, shuning uchun o'quvchilar hozirdanoq bilim olishga qunt bilan kirishishlari zarurligi uqitiriladi. Ilmi va bilimi orqasidan yurtimizda e'zoz topayotgan kishilar misolida bu maqollarning mazmuni ustida ishlanadi.

Maqollarni anglatgan ma'nolarini ochishda yil fasllari, har xil mavsumlar va hunarlarning nomlarini ham hisobga olish foydalidir. Ular o'quvchilarning lug'at boyliklarini oshiradi, so'zlarni ko'plab o'zlashtirishlariga olib keladi. O'qituvchi maqol mazmunini so'zlashdan oldin, uni ifodali o'qib beradi. Shundan so'ng o'qish texnikasini yaxshi egallagan o'quvchilarning ikki-uchtasi maqolni o'qiydi.

Ayrim o'quvchilardan maqol mazmuni so'raladi. O'qituvchi maqol yozilgan slaydni namoyish etadi va o'qish texnikasini yaxshi egallamagan 2-3 o'quvchiga ifodali o'qitadi. O'quvchilarning ifodali o'qishdagi ayrim nuqsonlar izohlanadi, so'z

maqollar mazmunan tahlil etiladi. Masalan: o'qituvchi "Yaxshidan bog' qoladi, Yomondan dog'" maqolini o'qishda quyidagilarga amal qiladi:

1. Birinchi misradagi yaxshidan so'zi ikkinchi misradagi yomondan so'zlaridan farqli (ohang jihatidan) ravishda o'qiladi.

2. O'qituvchi maqolni o'qish jarayonida, birinchi misradan so'ng qisqa pauza qiladi.

3. Ifodali o'qish jarayonida yaxshi, yomon, bog', dog' so'zlarini doskaga yozib boradi. Shu talablarga asosan, o'rganilgan maqol o'quvchilarda ifodali o'qish uchun zamin tayyorlaydi. Shuningdek, yaxshi insonlar, ezgu fazilatlar egasi doimo xalq orasida ehtiram bilan tilga olinishi, u keyingi avlodlarga ham o'z yaxshi fazilatlarini bila o'rnak bo'lishi tushuntiriladi. Chunki bog' hamisha yashnab turadigan, o'z ne'matlari bilan barchani xushnud qiladigan maskandir. Yomonlik ham unutilmaydi, binobarin u o'zidan og'riqli iz qoldiradi. Bu og'riq inson qalbida dog' misoli bo'ladi. Shuning uchun har bir inson faqat yaxshilik qilishga, ezgu ishlarni amalga oshirishga harakat qilishi lozimligi haqida o'quvchilar bilan suhbat olib boriladi. Yomon ishlardan chekinish zarurligi uqtiliradi. O'qituvchi o'quvchilarga: "Sizni qanday esalashlari istaysiz? Buning uchun nimalar qilishingiz lozim?" kabi savollar bilan murojaat qilinadi. O'quvchilar fikri diqqat bilan tinglanib, yaxshi fazilatlar misollar bilan ular ongiga singdirib boriladi. Shu o'rinda o'quvchilar orasidan ikki o'quvchi doskaga chiqariladi va ulardan bitiga yaxshi fazilatlarini, ikkinchisiga yomon xususiyatlarni doskaga yozish topshiriladi. Bunda quyidagi ustun yozilishi mumkin:

Yaxshi fazilatlar	Yomon xususiyatlar
Rostgo'ylik	yolg'onchilik
Mehnarsevarlik	dangasalik
Kamtarlik	ishyoqmaslik
Odoblilik	manmanlik
Xushmuomalilik..	qo'pollik, qo'rslik...

Keyin o'qituvchi har bir yozilgan so'zga o'quvchilarning o'zlari biladigan, yod olgan maqollarini aytishni va shu orqali ularning ma'nosini izohlashni so'raydi. Masalan, Rostgo'ylik- "Boshingga qilich kelsa ham, rost so'zla" yoki kamtarlik- "Kamtarga kamol-manmanga zavo'l" kabi maqollar aytiladi.

Maqollarni o'rganishda shu va shu kabi ish turlaridan foydalanish o'quvchilar nutqini o'stirishda samarali bo'ladi. Shuningdek, o'qish darslarida xalq maqollarini o'qitish jarayonida boshlang'ich sinf o'quvchilarida insoniy fazilatlarini tarbiyalashga, ularda yuksak ma'naviyatni shakllantirishga ham e'tibor qaratish maqsadga muvofiq bo'ladi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Umumiy o'rta ta'limning Davlat Ta'lim Standarti va o'quv dasturi (Boshlang'ich ta'lim).- Toshkent, 2017.
2. Imomov K., Mirzayev T., Sarimsoqov B., Safarov O. O'zbek xalq og'zaki poetik ijodi.- Toshkent: "O'qituvchi", 1990.
3. Qosimova K., Matchonov S., G'ulomova X., Yo'ldasheva SH., Sariyev Sh. Ona tili o'qitish metodikasi. -Toshkent, «Nosir», 2009.
4. Umarova M., Hamroqulova X., Tojiboyrva R. O'qish kitobi. 3-sinf uchun darslik.- Toshkent: "O'zbekiston" nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2016.
5. Matchonov S., Shojalilov A.va boshqalar. O'qish kitobi. 4- sinf uchun darslik.- Toshkent, "Yangiyo'l Poligraf servis", 2017.

**Ochilova Risolat Rasulbek qizi
Xorazm viloyati Bog'ot tumani
22- son umumta'lim maktabi 11- sinf o'quvchisi
(Bog'ot, O'zbekiston)**

ALISHER NAVOIY NUTQ MADANIYATI VA ODOBI HAQIDA

Annotatsiya. *Mazkur maqolada buyuk mutafakkir alloma Alisher Navoiyning nutq madaniyati va odobi oid fikrlari haqida so'z yuritilgan. Unda A.Navoiyning madaniyatli nutqni yuzaga keltiruvchi lisoniy omillar haqida fikrlari keltirib o'tilgan.*

Kalit so'zlar: *nutq, nutq madaniyati, nutq odobi, meros, lisoniy omil, izchillik, mantiqiylik, ezmalik.*

Аннотация. *В статье рассматриваются взгляды великого мыслителя и ученого Алишера Навои на культуру речи и этикет. Содержит взгляды А. Навои на языковые факторы, порождающие культурную речь.*

Ключевые слова: *речь, культура речи, речевой этикет, наследие, лингвистический фактор, последовательность, логика, красноречие,*

Annotation. *This article discusses the views of the great thinker and scholar Alisher Navoi on the culture of speech and etiquette. It contains the views of A. Navoi on the linguistic factors that give rise to cultural speech.*

Keywords: *speech, speech culture, speech etiquette, heritage, linguistic factor, consistency, logic, eloquence.*

“Milliy tiklanishdan – milliy yuksalish sari” tamoyili asosida taraqqiyotning butunlay yangi bosqichiga qadam qo'ygan mamlakatimizda ulusning ming yillik tajriba, tushuncha va qadriyatlariga tayangan tengi yo'q merosimizni o'rganish ma'naviyat va ma'rifatning ajralmas qismi sifatida ustuvor vazifaga aylandi. Yangi Uyg'onish davri – Uchinchi Renessans poydevori yaratilayotgan bugungi tarixiy kunlarda hazrat Alisher Navoiy merosi va g'oyalarini chuqur o'rganish va yoshlarga yetkazish har qachongidan ham muhim ahamiyat kasb etmoqda.

Alisher Navoiy o'zbek xalqining ming yilliklar bilan bo'yylashadigan bebaho qadriyatlari va yozma yodgorliklarini yuksak cho'qqiga chiqargan buyuk tafakkur egasidir. Bu yil buyuk mutafakkir allomaning 580 yilligi keng nishonlandi. Alisher Navoiyning asarlari nafaqat badiiy, balki mislsiz ma'naviy, lisoniy boylik hamdir. Bu boylikning tarkibiy qismlaridan birini shoir asarlarida uchraydigan nutq madaniyati va odobiga oid qarashlar, talqinlar tashkil qiladi. Mana shu ilmiy-ma'rifiy merosning mazmun va mohiyatini chuqur o'rganish, undan o'sib kelayotgan yosh avlod tarbiyasida foydalanish o'zning dolzarbligini yo'qotgani yo'q.

Ma'lumki, nutqning sifati, nutq madaniyati talablariga javob berishi notiqning maqsadi, suhbatdoshiga munosabati, tildan foydalana olish malakasi, ongli yondashuviga ham bog'liq. Mana shunga ko'ra, nutqqa ijobiy fazilatlar ato etuvchi omillar bilan birgalikda, aksincha, salbiy, ya'ni nutqni buzuvchi, unga zid keluvchi omillar ham yuzaga keladi.

Alisher Navoiy fasohatli nutqni yuzaga keltiruvchi ijobiy omillar haqida keng fikr yuritgan. Bular orasida lisoniy omillarga keng o'rin berilgan. Bular quyidagilar:

1. Nutq mazmunli, ma'noli bo'lishi kerak. Navoiy *daqiq* so'zini "sermazmun, teran ma'noli" ma'nosida qo'llagan: "*Bular ul hazratning daqiq so'zin yo anglamay, yo anglasalar buyurulgan yo'sun bila amal qilmay.*" (ML,39-b; NAIL, T.I, 474-b). *Mazmunlilik* tushunchasini shoir *mazmunluq* so'zi orqali ham ifodalagan: "*Safar azmida musofiridin ayrilur chog'da xayrbod mazmunluq alfozni radif qilib aytqon she'ring matlai furqatnamo kelibdur.*" (MN, 188-b; NAIL, T.II, 207-b). Navoiy nutqning mazmundor, ma'nodor bo'lishiga katta e'tibor berar ekan, bunday til toshni eritadi, deya mubolag'a ham qiladi:

Nukta suv yanglig' eritur toshni,

Topsa haqiqat o'tidin choshni. (HA, 54-b).

So'zning ma'noli, nutqning mazmunli bo'lishi haqida gap ketganda, Alisher Navoiy *gavhari ma'ni, gavharfishonlig', garmnafas, guharposh, guharrez, durfishonliq, daqoyiq, diqqatlik, kalomovar, maoniylik, mazmunliq, nuktaronlig', nuktataronlig'* etmoq, *g'avs* kabi so'z va iboralardan ham foydalanilgan.

2. Nutq mufassal bayon qilinmog'i kerak. Navoiy fikrni mufassal, to'liq bayon qilishni *tafsil, vuzuh* so'zlari orqali beradi: "*Sulaymon binni Dovud alayhissalom andin mashhurroqdurkim, ahvoli ko'p sharhqa ehtiyoj bo'lg'ay, ammo juzviy tafsildin chora yo'qdur.*" (TAH, 161-b; NAIL, T.III, 200-b).

Fikrning mukammal, to'liq bayoni uning shakli bo'lgan nutqning shakliga, ifodalanish darajasiga, usuliga bog'liq. Adib so'z *libosi* deganda nutqning mana shu tomonini ko'zda tutadi:

So'zlar libosini etmayin oro,

Xo'blar uylakim xazu xoro. (SS, 32-b).

3. Nutqning bayoni izchil bo'lmog'i, fikrlar bir-birini to'ldirib, aniqlab bormog'i lozim.

Navoiy nutqning izchil, mantiqiy bo'lishiga katta e'tibor qilgan. Navoiy Mehinbonu tomonidan Farhod sharafiga uyushtirilgan ziyofatda ishtirok etayotgan o'nta kanizaklarning nutqi haqida:

Biri mantiq rusumida raqamkash,

Biri hay'at ruqumida qalamkash, –

deya ularni madh etadi (FSh, 272-b).

4. Nutq qisqa va ravshan bayonli bo'lmog'i lozim. Navoiy nutq qisqa, ixcham, ammo mazmunli, bayoni aniq, tushunarli, mujmal bo'lmasligi lozim deb hisoblagan: "*Va avsat so'z jamoati fusahoyi balog'atshior va bulag'oyi fasohatdisor iborati farxunda ishoratlaridurkim.*" (NJ, 126-b; NAIL, T.I, 33-b).

Navoiy o'zining yozma nutqi haqida gapirar ekan, har doim gapni cho'zmaslikka undaydi:

Navoiy, xomadek tortib uzun til,

Ne dersen, oxir o'z haddingni bilgil. (FSh, 16-b).

5. Nutq rang-barang, ifodalarga boy bo'lishi kerak. Navoiy ushbu tushunchani *balog'atko'sh* so'zi orqali izhor qiladi:

Demonkim, so'z ayturg'a balog'atko'sh o'l,

Nafsingg'a saloh istar esang xomo'sh o'l.

(NJ, 158-b; NAIL, T.I. 208-b).

Navoiyning yozishicha, nutq ham mazmun, ham shakl jihatidan rang- barang bo'lishi lozim.

Barchasining nuktasi rangin erur,

Nazmlari dilkashu shirin erur. (HA, 66-b).

6. Tilni, uning boy imkoniyatlarini bilish va egallash lozim. Alisher Navoiy ba'zi shaxslarning nutqiga baho berar ekan, ularning lisoniy mahoratini tilning boyliklarini qanchalik egallagani, undan qay darajada foydalanishiga qarab belgilaydi: "*Sahl b Abdulloh Tustariy q.s...Kuniyati Abu Muhammad. Ahvolda qaviy va so'zda za'if debdurlar.*" (NM, 54-b). Shoir bunday baholarni berishda *biyik kalom, buyuk kalom, yaxshi tilde adosi bor, furun va nuktada barkamol, nadim sheva, shiringo'y* kabi ta'riflardan foydalangan.

7. Tildan nutqqa mos vositalarni tanlay olish va ulardan til qoidalariga mos foydalanish kerak. Alisher Navoiy tilni yaxshi egallagan kishi nutq mazmuniga mos keladigan fikrni to'g'ri ifodalay oladigan bo'lishi va til vositalarining munosibini tanlay olishi hamda ishlatishi, bunda til qoidalari, me'yorlariga amal qilishi lozim, deb hisoblaydi:

Ul biri ul fazlu fashohat bila,

Bu biri bu fe'lu qabohat bila. (HA, 219-b; NAIL, T.III, 335-b).

8. Nutq ta'sirchan kuchga ega bo'lishi lozim. Buning uchun so'zlar chin yurakdan chiqmogi lozim: "*... bu kimiyo asar so'zlar ta'siriga Tengri inoyatidin arjumand.*" (NM, 12-b; NAIL, 140-b)

Alisher Navoiy tomonidan belgilangan nutq madaniyati va odobi talabiga zid keluvchi omillar lisoniy omillar quyidagicha belgilangan:

1. Puxta o'ylamay so'zlash sayoz fikrlik, sovuq nafaslikdir. Bu o'rinda Navoiy "nomaqbul so'zlar aytuvchi" ma'nosini beruvchi *damsard* so'zini qo'llagan:

Damsard – nomaqbul so'zlar aytuvchi, sovuq nafasli:

Sovug' damlar bila ul zoli damsard,

Chiqordi ko'kka ul tufrog'din gard.

(FSh, 402-b. NAIL, T.I, 449-b).

Navoiyning ta'kidlashicha, ko'zga ko'ringan har qanday voqea-hodisani so'zlayverish to'g'ri emas:

Til bori ul debki, demak xo'b emas,

Ko'z ko'rubon oniki, matlub emas. (HA, 126-b).

Navoiyning yozishicha, kishi umuman ona tili oldidagi mas'uliyatini sezmas ekan, demak, nutqi oldidagi mas'uliyatni ham his qilmaydi:

Sen o'zungni tonimas ermishsen,

O'z so'zungni tonimas ermishsen. (SS, 406-b).

Mana shu fikrni adib: "Tilga e'tiborsiz – elga e'tiborsiz" deya kengroq ma'noda ifoda etgan va bu endilikda xalq orasida maqol, hikmatli so'z darajasida yaxshi ma'lum.

2. Nutq madaniyatini buzadigan xususiyatlardan biri nutqning keraksiz ravishda cho'ziq bo'lishidir. Bunda u *daroznafas, purgo', purgo'yulq* so'zlaridan foydalangan.

Daroznafas – gapni cho'zuvchi, ezma:

Kel Navoiy, fasonani bas qil,

Kim, emishsen ajab daroz nafas.(SS, 410-b; NAIL, T.IV, 220-b).

Purgo' – sergap, ezma; nutqni bemaqsad cho'zuvchi:

Navoiyo, chu emas nasya naqd birlan teng,

Bexisht voizi purgo'g'avu, Hirot manga.

(N.Sh, 15-b; NAIL, T.I, 585-b).

Purgo'yulq – sergaplik, ezmalik: “*Mavlono Humoiy bir majlisda anga bir ayoq bersalar, ul arbada va purguyliqkim, andin zohir bo'lar, aning sharhi mutaazzirdur.*” (MN, 159-b; NAIL, T.II, 585-b).

3. O'rinsiz takror. Nutq madaniyatini buzadigan ushbu holatni Navoiy quyidagi misralarda aniq va ravshan ta'kidlagan:

Bir deganni ikki demak xush emas,

So'z chu takror topti dilkash emas. (SS, 73-b).

Navoiyning fikricha, beo'rin takror nutqning yoqimli, dilkash, dilga yaqin, samimiy bo'lishiga zarar yetkazadi.

4. Nutq jarayonida qo'pol, beodobona so'zlardan foydalanish. Alisher Navoiy so'zlash jarayonida beadabona, qo'pol, uyatli ma'noga ega so'zlar qo'llashni qoralaydi va bunday nutq sifatini *beodobona* uning egasini esa *badzabon* so'zlari bilan nomlaydi. Navoiy mana shu fikrlarni quyidagicha talqin qilgan:

Badzabon – achchiq tillilik, yomon til: “*Ali Karmol, bag'oyat, safih va badzabon kishi erdi.*” (MN, 118-b)

Beodobona – odobsiz, hurmatsizlik bilan odobsizlarcha so'zlar aytmoq: “*Mavlono Yaqiniy... oxir damida beodobona so'zlaridin tavba qilib, ahli saloh tariyqi bila kechti...*” (MN, 62-b. NAIL, T.I, 248- b).

5. Nutqning ohangi yoqimsiz, jozibasiz bo'lishi. Navoiy xunuk ovozni nutqning ijobiy fazilatlarini yo'qqa chiqaruvchi salbiy omillardan biri deb hisoblaydi va bu holatni *badovoz* – ovozi xunuk, tovushi yoqimsiz deb baholaydi: “*Agar muqriy lavanddur, bad ovozu kulg'undidur, lahni nosoz, badani vuzu' qaydidin nopok va xush vaqt rioyatidin bebok.*” (MQ, 29; NAIL, T.I, 189).

Ko'rinadiki, Alisher Navoiy til, nutq, tildan foydalanish, nutqning kommunikativ sifati masalalariga katta e'tibor qilgan. Uning bu masalaga oid qarashlari o'sha davrda amal qilingan nutq madaniyati va odobining negizidan iborat bo'lib, shoirning badiiy, lisoniy, tarixiy, diniy asarlari sahifalarida o'z ifodasini topgan. Uning avlodlarga qoldirgan merosi bashariyat ma'naviyatining o'q tomirlaridan. Global taraqqiyotning hozirgi bosqichida hazrat asarlarining jamiyat ma'naviy yuksalishidagi o'rni va qadri tobora oshib borayotganligi ochiq ko'rinmoqda.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Alisher Navoiy asarlari tilining izohli lug'ati. 4 jildlik. - Toshkent: Fan, 1983-1985.
2. Islamov O'. Alisher Navoiy asarlarida nutq madaniyati // Til va adabiyot ta'limi. – Toshkent, 2008. –№3. –B. 81-85.
3. Qo'ng'urov R., Begmatov E., Tojiyev Yo. Nutq madaniyati va uslubiyat asoslari: – Toshkent: O'qituvchi, 1992.
4. O'rinboev B., Soliyev A. Notiqlik san'ati. – Toshkent, 1984.

SHARTLI QISQARTMALAR:

MN – *Majolis un-nafois / A .Navoiy. MAT. – Toshkent: Fan, 1997. T.13.*

ML – *Muhokamat ul-lug'atayn / A. Navoiy. MAT. – Toshkent: Fan, 2000. T.16.*

NAIL – *Navoiy asarlari izohli lug'ati – Toshkent: Adabiyot va san'at, 1972.*

NJ – *Nazm ul – javohir / A. Navoiy. MAT. – Toshkent: Fan, 1999. T.5.*

NM – *Nasoyim ul – muhabbat / A. Navoiy. MAT. – Toshkent: Fan, 2001.*

T.17.

SS – Sab'ai Sayyor / A. Navoiy. MAT. – Toshkent: Fan, 1992. T.10.

FSh – Farhod va Shirin / A. Navoiy. MAT. – Toshkent: Fan, 1991. T.8.

HA – Hayrat ul-abror / A. Navoiy. MAT. – Toshkent: Fan, 1991. T.7.

**Jumaniyozova M. X.,
UrDU dotsenti, f.f.n.,
Qurbonova E. A.**

**UrDU Ta'lim va tarbiyaviy ishlar nazariyasi va metodikasi
(boshlang'ich ta'lim) mutaxassisligi 1-bosqich magistiri
(Urganch, O'zbekiston)**

BOSHLANG'ICH SINIF ONA TILI TA'LIMIDA O'QUVCHILAR TAFAKKURINI RIVOJLANTIRISHDA MUSTAQIL ISHLARDAN FOYDALANISH

Annotatsiya. *Mazkur maqolada boshlang'ich sinif ona tili ta'limida o'quvchilar tafakkurini rivojlantirishda mustaqil ishlardan foydalanish o'рни va ahamiyati haqida so'z yuritiladi. Unda mustqail ishlarning turlari va xarakterli xususiyatlari ko'rsatib beriladi.*

Kalit so'zlar: *boshlang'ich ta'lim, ona tili ta'limi, mustaqil ish, nutq, tafakkur, mustaqil fikrlash, aqliy faoliyat.*

Аннотация. *В данной статье обсуждается роль и важность использования самостоятельной работы в развитии мышления учащихся в начальной школе при обучении родному языку. Показаны виды и особенности самостоятельной работы.*

Ключевые слова: *начальное образование, обучение родному языку, самостоятельная работа, речь, мышление, самостоятельное мышление, умственная деятельность.*

Annotation. *This article discusses the role and importance of using independent work in the development of students' thinking in primary school mother tongue education. It shows the types and characteristics of independent work.*

Keywords: *primary education, mother tongue education, independent work, speech, thinking, independent thinking, mental activity.*

O'zbekiston Respublikasi demokratik, huquqiy va fuqarolik jamiyatini qurish yo'lidan bormoqda. Respublikamizda amalga oshirilayotgan ishlohotlarning bosh maqsadi va harakatga keltiruvchi kuchi - har tomonlama rivojlangan barkamol insondir.

Axborotlar jadallik bilan integratsiyalashib borayotgan hozirgi davrda zamonaviy ta'limning asosiy vazifalardan biri atrof-olam voqea-hodisalarini ta'lim jarayoni orqali mustaqil tahlil qila oladigan shaxsni kamol toptirishda namoyon bo'ladi. Bu maqsadga, albatta, o'quvchilarning ta'lim jarayonidagi faolligini oshirib borish orqali erishish mumkin.

Respublikamiz ta'lim muassasalarida o'quvchilarning mustaqil fikrlash, atrof-dagi voqelikka ongli munosabatda bo'lish, daxldorlik va ijtimoiy faollik kabi sifatlarini, nutq va tafakkurini rivojlantirish, yuksak ma'naviyatli barkamol shaxsni kamol toptirish sog'lom avlodni voyaga yetkazishning muhim omili sifatida boshlang'ich ta'lim tizimidan boshlab ilg'or pedagogik va axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini keng miqyosda qo'llashni taqozo etmoqda. "O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha Harakatlar strategiyasi"da belgilab

berilgan "mustaqil fikrlaydigan, qat'iy hayotiy nuqtayi nazarga ega, Vatanga sodiq yoshlarni tarbiyalash, demokratik islohotlarni chuqurlashtirish va fuqarolik jamiyatini rivojlantirish jarayonida ularning ijtimoiy faolligini oshirish" vazifasi shaxsning intellektual salohiyatini shakllantirishga, jamiyatning ijtimoiy, siyosiy, madaniy, ma'rifiy hayotida faol va muvaffaqiyatli ishtirokini ta'minlashga zamin yaratadi. Uzluksiz ta'lim tizimini yanada takomillashtirish yo'lini davom ettirish, mehnat bozorining zamonaviy ehtiyojlariga muvofiq yuqori malakali kadrlarni tayyorlash, ilmiy va innovatsion yutuqlarni amaliyotga joriy etishning samarali mexanizmlarini yaratish qayd qilingan mazkur farmon boshlang'ich ta'lim tizimida ham o'qitish sifatini takomillashtirishni taqozo etadi.

Inson borliqning bir bo'lagi sifatida undagi har bir voqeikka o'ziga xos mulohaza bilan yondashmog'i, ko'rgan-eshitgan voqealarni ziyraklik bilan mulohaza qilishi, idobiy fikrlashi muhim hisoblanadi.

Boshlang'ich ona tili ta'limini mustaqil ta'lim asosida o'qitish ta'lim tizimining asosiy tamoyillaridan biri sanaladi. Mustaqil ta'lim o'quvchilarning ona tilidan o'qitish sohasidagi bilimlarini oshirishga, ularni mustaqil va ijodiy fikrlashga o'rgatadi. Binobarin, boshlang'ich sinf o'quvchilarining ona tili bo'yicha bilimlarini kengaytirish va chuqurlashtirish, hayotga ongli munosabatni shakllantirish ta'limning tarbiyaviy ta'moyilini kuchaytirish, qiziqishini oshirish, mustaqil va ijodiy fikrlashga o'rgatish, tafakkurini o'stirish aynan mustaqil ta'lim asosida amalga oshiriladi. Bunday ishlar o'z shakli va mazmuniga ko'ra xilma-xil bo'lib bevosita asosiy darslarning davomi hisoblanadi. Shu bilan birgalikda mustaqil ta'limda amalga oshirish qiyin bo'lgan vazifalarni hal qilishga keng yo'l ham ochiladi. Mustaqil ta'lim negizini mustaqil ishlar tashkil qiladi. Ona tili darslarida mustaqil ta'limning turli xil usullaridan, ya'ni ta'lim texnologiyalaridan foydalanish foydadan xoli bo'lmaydi.

O'quvchilarda mustaqil ishlash, avvalo, mustaqil ishlarga tayyorlash, o'qituvchi tomonidan materialning muammoli tarzda bayon etilishi kabi yo'llar bilan hosil qilinadi. Bunda quyidagi topshiriqlarni muntazam ravishda berib borgan ma'qul: materialni darslik asosida o'rganish, namunaviy mustaqil mashqlar, yangi turdagi topshiriqlar, o'zlashtirilgan usullarini amalda qo'llashga oid vazifalarni bajarish, ijodiy ishlarni bajarish kabi.

Ilmiy-metodik adabiyotlarda ta'kidlanganidek, o'quvchi mustaqil aqliy faoliyat ko'rsatish, mustaqil o'rganish orqaligina fan asoslarini puxta egallaydi.

Mustaqil ish o'quvchilarning o'zaro fikr almashinuvida, bog'lanishli nutqda, tanqidiy fikrlashda asosiy omil bo'lib xizmat qiladi va ularning tafakkurini o'stirishda muhim omil bo'ladi. Mustaqil ishlar o'quvchilar amaliy faolligini oshirishda yagona yo'ldir.

Boshlang'ich sinf o'quvchilarini mustaqil fikrlashga o'rgatishda mustaqil ishlar muhim vosita bo'lib xizmat qiladi. Ular quyidagi xususiyatlariga ko'ra xarakterlanadi:

- mustaqil ishlarda bajarish so'ralgan shartlar o'quvchilardan izlanuvchanlik talab qilishi;
- o'quvchilarni mustaqil holda hukm, xulosa va umumlashmalar chiqarishga yo'naltirishi;
- mustaqil ishlarni bajarish jarayonida o'quvchilarda yangi bilimlarni egallashga ehtiyoj tug'ilishi.

Boshlang'ich sinflarning ona tili darslarida qo'llaniladigan mustaqil ishlarni guruhlarni quyidagi turlarga ajratish mumkin:

1. Reproduktiv mustaqil ishlar. Reproduktiv mustaqil ishlar o'quvchilarning avval olingan bilimlarini amalda qo'llashini nazarda tutadi. Bunday mustaqil ishlarga namuna asosidagi mustaqil ishlar, sharhlab yozish, grammatik topshiriqli diktantlar kiradi. Bu xildagi mashqlar o'quvchilarning mustaqil fikr yuritish jarayoniga qishman ta'sir ko'rshtadi va u ko'pincha darslik mashqlari asosida o'tkaziladi.

2. Rekonstruktiv mustaqil ishlar. Rekonstruktiv mustaqil ishlarni o'tkazish jarayonida o'quvchilar muammoni hal etish uchun avval olingan bilimlarini hayolda faqat qayta tiklabgina qolmay, balki muammoni hal etish yo'llarining mavjud umumiy tushunchalardan qayshi biriga mos kelishini o'rganadilar. Bu tipdagi mustaqil ishlarga bayon, shaxsni o'zgartirib hikoya qilish, tahlil qilish, test topsiriqlari, tarqatma materiallar asosidagi mustaqil ishlar misol bo'la oladi.

Kuzatishlarga qaraganda, mustaqil fikrlash, avvalambor, yangi savol, yangi muammoni ko'ra bilish va qo'ya bilish, so'ngra uni o'z kuchi bilan hal qilishda namoyon bo'ladi. Boshqacha aytganda, mustaqil fikrlash o'quvchilarning shunday faoliyatiki, unda o'quvchilar maksimal faollik, ijodkorlik, mustaqil hukm chiqarish va tashabbuskorlikni namoyon qiladilar. Natijada ular shu jarayonda:

- bilimlarni mustaqil ravishda yangi vaziyatda qo'llash;
- mavzularni o'rganish davomida yangi muammoni ko'ra bilish;
- bir muammoning bir nechta yechimlari bo'lishi mumkinligini anglash;
- avval ma'lum bo'lgan muammolarni hal qilish usullarini kombinatsiyalash;
- muammoni hal qilishning original usullarini topa bilish malakalarini egallay boradilar.

Yuqorida sanab o'tilgan va boshqa shu kabi ishlarni bajarish davomida o'quvchi faoliyatida ongli mustaqillik darajasi quyidagilarda namoyon bo'ladi: bilish, fikrlash, eslab qolish yoki ma'lum tushunchalar asosida yangi dallillar, hodisalar, voqealarni keltirish.

Ish mazmuniga ko'ra o'xshash topshiriqlarni bajarishdagi o'quvchi harakatlari mustaqil bo'lmaydi, chunki ular namuna asosida bajariladi.

Boshlang'ich sinf o'quvchilarining ona tili darslaridagi faoliyati ham elementar darajada bo'ladi. Negaki, u oddiy qayta ishlash ko'rinishida tayanch tushunchalar asosidagi harakatlari fikrlash tarziga kam ta'sir o'tkazadi.

Tafakkurning yetarli darajada rivojlanmasligi, M.Saidov ta'kidlaganidek, "o'quvchi faoliyatida tez-tez duch keladigan so'z qashshoqligi, fikrni mantiqan bayon qila olmashlik, fikrni mustaqil izchillikda bera olmaslik, bayon qilinishi lozim bo'lgan fikrlarni mantiqiy bo'laklarga ajrata olmashlik, mavzu talabidan chetga chiqishi"ga olib keladi. Bu esa masalaning g'oyatda muhimligini ko'rsatadi. Shunday ekan, ona tili ta'limida o'quvchilarning tafakkurini rivojlantirish uzluksiz ta'lim tizimi oldidagi shaxs tarbiyasi bilan bog'liq muammolarni hal qilishning zarur shartlaridan biridir. Inson o'z xatti-harakatlari, faoliyati davomida qay darajada mustaqil fikrli bo'lsa, shu qadar tushunchasi keng, aql-idroki yuksak hisoblanadi. Fikr nutq orqali ifoda etilishi nazarda tutilsa, ona tili ta'limi oldida nechog'li mas'uliyatli vazifani hal qilish masalasi turganini anglash qiyin emas. Shu nuqtayi nazardan, umumiy o'rta ta'lim sohasini tubdan isloh qilish, xalqaro baholash dasturlari asosida o'quvchilarda o'qish, savodxonlikni rivojlantirish, ular tafakkurini o'stirishga alohida e'tibor qaratish maqsadga muvofiq bo'ladi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Umumiy o'rta ta'limning Davlat Ta'lim Standarti va o'quv dasturi (Boshlang'ich ta'lim).- Toshkent, 2017.
2. Roziqov O. va boshqalar. Ona tili didaktikasi. – Toshkent: Yangi asr avlodi, 2005.
3. Qosimova K., Matchonov S., G'ulomova X., Yo'ldasheva SH., Sariyev Sh. Ona tili o'qitish metodikasi. -Toshkent, «Nosir», 2009.

UDC 002.075

Daminova Barno Esanovna
Karshi State University
Senior teacher of the Department of Informatics Teaching Methods
(Karshi, Uzbekistan)

METHODS AND MEANS OF REFLECTION OF KNOWLEDGE

Annotatsiya. *Ushbu maqolada kompyuterli o`qitish tizimlarida bilimlarni aks ettirish usul va vositalari haqida so`z yuritilgan. Shuningdek, intellektual elementli o`qitish tizimlarini ishlab chiqishda bilimlarni hosil qilishga yondashuv va ularning modellari aks ettirilgan bo`lib, bilimlarni hosil qilish tizimlarining umumlashgan tuzilmalari va qurishga yondashuvlari qarab o`tilgan.*

Kalit so`zlar: *kompyuter, axborot, ta`lim tizimi, o`qitish tizimlari, texnologiya, mutaxassis, model, tarmoq, produksion, freym.*

Аннотация. *В этой статье обсуждаются методы и инструменты для передачи знаний в компьютерных обучающих системах. Также отражены подходы к генерации знаний и их модели в развитии образовательных систем интеллектуального элемента, рассмотрены обобщенные структуры и подходы к построению систем генерации знаний.*

Ключевые слова: *компьютер, информация, система образования, системы обучения, технология, специалист, модель, сеть, производство, каркас.*

Annotation. *This article discusses the methods and tools for the transfer of knowledge in computer-based learning systems. Also, the approach to knowledge generation and their models in the development of educational systems of the intellectual element are reflected, the generalized structures and approaches to the construction of knowledge generation systems are considered.*

Key words: *computer, information, education system, training systems, technology, specialist, model, network, production, frame.*

Introduction. At the current stage of development of information and communication technologies, the application of modern technologies in the teaching process of the social sphere is becoming one of the modern requirements. In particular, the improvement and enrichment of traditional education through computer-based learning systems naturally raises a number of issues, such as the development of new approaches and methodological tools for professionals.

The formation of a knowledge base in computer-based learning systems serves to elevate systems based on the principles of automated learning systems to a higher level, that is, to the level of intellectual learning systems.

The formation of knowledge is an important and topical issue in the organization of intelligent systems. First of all, it is necessary to clarify what the concept of knowledge includes. Knowledge is the acquisition of certain skills and concepts that are subjectively and objectively correct. Based on these skills and concepts, sufficiently reliable judgments and conclusions are made. [2]

Literature review. In the formation of knowledge, there is the concept of "understanding", which is used to understand the internal connections between the realities, the constituent values. In this analysis, the cycle of the process of knowledge formation continues. In order to fully understand the formation of knowledge, it is necessary to look at it in different aspects (including the creation of information systems).

Knowledge is a form of information stored in the knowledge base that describes the subject area and must meet the conditions to ensure a complete description of the object. Features of knowledge are internal interpretation, self-structure, dependence, activity. In order to organize learning in an intelligent system, it is necessary to reflect them on a computer. To do this, it is converted into some form of structured information. The information displayed on the computer is procedural and declarative. [5]

Procedural information is in the form of a program and is implemented during the problem-solving process. Declarative information is reflected in the data processed by the program. The following models of knowledge reflection are used:

- makes sense
- tape
- productive
- framed

Knowledge generation is done through two functions:

- obtaining information from the external environment;
- Systematization of the received information.

Research Methodology. There are different ways of generating knowledge and different forms of information.[9] Accordingly, knowledge-generating systems (KGS) can be in the form of teaching, self-teaching, or tailored to a specific function.

The information is available in the following forms:

- receiving information without logical conclusions;
- receive information in the form of knowledge;
- reading with examples;
- meta-level knowledge.

The process of learning takes place when you receive information in a voluntary way. Acquiring knowledge without logical conclusions is mechanical memorization. Information expressed in the form of knowledge can be used for conclusions. It can also be used to recall information directly, which can be used to generate subsequent conclusions, other knowledge, and factual information. A sufficiently advanced summative function is required to use the generated knowledge. [4]

Examples are used to gather evidence for the organization of teaching and to combine them in the form of knowledge. A universal language of examples and general rules is needed to organize example-based learning.

Examples of instructional training include:

- parametric training;
- teaching based on similarities;
- Heuristics-based reasoning.

At present, there are no rules for the appearance and summarization of information on the formation of meta-level knowledge. However, research in this area is progressing rapidly.

The following diagram illustrates the generation of knowledge using KGS (Figure 1):




Figure 1. The general structure of knowledge generation using KGS.

The appearance of the database and knowledge base in the system can be arbitrary. Accordingly, in accordance with the rules existing in the Knowledge base (KB), the information in the Database (DB) is reflected in some form of information on the current situation and delivered to the KGS. [1]

Analysis and results. The organization of knowledge means the transition to the DB as a result of the processing of the KB. The DB collects and stores empirical evidence (evidence, examples from expert opinions, some evaluative elementary relationships, etc.) in the field under study, expressed in the form of a trinity (object, sign, character property). KB includes texts in natural language that are close to the practical context.

The context determines the relationship between the objects in the DB. It can be provided outside the DB (for example, by an expert), but can also be developed using characters and character sets from the DB. In practice, equivalent and ordered relationships are more common. Helps to solve problems such as classification, diagnosis and identification of equivalence relations. Forming an ordered relationship is compatible with problems such as prediction. [8]

Methods of organizing knowledge have much in common with the above-mentioned problem-solving methods, such as classification, diagnostics, and emblem recognition. Their main distinguishing feature is the function of interpreting the laws underlying the classification of objects into equivalent classes. For the same reason, logical methods such as "Empirical prediction", "Inductive generation of concepts", and "Quasi-axiomatic construction theory" are common in knowledge engineering.

There is another important reason that determines the priority of logical style. It is the creation of artificial intelligence in a complex system of areas of special interest. These areas relate to the cybernetic level of system formation, the laws of which are clearly expressed using statistical language or other applied mathematical models [3].

Such complex systems are flexible and versatile with inductive logic devices that often lead to positive results. At the same time, there is a problem with the

proliferation of options for the construction of such devices, which leads to the use of unsubstantiated heuristic assumptions.

In addition to logical methods, net models are used to express knowledge. The first network models appeared in the 60s of last century. Examples are RX codes and syntagmatic chains, simple semantic networks. Research on relational, network, and hierarchical databases, as well as frame networks, is directly related to network models. [10]

The peculiarity of computer-based learning systems based on the proposed knowledge is that in addition to the presentation of a single teaching material, the experience of senior educators in the field can be used as expert knowledge.

But this kind of knowledge, as we know, is both verbal and ambiguous. They mainly take into account the quality side of processes and evaluations.

A functional superstructure component of such intelligent learning systems is the Intellectual Textbooks or Intellectual Elementary E-Learning Guides (ELG).

ELG is an intellectual manual with the following functional, logical and didactic features:

- provide the most complete theoretical and practical material in the field of study;

- presentation of the material by means of multimedia;

Conclusion. In order to realize these capabilities, the intellectual learning system is represented in the form of two types of information models: the data model (DM) and the knowledge model (KM). [6]

The DM stored in the DB represents the full text of the teaching material in the field of science. KM is a frame-semantic model of KGS and the rules and procedures of assessment, which are determined under the given questions, as well as to identify, diagnose the wrong answer to the given question, to determine the strategy for the next stage of training, for the next stage. is to determine the volume and structure of the methodical material. KM is stored in the knowledge base. [7]

The above is described in the form of a general principle of expression of knowledge in the organization of computer-based learning systems with an intellectual element.

REFERENCES

1. Alekseeva I.Y. Artificial intelligence and reflection on knowledge. // Philosophy of Science and Technology: journal 1991 №9, p. 44-53.
2. Brusilovsky P.L. Intelligent training systems. // Informatics. Science-technical collection. Kiev 1990. №2.
3. Duke V.A., Samoilenko A.P. Data Mining: a training course. // SPb.: 2001.
4. Heckerman D., Bayesian Networks for Data Mining // Data Mining and Knowledge Discovery. 1997. No. 1. P. 79-119
5. Verlan A.F., Chmyr I.A., Akhatov A.R., Bobomurodov O.Zh. Systems artificial intelligence. / uch. allowance. Samarkand, 2009, 130s.
6. Monakhov M.Y. Information educational network. // Information technologies, No. 7, 2001.
7. Rakhimov N.O. Bilimlarni qosil qilish tizimlarini tashkil ethishga Endashuv // TATU habarlari. - Toshkent, 2010. No. 2. 111-113 b.

8. Osipov G.S. Knowledge acquisition by intelligent systems: Foundations of theory and technology. - M.: Science. Fizmatlit, 1997. - 112 p.
9. Usachev Y.E. Designing an intellectual textbook. // Distance education. Moscow, No. 4, 2000. S. 124-125.
10. Champaner G., Shaiduk A. Educational computer systems. // Higher education in Russia ", 1998, No. 3. - pp. 97–99.

Quchqorova Nargiza Mamajonovna
PhD,
Ermatova Shohista Maxmuddjan qizi
talaba
Urganch davlat universiteti
(Urganch, O'zbekiston)

MAKTABGACHA TA'LIM TASHKILOTLARIDA DASTLABKI IQTISODIY TUSHUNCHALARNI HOSIL QILISH

Annotatsiya: Maqolada maktabgacha ta'lim tashkilotlarida bolalarga mashg'ulotlar, besh markazdagi faoliyatlar va tashkil qilingan burchaklar asosida dastlabki iqtisodiy tushunchalarni o'rgatishga doir ma'lumotlar berilgan.

Kalit so'zlar: besh markaz, faoliyat, burchak, "Bank", "Pochta aloqa bo'limi", "Do'kon", "Shifoxona" burchaklari, pul, tovar, ayriboshlash.

Аннотация: Статья предназначена для детей дошкольного образования, занятия, мероприятия в пяти центрах и организованные уголки данные по преподаванию основных экономических понятий на основе.

Ключевые слова: пять центров, деятельность, уголки, уголки "Банк", "Почта", "Магазин", "Больница", деньги, товары, обмен.

Annotation: The article is for children in preschool education classes, activities in five centers, and organized corners data on the teaching of basic economic concepts on the basis of.

Keywords: five centers, activities, corners, "Bank", "Post Office", "Shop", "Hospital" corners, money, goods, exchange.

O'zbekiston Respublikasi mustaqil demokratik jamiyat qurish yo'lidan borar ekan, o'z fuqarolarining, ayniqsa, yangi jamiyat barpo etishga bel bog'lagan, o'sib kelayotgan yosh avlodning barkamol bo'lib voyaga yetishiga alohida e'tibor qaratib kelmoqda. Bunday ulug' maqsad yo'lida buyuk ajdodlarimiz jasoratlari, ularning yurt uchun qilgan mardonavor kurashlari ibrat sifatida ko'rsatib kelinmoqda. Amalga oshirilayotgan islohotlar va yangilanishlarning barchasi barkamol avlod rivojlanishi uchun qilinayotgan harakatlar hisoblanadi. Barkamol shaxs tarbiyasini tashkil etish barcha davlatlarda ham ijtimoiy jamiyatning muhim talabi va asosiy maqsadi bo'lib kelgan. 1-Prezidentimiz I.A. Karimov ham barkamol avlod tarbiyasi haqida: "Vatanimizning kelajagi, xalqimizning ertangi kuni, mamlakatimizning jahon hamjamiyatidagi obro' – e'tibori, avvalambor farzandlarimizning unib – o'sib, ulg'ayib, qanday inson bo'lib hayotga kirib borishiga bog'liqdir" – deb alohida ta'kidlaganlar.

Maktabgacha ta'lim yoshidagi bolalar barkamol shaxs sifatida rivojlanishi uchun ularga kichik yosh davridan boshlab ta'lim va tarbiya berib borish, tarbiya turlari, ularning vazifalari va rivojlantiruvchi xususiyatlari bilan tanishtirib borish bugungi kunning dorzarb masalasi hisoblanadi. Shu o'rinda bolalarni tarbiyalash yo'lidagi iqtisodiy tarbiya tushunchasi alohida ahamiyatga ega.

Maktabgacha ta'lim muassasasi tarbiyalanuvchilarida iqtisodiy bilim va tarbiyani, tabiatda mavjud bo'lgan jamiki resurslarning cheklanganligi, tabiat ne'matlarining tugab qolishi mumkinligini, ammo inson ehtiyojlarining esa cheksizligi haqidagi ma'lumotlarni yoshligidanoq singdirib borish ularni tejamkorlikka, moddiy va ma'naviy boyliklarni asrab – avaylash ko'nikmalarining shakllanishiga olib keladi. Bu boradagi dastlabki tushunchalar iqtisodiy bilimlarga ega malakali maktabgacha ta'lim muassasasi tarbiyachilari tomonidan tarbiyalanuvchilarga sodda va tushunarli tilda o'rgatib boriladi. Ya'ni bunda tarbiyachilar tarbiyalanuvchilarga ehtiyojlar, ularning kelib chiqish sabablari, qondirilish yo'llari, pul va uning paydo bo'lishi, foydalanish usullari, bozor munosabatlari, iqtisod, oila iqtisodi, bog'cha iqtisodi, mamlakat iqtisodi, mahsulot, savdo – sotiq, daromat turlari kabi tushunchalarni bolalarga mashg'ulotlar jarayonida o'rgatib boradilar.

Maktabgacha ta'lim muassasalarida ta'lim oluvchi bolalar yosh xususiyatlariga ko'ra ilk yosh guruh (2-3 yosh), kichik guruh (3-4 yosh), o'rta guruh (4-5 yosh), katta guruh (5-6) yosh, maktabga tayyorlov guruhi (6-7 yosh) tarbiyalanuvchilarini tashkil qiladi. Bu yosh xususiyatlariga ko'ra ilk va kichik guruh tarbiyalanuvchilari yosh jihatdan biroz kichikligi va murakkab tushunchalarni o'zlashtira olish qobiliyatleri hali to'laqonli rivojlanmaganligi sababli ularga iqtisod haqidagi bilimlar o'rgatilishi kechiktiriladi.

Maktabgacha ta'lim muassasalarida iqtisodiy bilimlarni o'rgatish asosan o'rta guruh (4-5 yosh) tarbiyalanuvchilaridan boshlanadi. Bu yosh guruhiga mansub bolalarda unchalik murakkab bo'lmagan iqtisodiy tushunchalar ya'ni iqtisod, pul, bozor, boyluk, mehnat, mahsulot kabi atamalar ma'nosi o'rgatib boriladi. Katta guruh tarbiyalanuvchilariga esa o'rta guruh tarbiyalanuvchilariga o'rgatilgan tushunchalar kengroq va to'liqroq holda o'rgatilishi bilan birgalikda ularga qo'shimcha ravishda mulkiy munosabatlar, tadbirkorlik, pul munosabatlari kabi tushunchalar ma'nosi ham o'rgatib boriladi. Maktabgacha tayyorlov guruhi bolalari yosh xususiyati va fikrlash qobiliyatining maktab ta'limiga yaqin va mosligi sababli ularga oila, jamiyat, davlat munosabatlari, iqtisodi, pul tushunchalarining mazmun – mohiyati, mahsulot va uni ishlab chiqarish, foydalanish va sotish, sotib olish kabi bilimlar chuqurroq o'rgatiladi. Bu o'rgatish jarayoni maktabgacha ta'lim muassasalarida o'tkaziladigan mashg'ulotlar davomida amalga oshiriladi.

Maktabgacha ta'lim yoshidagi bolalar rivojlanishi uchun asosiy tayanch dasturlar hisoblangan "Ilk qadam" davlat o'quv dasturi va bolalar rivojlanishiga qo'yiladigan davlat talablarida ham belgilab qo'yilgan talab va me'yorlarga asosan bolalarda iqtisodiy bilimlarni oshirib borish mumkin. Bunda "Ilk qadam" davlat o'quv dasturining 7-bob "Ilova" bo'limining 4-ilovasi: Yillik mavzuviy rejalarga bag'ishlangan bo'lib, maktabgacha ta'lim muassasasi tarbiyachilari rejada belgilangan oy mavzulariga mos ravishda mashg'ulotlar o'tkazilishini ta'minlaydilar.

Maktabgacha ta'lim yoshidagi bolalarga iqtisodiy bilimlarni tushuntirishning eng sodda usullaridan biri bu mashg'ulotlar va o'yin jarayonida tushuntirib borish hisoblanadi. Bu jarayonda tarbiyachi yillik mavzuviy rejada belgilab qo'yilgan har bir oy mavzularida iqtisodiy tushunchalarni bog'liq holda o'rgatishi mumkin bo'ladi. Yillik mavzuviy rejaning oktabr oyi mavzusi "Kuz bo'yoqlari" mavzusiga bag'ishlangan bo'lib, yosh guruhlari va hafta mavzulariga ko'ra taqsimlanadi. Oktabr oyi o'rta guruh tarbiyalanuvchilariga ikkinchi hafta mavzusi "Tabiat omborxonasi: sabzavotlar, mevalar, rezavor mevalar" doirasida iqtisodiy tushunchalarning sodda

ko'rinishlarini tushuntirish ham mumkin. Ya'ni bunda maktabgacha ta'lim muassasasi tarbiyachisi tarbiyalanuvchilarga tabiatda mavjud bo'lgan jamiki ne'matlar cheklangan miqdordaligini, ulardan oqilona foydalanish yo'llarini, meva va sabzavotlarni yetishtirish, mehnat qilish jarayonlarini va bozor munosabatlarida ularni sotish va sotib olish yo'llari haqida bilimlar berishi lozim. O'zlashtirilgan bilimlarni mustahkamlash esa tarbiyalanuvchilar bilan olib boriladigan hafta mavzusiga mos mashg'ulot va o'yin turlariga bog'liq. O'yin jarayonlarida muassasada tashkil qilingan markazlarda kichik bozorchan tashkil qilish, uni turli xil sarxil meva va sabzavotlar bilan to'ldirish, tarbiyalanuvchilardan birini sotuvchi, qolganlarini esa xaridor rollarini mohirona o'ynashga o'rgatish orqali ham iqtisodiy tushunchalar o'rgatilishi oson kechadi.

Maktabgacha ta'lim muassasalari guruhlarida maxsus tashkil qilingan rivojlantiruvchi markazlar va o'yin burchaklarida olib boriladigan mashg'ulotlar tarbiyalanuvchilar yosh xususiyatiga mos ravishda tashkillashtirilgan bo'lib, iqtisodiy bilimlarning kengroq va mazmun – mohiyati to'laroq tushuntirilishiga imkon yaratiladi. Guruh xonalarida tashkil qilingan "Bank", "Pochta aloqa bo'limi", "Do'kon", "Shifoxona" va shu kabi ko'plab tashkil qilingan burchaklarda bolajonlar uchun qiziqarli bo'lgan yangi bilimlarni o'rgatib borish mumkin. Bunda "Bank" burchagidan foydalaniladigan bo'lsa, iqtisodiy tushunchaning dastlabki birligi bo'lmish "pul" haqidagi bilimlar o'rgatiladi. Bolajonlar uchun zavqli mashg'ulotlardan biri hisoblangan rangli qog'ozlardan turli xil buyumlar yasash, rasm chizish, qirgish va bo'yoqlar yordamida rasmlar chizish jarayonlarida ham pulning tayyorlanishi, rangli qog'ozlar yordamida ularni yasash va mashg'ulotlar jarayonida undan foydalanishga o'rgatish ham mumkin. Bu jarayonlarning barchasi bola shaxsi rivojlanishi, uning barkamol shaxs sifatida tarbiyalanishiga yordam beruvchi asosiy usul va harakatlar jamlanmasi hisoblanadi.

Maktabgacha ta'lim yoshidagi bolalarni ilk iqtisodiy tushunchalar va atamalar bilan tanishtirib borish, ularning shaxs sifatida ulg'ayib kamol topishida asos bo'la oladi. Shu sababli ham har bir guruh tarbiyachisi bolalarni ilk iqtisodiy talablar bilan tanishtirish bo'yicha belgilangan talablar ya'ni bolalarga beriladigan tushunchalar hajmi, ularni amalga oshirish yo'llarini va uslublarini bilishi lozim.

ASOSIY ADABIYOTLAR

1. Yusupova P. Maktabgacha tarbiya pedagogikasi. T.: O'qituvchi. 1993.
2. Xasanboyeva O.U. va boshq. Maktabgacha ta'lim pedagogikasi. T.: Ilm ziyo. 2006.
3. Sh.A. Sodiqova "Maktabgacha pedagogika". "Tafakkur sarchashmalari" T.: 2013
4. N.M. Kayumova "Maktabgacha pedagogika". "TDPU" nashriyoti T.: 2013 y

POLISH SCIENCE JOURNAL

Executive Editor-in-Chief: PhD Oleh M. Vodianyi

ISSUE 2(35)
Part 2

Founder: "iScience" Sp. z o. o.,
NIP 5272815428

Subscribe to print 27/02/2021. Format 60×90/16.

Edition of 100 copies.

Printed by "iScience" Sp. z o. o.

Warsaw, Poland

08-444, str. Grzybowska, 87

info@sciencecentrum.pl, <https://sciencecentrum.pl>



ISBN 978-83-949403-3-1



9 788394 940331